

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

*А.Қосимов*

# ДИПЛОМАТИЯ АСОСЛАРИ

Тошкент-1996

Масъул муҳаррир - филология фанлари номзоди Т.Мусаев  
Тақризчилар - тарих фанлар доктори, профессор Р.Фармонов  
- тарих фанлари доктори, профессор  
Ш.Маҳмудбеков

Мазкур китобда “Дипломатия асослари” фани бўйича талабаларга кенгроқ илмий-назарий маълумот берувчи материаллар баён қилинган. Муаллиф бой манбалар асосида дипломатиянинг йирик муаммоларини атрофлича ёритади. Дарсликда давлатлараро муносабатлар, дипломатик хизмат, тегишли ҳужжатлар хусусида атрофлича фикрлар билдирилган.

Мазкур ўқув қўлланма олий ўқув юрти талабалари ва ташқи алоқалар идоралари ходимлари учун мўлжалланган

## КИРИШ

Жаҳон тараққиёти ўзининг ҳозирги босқичига бирданига ва узоқ курашларсиз етиб келгани йўқ. Бунинг учун давлатларнинг халқаро муносабатлари, ташқи сиёсати ва дипломатияси тараққиётидаги муҳим ўринларни эслаб ўтиш kifoy.

Инсоният жамиятининг ривожланишида давлатлар ташқи сиёсати масалалари ва муҳим алоқа воситаси - дипломатия алоҳида ўрин тутган. Бу ҳол тушунарлидир, чунки ушбу масалаларга кўп ҳолларда бутун бир халқ ва давлатларнинг тақдири боғлиқ эди. Кўп ҳолларда бутун бир халқлар, ҳукмдорларнинг иродасига кўра ўзаро баҳсга киришар ва бахсларни куч воситасида ҳал қилишар эди. Бутун ташқи сиёсат ва дипломатия қулдорлик, феодал ва буржуа давлатлари томонидан рақобат ва уруш руҳи билан суғорилган эди. Бу икки қурол мазкур давлатлар бошида турган гуруҳлар томонидан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашда фойдаланилган.

Давлатлар ва халқларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ муаммолар жаҳон тараққиёти марказида турган бизнинг давримизда халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат ва дипломатия масалалари алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилишини минтақаларнинг кўп миллионли халқлари фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, мазкур халқларнинг манфаатлари бу масалаларнинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

"Совуқ уруш" даврининг барҳам топиши, ва собиқ СССРнинг тарқаб кетиши ва унинг ҳудудида янги суверен давлатлар пайдо бўлиши билан вужудга келган янги шарт-шароит халқаро тараққиёт ва шу билан бирга ташқи сиёсат ва дунё давлатлари дипломатияси соҳасидаги вазифаларга тегишли бўлган янги қоидаларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Бу ўринда давлатлар ўртасидаги мунозарали масалаларнинг тинч йўл билан ҳал этилиши ва жамият ҳаётидан янги жаҳон урушини батамом йўқотиш ҳақида сўз боряпти. Ҳозирги пайтда бу вазифанинг муҳимлиги шу билан изоҳланадики, охириги вақтларда урушлар ва қуролли тўқнашувлар рўй бериб турибди.

Ҳозирги дунёда вужудга келган объектив шароитлар давлатлар ташқи сиёсатида мунозарали халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва ҳарбий тўқнашувларни бартараф қилишга катта аҳамият беришни талаб қилмоқда. Ана шундай воситалардан бири, ташқи сиёсатнинг асосий қуроли дипломатия ва унинг халқаро масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш усуллариандир. Бу жараён давлатларнинг тинч яшаши доирасида олиб борилиб, дипломатик музокаралар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлардаги халқаро конференцияларда ўз аксини топяпти. Мазкур дипломатик кураш вақтли матбуотда, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида, давлат ва жамоат арбобларининг чиқишларида ва

ниҳоят, кенг халқ оммаси, уларнинг миллий ва халқаро танкилотлардаги ҳаракатларида акс этмоқда.

Дипломатия фаолияти барча давлатларда мавжуд бўлган марказий ва чет элдаги органлардан иборат дипломатик аппарат(ташқи ишлар вазирликлари, элчихоналар, миссиялар ва консулликлар)да хизмат қилувчи, алоҳида танланган ва тайёрланган дипломатик кадрлар томонидан амалга оширилади.

Мазкур кадрларнинг фаолияти, марказий ва чет элдаги ташқи алоқалар идораларининг иш тизими давлат хизматининг муҳим тармоғи бўлган дипломатик хизматни ташкил қилади. Дипломатик аппарат - давлат аппаратининг қисми бўлиб, унинг фаолияти йўналиши ва мазмуни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қурилиши билан белгиланади.

Дипломатик аппаратни такомиллаштириш, дипломатик кадрларни танлаш ва тайёрлашни яхшилаш, дипломатиянинг яхши тажрибаларини ўрганиш ва қўллаш, ниҳоят, илмий асоосларни ишлаб чиқиш ва шакллантириш халқаро муаммоларни дипломатия воситасида тинч йўл билан ҳал қилиш, тинчлик сиёсати ва тинч-тотув яшашни мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлган барча давлатлар олдида турган муҳим вазифалардир.

Сўнги ўн йилликларда дипломатик хизмат миқёслари анча кенгайди ва бу соҳадаги иш бир мунча мураккаблашди. Ташқи сиёсат билан боғлиқ йирик муаммоларни ҳал қилиш давлатларнинг дипломатик аппарат ва ҳукуматидангина эмас, балки масъулиятли қарорлар қабул қилиши ва давлатлараро муносабатлар ривожини уларнинг халқлари манфаатларига йўналтира оладиган давлатлар раҳбарларидан бу масалага комплекс ёндашиш ва фаол иштирокни талаб этади. Шу муносабат билан халқаро ҳаётта тинчлик сиёсатининг муҳим муаммолар бўйича юксак даражадаги учрашувлар, кенгашлар, давлат раҳбарларининг визит ва музокаралари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмати йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Чунки ёш суверен давлат бўлган Ўзбекистон жаҳон миқёсида мустақил ташқи сиёсат олиб бормоқда ва унинг позицияси регионал ва глобал масалалар бўйича қарор қабул қилинишида ҳисобга олинмоқда. Ўзбекистон сингари ёш давлатларнинг ташқи сиёсий фаолияти ҳозирги пайтда регионал ва жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Буни ҳисобга олмай туриб халқаро ҳаётдагина эмас, балки мамлакат ташқи сиёсати билан боғлиқ воқеаларни тўғри тушуниш ва идрок қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти унинг миллий мустақиллиги, сиёсий ва иқтисодий эркинлиги, суверенитетини мустаҳкамлаш ва кескин ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал муваффақиятли ҳал қилиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги эришган бир мунча тажрибаси шунини курсатадики, мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, ўз тараққиёт йўлини белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш, давлатлараро муносабатлар йўналиши ва устиворлигини белгилаш, уни

янада ривожлантирини, тинч-тотув яшаш тамойилларини барқарорлаштириш, тенг ҳуқуқли давлатлараро муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенг миқёсдаги ички ва ташқи муаммоларни ҳал этишига имкон беради. Бунга 1991 йил 31 август куни - Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилингандан кейингина эришилди. Шундан сўнг ўзбек халқининг қонуний ҳуқуқи - ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи амалга оша бошлади. Айнан давлат мустақиллигига эришилди. БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ва минтақавий иттифоқларга аъзо бўлиш Ўзбекистонга ана шундай имкониятларни очиб беради.

Мустақилликка эришган бошқа ёш давлатлар сингари Ўзбекистон учун ҳам тинчлик, чегара ва қўшни давлатлардаги барқарорлик муаммолари унинг мавжудлиги ва ривожланиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва унинг кейинчалик мавжуд бўлиши, ривожланиши, унинг халқаро миқёсда тан олинishi - Ўзбекистон мустақил ички сиёсат олиб боришининг гаровидир. Ҳозирги пайтда республика олиб бораётган ташқи сиёсат унинг миллий манфаатларига мувофиқ бўлибгина қолмай, балки мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликларни муваффақиятли енгиш, халқ турмуш даражасини яхшилашнинг муҳим воситаси ва зарур шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати билан уйғундир. Мустақил ташқи сиёсатнинг олиб борилиши, кўп давлатлар билан кенг қамровли ва кўп томонлама ҳамкорлик қилиш, эълон қилинган тамойиллар ташқи сиёсат асосий йўналишларининг ҳаётга татбиқ этилиши унинг ички сиёсатига ижобий таъсир кўрсатмоқда, республикада ижобий ўзгаришлар қилиш, бозор муносабатларининг ривожланиши, демократик кучлар мустаҳкамлашувига имконият берапти.

Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон халқаро миқёсда ҳаракат қилмоқда. Мустақилликка эришилган даврда анча ишлар қилинди. Ташқи сиёсат билан боғлиқ бир қатор ҳужжатлар, шартнома ва битимлар имзоланди. Кўпгина хорижий давлатлар билан икки томонлама дипломатик ваколатхоналар очиш жараёни давом этмоқда.

Мазкур қўлланмада ҳозирги даврдаги давлатлараро муносабатларда дипломатик ва консуллик хизматининг муҳим ва характерли йўналишлари ва аксарият давлатларда мазкур йўналишларнинг дипломатик ишнинг асоси сифатида қабул қилингани хусусида фикр юритилади.

# 1. ХОЗИРГИ ШАРОИТДА ДИПЛОМАТИЯ ВА ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТ.

Дипломатия ва дипломатик хизмат ҳақида тушунча. Дипломатик хизмат давлат хизматининг муайян тури бўлиб, у ўз хусусиятларига ва спецификасига кўра давлат хизматининг бошқа турларидан фарқ қилади. Дипломатик хизматнинг бу спецификасини, дипломатия нима эканлигини аниқламай туриб идрок қилиш кийин. Шунинг учун ҳам қўлланмада биринчи навбатда "дипломатия" тушунчасини аниқлаб олишга эътибор берилди.

Халқаро ҳаёт билан боғлиқ воқеалар ўрганилар экан, ташқи сиёсат, дипломатия, дипломатик хизмат тушунчалари қўлланади. Кўп ҳолларда бу тушунчалар бир хил, бир-биридан фарқсиз деб тушунилади. Дипломатия тушунчаси кўпинча турли-туман маъноларда, баъзан ҳақиқий маъносидан йироқ бўлган тушунчани ифодалаш учун қўлланади. Таниқли инглиз дипломати ва олими Г.Никольсон таъкидлаганидек, "дипломатия" атамаси сузлашув тилида бир катор турли-туман маъноларни англатиш учун хизмат қилади. Баъзан у "ташқи сиёсат"нинг синоними сифатида қўлланади<sup>1</sup>.

Бошқа ҳолларда эса музокараларни англатиш учун фойдаланилади. Шу билан бирга у ташқи ишлар ва бошқаларнинг чет давлатдаги қисмини билдиради.

Дипломатик хизматнинг турли вакиллари ва халқаро ҳуқуқ фанлари "дипломатия" тушунчасини ўрганишар экан, айрим асосий нуқталарда бир фикрни билдирадилар. "Дипломатия" тушунчасини белгилловчи маълум фикрларни кўриб ўтайлик. Инглиз дипломатиясининг таниқли арбоби Э.Сатоу дипломатик амалиёт бўйича қўлланма ёзар экан, "дипломатия" тушунчасини шундай изоҳлайди: "Дипломатия - суверен давлатлар ҳукуматлари ўртасида расмий алоқалар боришда акл-идрок ва мулозиматни қўллай олишдир"<sup>2</sup>

XIX аср бошида Францияда нашр килинган "Дипломатиянинг тула курси"да Г.Гарден бу тушунчани куйидагича изоҳлайди: "Дипломатия атамаси кенг маънода ташқи алоқалар ёки ташқи ишлар ҳақидаги фандир, тор маънода эса - бу музокаралар фани ёки санъатидир"<sup>3</sup>.

Мазкур изоҳлар турли бўлишига қарамай, дипломатия ҳақидаги Г.Никольсон, Э.Стоу ва Г.Гарден изоҳларида айрим умумийликлар мавжуд. Уларнинг барчасида давлатлар ҳукуматлари ўртасида расмий муносабатлар ўрнатиш, улар билан ташқи алоқалар қилиш ҳақида сўз боради.

Таниқли, немис халқаро ҳуқуқшуноси Г.Мартенс "дипломатия" атамасига қуйидагича таъриф беради: "Дипломатия кенг маънода -

<sup>1</sup> Г. Никольсон. "Дипломатия" М. 1991. стр. 19

<sup>2</sup> Э. Сатоу Руководство по дипломатической практике М. 1961 стр.11

<sup>3</sup> Г. Гарден "Полный курс дипломатии"

давлатнинг ташқи алоқалари ёки ташқи ишлари ҳақидаги фандир, тор маънода эса - музокаралар фани ёки санъатидир"<sup>1</sup>.

Умуман "дипломатия" тушунчаси таърифлари белгиланар экан, қуйидаги фарқли хусусиятлар ва умумий белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

- Халқаро муносабатларни таъкидлаш - бу белги барча таърифларда келтирилади.

- Музокараларни эслатиш ва уни ташқи алоқалар ўрнатиш воситаси эканлигини таъкидлаш - бу ҳам барча таърифларда келтирилади;

- Давлатлар номидан музокаралар олиб борувчи мансабдор шахслар (элчи, маслаҳатчилар) фақат Г.Никольсон таърифида қайд этилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мазкур таърифлар "дипломатия" тушунчасини ақс эттиради.

Жамият тараққиёти тарихи шуни курсатадики, ижтимоий-иқтисодий формациялар ўзгариши билан давлатлар, уларнинг ташқи сиёсати ва дипломатия шакллари ҳам ўзгаради.

Исталган давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати давоми бўлиб, давлат миллий сиёсати манфаатлари билан белгиланади. Дипломатия ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириши бўйича давлат фаолиятининг қуроли бўлиб, у яққо ёлғиз восита бўлиб ҳисобланмайди. Лекин мазкур воситалар ичида алоҳида муҳим ўрин тутди. Дипломатия ташқи сиёсатни тинчлик билан амалга ошириш воситаси бўлиб, унинг асосий усули музокаралардир.

"Дипломатик лугат"да дипломатияга қуйидагича таъриф берилди: ҳарбий ишдан фарқли уларок ташқи сиёсат вазифаларинини ишчан, тинч йўл билан амалга оширувчи оператив иш; одатда ҳукумат (ташқи ишлар идоралари, кўпинча ҳукумат ёки давлат бошлиғи) органлари томонидан ва унинг чет элдаги вакили ва агентлари томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, дипломатия ташқи сиёсатга тааллуқли бўлиб, унинг қуроли саналади".

"Дипломатия" тушунчасига Оксфорд лугатида анча туғри таъриф берилди: "Дипломатия - ташқи алоқалар давлат органлари томонидан давлат ваколатини таъминлаш, хорижда тинч йўл билан унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ташқи сиёсат мақсадларига эришиш демакдир.

Тор маънода дипломатия давлатлараро музокаралар олиб бориш ва шартномалар имзолаш санъатидир".

Сўнги йиллар дипломатияси тажрибаси шуни кўрсатадики, дипломатик иш фақат давлатнинг ташқи сиёсат органлари томонидангина эмас, балки раҳбар, партия раҳбарлари ва давлат арбоблари томонидан ҳам амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, дипломатия - давлат раҳбарлари ва ташқи алоқалар органларининг давлатларнинг ташқи муносабатларда вакили бўлиб,

музокаралар ва бошқа тинч воситалар ёрдамида унинг ташқи сиёсати мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, бунда унинг манфаатлари билан белгиланган ҳуқуқларини хорижда ҳамоя қилиш бўйича амалга ошириладиган расмий фаолиятдир.

"Дипломатик лугат"нинг Британия, Франция ва рус нашрларида "дипломатия" тушунчасига худди ана шу нуқтаи назардан ёндашиб таъриф берилган.

Машҳур дипломат олимлар ташқи сиёсат ва дипломатия бир-бирига боғлиқлигини таъкидлайдилар. Ташқи сиёсат тушунчаеи давлатнинг халқаро масалалардаги умумий йўналишини ўз ичига олади. Дипломатия давлатнинг ташқи сиёсат ва халқаро фаолиятининг таркибий қисмидир.

Айнан ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифаларини белгилайди. Дипломатия амалий тадбирлар, шу билан бирга ташқи сиёсатни амалга оширишда қўлланадиган, восита ва усулларини уз ичига олади, лекин ташқи сиёсат ва дипломатия бир яхлитликни ташкил этиб, уларнинг таркибий қисмини бир-биридан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Ташқи сиёсат ва унинг муҳим воситаси бўлган дипломатия давлатларнинг курули бўлиб, улар ижтимоий тараққиётнинг асосий қонунларига бўйсунлади.

Тахминан, тусмоллаб ва ҳар сафар турлича ҳаракат қилишни хоҳламаган дипломатия арбоблари, агар тарихий жараённинг қонуний боришига мос сиёсат юритишни истасалар, мазкур қонунларни ўрганишлари шарт. Улар қайси давлат ва улар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўллаш мумкинлигини, хусусиятларини билишлари зарур.

Улар дипломатик иш усуллари ва уларни қўллаш йўлларини такомиллаштиришлари зарур. Сиёсат - илм ва санъат демакдир. Бу таъриф ташқи сиёсат ва дипломатияга ҳам тааллуқлидир. Оқилона ташқи сиёсат ва дипломатия фани хулосаларига асосланган усул ва услублари такомиллашган бўлиши керак. Чунки буни ҳар қандай сиёсий фаолият санъати талаб қилади. Бундан шу нарса маълум бўладики, дипломатия муваффақияти учун кадрларни танлаш ва тайёрлаш, марказ ва хориждаги дипломатик хизмат тизими алоҳида аҳамиятга эга.

Баён қилинганларга асосланиб, шундай хулоса қилиш мумкин: дипломатик хизмат - марказий аппарат ва хориждаги вақсатхоналардаги дипломатик кадрларнинг давлат дипломатияси вазифаларини бажариш бўйича фаолияти тизимидан иборатдир.

## 2. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ДИПЛОМАТИЯ, ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТ.

Дипломатия ва дипломатик хизмат давлатларнинг халқаро муносабатлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Уларнинг бириси -



иккинчисининг моҳиятини тушуниш қийин. Дипломатия тарихини ўрганиш муайян даражада халқаро муносабатлар тарихини ўрганиш демакдир.

Аввалги бўлимда биз дипломатияни ташқи алоқалар органлари ва давлат раҳбарларининг давлат миллий хавфсизлиги манфаатларига хизмат қилувчи, тинчлик йўли билан амалга оширувчи фаолияти сифатида таърифладик. Бундан маълум бўладики, давлат дипломатияси ва дипломатик хизматида миллий манфаатлар мазкур давлатнинг барча бошқа давлатлар ва мамлакатлар билан ўзаро алоқаларда - уларнинг ижтимоий тузуми қандайлигидан қатъи назар - ўзгаришсиз қолади.

Шундай савол тугилиши мумкин: ижтимоий тузумидан қатъи назар давлатлар билан ўзаро муносабатларда шакл ва усуллар ҳар хиллигини қандай изоҳлаш мумкин? Амалиёт, шубҳасиз, шунини кўрсатадики, устивор принциплар, давлатлар дипломатик фаолиятидаги олий шакллар ва асосий усулларда қатор сезиларли фарқлар мавжуд.

Агар халқаро муносабатлар ва хусусан, уларнинг ҳозирги даврдаги муайян тарихий типлари таҳлил қилинмаса, дипломатик ва дипломатия хизмат таҳлили тула амалга оширилмаган бўлар эди. Ҳозирги пайтда халқаро муносабатларнинг тўрт типини аниқланган:

- 1) турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг тинч-тотувлик билан ашаши;
- 2) бир хил ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатлар;
- 3) мустақил ривожланиш йўлидан бораётган янги давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатлар;
- 4) мусулмон-монархистик давлатларнинг ўзаро халқаро муносабатлари;

Шу билан бирга қисқача бўлса ҳам, инсоний жамиятнинг асосий ижтимоий - иқтисодий формациялари тараққиёти билан боғлиқ ҳолда дипломатиянинг тарихий ривожланиши масаласини ҳам кўриб ўтиш лозим.

### 3. ДИПЛОМАТИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРИХИЙ ТИПЛАРИ.

Турли давлар, ҳатто турли қабилалар ўртасидаги примитив кўринишдаги ташқи алоқалар энг қадимги даврларда ҳам мавжуд бўлган. Бироқ қабила тузумидаги ташқи алоқаларнинг бундай примитив шакллари қабила тузумидан жамиятнинг синфларига ажралиши ва давлатлар пайдо бўлгунга қадар мавжуд бўлиб, уларнинг дипломатиянинг дастлабки кўриниши сифатидагина талқин қилиш мумкин. Лекин уни айнан дипломатия деб баҳолаш мумкин эмас. Дипломатиянинг том маънода пайдо бўлиши, примитив тарзда ҳам қадимда ўз шаклига яқин кўринишда учраган. Унинг пайдо бўлишини давлатларнинг вужудга келиши билан боғлаш тўғрироқ бўлади. Шу билан бирга муайян органлар ва мансабдор

шахслар фаолияти ҳам бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Дипломатия ҳам давлат сингари давлат вужудга келган давр маҳсулидир. Бу ҳолат дипломатиянинг асл моҳиятини белгилайди. Дипломатия ҳукмрон доиралар вакиллари фаолиятини ифода этиб, мазкур табақа мансуб давлат ташқи сиёсатини амалган оширган.

Жамият тарихий тараққиётини ўрганиш шуни курсатадики, ижтимоий-иқтисодий формациянинг алмашиши ташқи сиёсат ва дипломатиянинг мазмуни, шакли ва усулларининг ўзгаришини белгилаган. Қулдорлик жамияти, уни қай тарзда феодал жамиятига ўтганлигини ҳисобга олинган ҳолда бу даврларнинг ҳар бирига хос бўлган ташқи сиёсат ва дипломатиянинг хусусиятлари шаклланиб борган.

Дипломатиянинг тарихий тараққиётини ўрганиши асосий ижтимоий-иқтисодий формацияларининг ривожланиши билан боғлиқликда олиб борилади десим.

Қадимги дунё тарихидан маълумки, дипломатия халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутган бўлса ҳам, қулдорлик давлати ташқи сиёсатини амалга оширишининг етакчи усули бўлмаган. Қадимги давлатлар ташқи сиёсатини амалга оширишининг етакчи воситаси куч, ҳарбий воситалар бўлиб, ўша давр давлатлари ташқи сиёсати урушлар воситасида амалга оширилган.

Урушнинг бундай моҳияти қадимги дунёнинг характери билан изоҳланган, ваҳолонки, эҳтиёжлар урушлар воситасида қондирилган. Лекин, шу билан бирга ўзига хос ҳарбий дипломатия тараққий этиши ва шаклланиши ҳам табиий ҳол эди. У урушларни тайёрлаш ва уларни тўхтатиш воситаси бўлиб хизмат қилган. Музокаралар даврида иттифоқчилар ўртасидаги муносабатлар тинчлик давридан ҳам яқин бўлиб кетган.

Хитой, Вавилон, Миср, Сугдиёна каби қадимги давлатлар тарихидан маълумки, дипломатик фаолият бирмунча мураккаб ва белгиланган шаклга эга булган. Музокаралар олиб бориш учун давлатларнинг вакиллари келишибгина қолмай, балки тегишли шартномалар ва келишувлар (битимлар) имзоланган. Мазкур ҳужжатлар ҳозирги пайтдаги дипломатик ҳужжатлар каби кучга эга бўлган. Дипломатиянинг характер ва шакллари уша давр давлатининг характер ва шаклларига боғлиқ бўлган. Шарқнинг теократияга асосланган давлатларида дипломатик алоқалар шох номидан олиб бориладиган ва улар раҳбарлик қилишган.

Қадимги Грециянинг қулдорлик давлатларида бошқа мамлакатларга махсус ташриф билан таклиф қилинган элчилар халқ йиғинларида сайланганлар ва ўз ташрифлари бўйича улар олдида ҳисоб берганлар. Қадимги Римда халқ йиғинлари уруш ва тинчликнинг умумий масалаларини ҳал қилган, Рим олий табақа вакиллариининг органи бўлган сенат эса ташқи сиёсат ва дипломатияга доимий раҳбарлик қилган. Рим императорлигида ташқи сиёсат ва дипломатия ишлари императорлар томонидан амалга оширилган.

Грек шаҳар - давлатлари (полислар) ташқи сиёсатида ҳудудларни кенгайтириш, қуларни кўпайтириш, янги бозорлар учун кураш устиворлик

қилган. Грек полислари дипломатия воситасида мушофаа ва хужумга асосланган иттифоқлар тузишга интиланган. Миллий мустақилликни ҳимоя қилиш гоёлари шу даврдан бошлаб эътиборга эга бўлган.

Қадимги Грециянинг Аремистокл, Перикл, Филипп Македонский каби арбоблари дастлаб Грециянинг бирлашиши учун кураш олиб бориб, кейинчалик унинг кенгайтирилиши учун олиб борилган курашларда ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик билан бирга дипломатик музокаралар олиб боришган ва бунда дипломатия санъатидан кенг фойдаланишган. Қадимги Римда дипломатиянинг моҳияти хусусида Ганнибалнинг фикрлари эътиборга лойиқдир. Римнинг қудрати унинг ҳарбий кучида эмас, балки рақибларни бўлиб тапилай олишидадир. (История дипломатии, изд. 2-е. М.1959 стр.69).

Рим республикасининг сўнгги даври ва Рим империясининг илк даврида ташқи сиёсат ва дипломатияда янги ерларни эгаллаш ва жаҳон миқёсида марказлашган давлат тузишга ҳаракатлар устиворлик қилди. Кейинчалик Рим дипломатияси "Варварлар" зўравонлигини бирмунча сусайтириш мақсадида ўз ҳаракат йўналишлари ўзгартиришга мажбур бўлди. Шу билан бирга империя бутунлигини мустаҳкамлаш учун айрим провинциялар билан битимлар тузишга эътибор берилди. Қулдорлик давлатининг тугатилиши ва феодал жамият тугилиши билан унинг дипломатияси ҳам ўзгара борди.

Илк урта асрларда мустаҳкам чегаралар бўлмади, давлатлар тузилаверган ва парчаланган. Бу давр дипломатияси ўша даврдаги ҳукмрон феодаллар ва князлар, ўзига бўйсунган вассал ҳудудларга эга бўлган бек ва амирлар манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эди.

Ҳар бир гуруҳ ўз ташқи сиёсатида эга бўлиб, унда "хусусий уруш" олиб бориш ҳуқуқи устиворлик қилар эди. Бундай шароитда дипломатия зарурат юзасидан ўз кучларини амирлар ва ҳукмдорлар ўртасида ўз мулкларини кенгайтириш, солиқ тўловчиларни кўпайтириш соҳасида чиқиб турган низоларни бартараф қилишга қаратар эди.

Майда бўлақларга бўлиниб кетган Европани сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга қилинган ҳаракатлар биринчи марта Муқаддас Рим империясини тузишда ўз аксини тонди. Буни Европанинг каттагина қисмини қўлга киритган Герман феодаллари ва Буюк Темурнинг Шарқдаги қудратли давлати амалга оширди. Темур даврида қудратли бошқарув аппарати ва доно ташқи сиёсати шаклланган эди.

Ўрта асрдаги давлатлар ташқи сиёсати ва дипломатияси сиёсий тарқоқликни енгилш, ўз рақиблари устидан ҳарбий ва савдо жиҳатдан устунликка эришишга қаратилган эди.

Византия Европанинг феодал давлатлари, Шарқ давлатлари билан ҳар томонлама алақалар ўрнатган эди. Бунинг учун ташқи алоқаларни бошқариш мақсадида махсус бошқарув аппарати яратилган ва маросимлар шакллари ишлаб чиқилган эди.

Темурнинг вазири ҳузурида катта махсус гуруҳ ташкил қилинган бўлиб, у бошқа мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш, ёзишмалар олиб

бориш, шу билан бирга кўшни давлатлардаги аҳвол ҳақида маълумотлар тўплани билан шугулланган. Темури саройида хорижий давлатлар элчиларини қабул қилувчи маҳкама бўлиб, унга ташир буюрувчилар кўп эди. Уларнинг баъзилари ҳатто буюк сохибқирон Самарқандда бўлган пайтда унинг қабулига мушарраф бўлганлар.

Темурининг дипломатияси ҳақида маълумот берувчи жуда кўп архив, қўлёзма материаллари мавжуддир. Улар ҳозирги кунда Буюк Британия, Истамбул, Испания, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг музейларида сақланмоқда.

Агар дипломатик амалиётнинг халқаро-ҳуқуқий регламентацияси, дипломатик вакилларнинг вазифаси ва ҳуқуқлари хусусида сўз борар экан, таъкидлаш лозимки, 1815 йилдаги Вена конгрессида биринчи марта дипломатик вакилларнинг мартаба табақалари ва уларнинг иш тартиби аниқ ва тўлиқ белгиланди. Ундан сўнг 1818 йилдаги Халқаро Лахен протоколи дипломатик вакилларнинг ҳуқуқ ва вазифалари хусусидан аниқлик киритди. Бу икки ҳужжат моҳиятига кўра ҳозирги кунда ҳам дипломатик вакилларга ягона дипломатик мартаба беришда дунёнинг барча давлатларида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ элчиларнинг улуглик табақаси уларнинг у ёки бу давлатда аккредитация даври ва шу ерда бўлиш муддати билан белгиланади. Бунга қалар улуглик табақаси элчилар ўртасида тез-тез жанжаллар чиқиб турар эди. Вена регламенти элчининг улуглик табақаси унинг у ёки бу давлатда бўлиш муддатига мувофиқ белгиланишини тартиб сифатида ўрнатди.

Ўша даврдан бошлаб шу нарса қоида бўлиб қолганки, агар бир элчи ишонч ёрликларини давлат бошлиғига бошқа элчидан кейинроқ топширган бўлса, унинг давлат бошлиғи томонидан уюштирилаётган тушлик, қабулларидаги ўрни, бошқа имтиёзлар мазкур ҳолатига қараб, унинг мамлакати салмоғи ва аҳамиятидан қатъи назар белгиланади.

Хорижий давлатларнинг доимий дипломатик вакиллари 16 асдан бошлаб пайдо бўлганига қарамай, фақат XVIII-XIX асрларга келибгина доимий дипломатик корпус вужудга кела бошлади.

Парламентизм ривожланиши билан давлатлар дипломатиясига обрўли муассасалар ўз таъсирини кўрсата бошлади ва ташқи сиёсатда кенг ижтимоий омма иштирок эта бошлади. Шу билан бирга буржуа тузумининг мустақамлашгани билан дипломатия тараққиётида ҳукмрон табақанинг манфаатлари, ўз ташқи сиёсий фаолиятини дипломатик сир билан ниқоблаш, бошқа давлатларга нисбатан акциялар тайёрлаши ҳолатлари сезилади.

Дипломатия аппаратида ҳукмрон гуруҳларнинг вакиллари алоҳида мавқега эга эдилар. Улар ўз қўлларида ташқи сиёсат ва дипломатия тизимларини ушлаб турур эдилар. Шунинг учун аристократ оилалардан чиққан эски дипломатлар ва буржуа ҳукмронлиги даврида кириб келган янги дипломат кадрлар ўртасида моҳиятан туб зиддиятлар йўқ.

Коммунистик мафкура ва 2-жаҳон урушидан кейинги социалистик давлатлар вужудга келиши билан икки сиёсий система ўртасида кескин

кураш даври бошланди. Шу пайтдан бошлаб бир-бирига қарама-қарши икки системанинг дипломатияси кўзга ташлана бошланди. Бу эса ўз навбатида "совуқ уруш" даври халқаро муносабатларида сезиларли из қолдирди. Бу давр таъсир доираларини эгаллаш, қарама-қарши блоклар ва иттифоқлар тузиш даври бўлди. Шунга кўра дипломатия ҳам қарама-қарши давлат ташқи сиёсатида ана шу йўналишларга бўйсундирилди.

## **ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ. ТАШҚИ ИШЛАР МАХКАМАСИ - ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ СИЁСАТ АППАРАТИНИНГ АСОСИЙ ТИЗИМИ.**

### **1. ТАШҚИ АЛОҚАЛАР ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.**

Давлатнинг ташқи сиёсатини амалга оширувчи сифатида дипломатиянинг қандай давлат органлари ва мансабдор шахслар бу фаолиятни бажариши ва дипломатик - хизмат тушунчаларига аниқлик киритмасдан тасаввур қилиш қийин.

Дипломатик хизмат алоҳида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хизмат фаолиятини ифодалайди. Фаолияти дипломатик характер касб этувчи ташқи сиёсат давлат идоралари қайсилар?

Ташқи сиёсат давлат органларининг тузуми, тарихий типлари ва моҳияти нимадан иборат?

Ташқи алоқалар давлат органларини жойлашиш ўрни ва фаолиятига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1) Давлатлар ташқи алоқаларининг марказий органлари;
- 2) Давлат ташқи алоқаларининг чет элдаги органлари.

Давлат ташқи алоқаларининг марказий (ички) органлари гуруҳи ўз навбатида характери, вазифасини ва мавжудлигининг ҳуқуқий асосига кўра яна икки гуруҳга ажралади:

а) давлатлар конституциясига мувофиқ ташкил қилинган умумий сиёсий раҳбарлик органлари; бу органлар умумсиёсий вазифаларни бажаради;

б) давлатнинг бошқа мамлакатлар билан махсус (иқтисодий, тармоқ, идоравий) алоқалари органлари. Мазкур органлардан баъзилари давлат конституциялари (масалан, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги -

Ўзбекистон Республикаси туризм бўйича давлат комитети в.х.к.), ёки давлатнинг бошқа норматив ҳужжатлари, жорий қонунчилик, фармонлар, ҳукумат қарорлари, ички идоравий қарорлар ва кўрсатмалар асосида таъсис этилади ва фаолият кўрсатади (масалан, маданият ишлари ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг халқаро бўлимлари).

Бундай ихтисослаштирилган ташқи алоқалар давлат органларининг бошқа давлатларнинг айнан шундай органлари билан ўзаро муносабатлари махсус халқаро битимлар ёки конференциялар билан регламентланади. Турли давлатларнинг ушбу махсус органлари халқаро алоқаларини бу тарзда халқаро-ҳуқуқий мувофиқлаштириш бундай органларни сиёсий, конституция органлардан фарқли равишда конвенцион орган деб аташга сабаб бўлди.

Бироқ ташқи алоқалар махсус давлат органларини бу ном билан аташи ўзини оқламайди, чунки халқаро конвенциялар ёки бошқа халқаро битимлар асосида фаолият кўрсатувчи халқаро ташкилотлар ва уларнинг органларини бу ном билан аташ тўғрироқ бўлади. Бизнинг фикримизга, кейинги ўринларда бундай давлат органлари учун ташқи алоқалар сиёсий органларидан фарқли ўлароқ "ташқи алоқалар ихтисослашган органлари" атамасини қўллаш мувофиқ ҳисобланиди, халқаро махсус ташкилотлардан фарқли равишда эса - "давлат махсус ташқи алоқалар органлари" деб номлаш тўғри деб топилди.

Биринчи гуруҳга мансуб ташқи алоқалар органлари фаолияти дипломатик характердадир.

Иккинчи гуруҳ ташқи алоқалар органлари дипломатик характерга эга эмас, бу органлардаги хизмат фаолияти дипломатик хизмат деб ҳисобланмайди; бундай органлар фаолияти махсус йўналишда бўлиб, мазкур фаолият манбаи бўлган у ёки бу органнинг касб характери билан белгиланади. Масалан, алоқа, почта ва телеграф идораси ҳузуридаги органлар фаолияти.

## 2. ТАШҚИ АЛОҚАЛАР МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ.

Ташқи алоқаларнинг конституциявий ва сиёсий органлари ва мансабдор шахсларга қуйидагилар мансубдир:

- одатда мамлакат аҳолиси томонидан сайланадиган ҳокимиятнинг олий қонунчилик органлари;
- коллегиял ёки ёлғиз давлат бошлиғи;
- ҳукумат ва биринчи навбатда ҳукумат бошлиғи;
- ташқи ишлар вазири ва ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати.

Республика бошқаруви амал қилувчи барча давлатларда сиёсатда бўлгани каби ташқи сиёсат соҳасида ҳам олий давлат органи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи олий органи ҳисобланади.

Ҳокимият қонун чиқарувчи органининг ташқи алоқалар соҳасида муайян вазифаларни бажариши ҳатто қадимги қулдорлик давлатларига ҳам хосдир.

Уруш ва тинчлик ҳақидаги масалаларни ҳал қилиш, хорижий давлатлар билан музокаралар олиб бориш, мазкур музокаралар бўйича сўнги қарор қабул қилиш, дипломатик миссиялар ва чет давлатларга элчилар тайинлаш ва бошқа шу каби масалалар Қадимги Римда Рим Сенатининг вазифалари доирасига кирар эди.

Бироқ ташқи сиёсат бобида олий вазифаларни юқори мавқели давлат органлари томонидан бажарилиши-феодализм даври учун хос бўлмаган ҳолатдир. Чунки феодал давлатнинг типик шакли монархия ҳисобланади.

Бошқарувнинг республика шакли жорий бўлиши билан ва конституцияларда монархизмга, хусусан, унинг мутлақлик кўринишига қарши сайланувчи давлат ҳокимияти органлари ички ва ташқи сиёсат соҳасида олий орган деб эълон қилинди.

Давлатда демократик институтларнинг ривожланиши ва ҳуқуқий меъёрларнинг ўсиши шароитида, яъни, қонунчилик, натижасида, халқаро маъмурий битимлар билан ва битимларни ажратиш натижасида парламентларнинг ташқи алоқалар соҳасидаги аҳамияти яна ҳам ошмоқда.

Парламентнинг юридик органлари ҳисобланган ташқи ишлар бўйича турли комиссия ва комитетлар асосида ижрочи ҳокимиятнинг тақлифларини қўллаб-қувватлаб, парламентнинг ҳукумат органларини назорат қилишини таъминлайди. Бунга парламентнинг ташқи ишлар бўйича комиссия ва комитетларига кирувчи депутатларни муайян шахсан таъинлаши воситасида эришилади.

Шунга қарамай, бошқарувнинг республика шакли қўлланувчи барча ҳозирги давлатларда конституцион парламентлар ташқи алоқалар бўйича олий орган саналади. Уларнинг вазифалари доирасига уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этиш, баъзи давлатларда ҳатто бошқа давлатга кетадиган элчиларни тасдиқлаш (масалан, АҚШда бу вазифани сенат бажаради) каби қардинал масалаларни ҳал этиш киради.

Бошқарувчи монархия шакли қўлланадиган давлатларда ташқи алоқалар бўйича олий давлат органи расман монарх-қирол ёки император саналади. Конституцион монархияларда унинг ҳокимияти расман парламентдан иборат бўлиб, ҳозирги пайтда бу чеклаш ва ҳукумат органлари фойдасига хизмат қилади.

Олий қонун чиқарувчи ҳокимият органлари демократик давлатларда тамоман бошқача аҳамиятга эгадир.

Ташқи алоқалар бўйича иккинчи орган-ягона ёхуд коллегиал давлат бошлиғи саналади. Республика бошқаруви амал қилувчи давлатларда давлат бошлиғи-одатда Президент саналади, монархистик давлатларда эса монарх давлат бошлиғи ҳисобланади.

Давлатнинг халқаро ишлардаги доимий вақолати, ташқи алоқаларни амалга ошириш ва барча ташқи алоқаларга доимий раҳбарлик қилиш нуқтаи назаридан давлат бошлиғи, ташқи алоқалар бошлиғи, ташқи алоқалар олий органи саналади. Бу тушунарли ҳол. Биринчидан, ташқи алоқаларни амалга ошириш-давлат ҳокимияти ижроия органлари шугулланувчи соҳадир. Иккинчидан, давлатнинг халқаро муносабатларда доимий вақолатини таъминлаш мазкур давлат халқаро муносабатлари ва ташқи сиёсатига раҳбарлик парламент органлари томонидан амалга оширилиши имконияти йўқ. Чунки бу органлар фаолияти сессиялар орасида амалга оширилиб, давлатнинг ташқи алоқалари доимий характерга эгадир. Халқаро муносабатларда муҳим вазифаларни бажарар экан, давлат бошлиғи, бошқа давлатлар билан бевосита алоқалар олиб бориши, айрим давлатлар бошлиқлари билан ташқи сиёсат масалалари бўйича алоқалар ўрнатиши, ташқи сиёсат масалалари хусусида келишувлар имзолаши мумкин. Муҳим шартномалар, ташқи сиёсат ҳужжатлари давлат бошлиғи имзоси билан тасдиқланади. Кўпгина давлатлар конституцияларида бу ҳолат тегишли моддаларда акс эттирилган. Давлат бошлиғининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти ва масъулияти конституцияда белгилаб қўйилади.

Шу билан бирга ҳукумат бошлиғи ҳам ташқи алоқаларда давлат ва ўз вақолатлари доирасида унинг ҳукуматининг вакили саналади ва бу соҳада доимий оператив иш олиб боради. Ҳукумат бошлиғи алоҳида вақолатларсиз ҳам Бирлашган Митлатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва бошқа халқаро ташкилотлар ишида қатнашиши мумкин. Ҳукумат бошлиғи сифатида йиғилишларда иштирок этиш учун унинг халқаро ташкилот йиғинига қатнашиши етарлидир.

Ўз вақолатлари ва вазифасига кўра ҳар бир давлат ташқи алоқалар идорасининг доимий раҳбари бўлган Ташқи ишлар вазири ҳам махсус вақолатларсиз бошқа давлатлар билан ташқи алоқалар олиб боради. Ташқи ишлар вазири ҳеч бир алоҳида вақолатларсиз БМТ Бош Ассамблеяси ва Ҳавфсизлик Кенгашида ўз давлати ҳукуматининг вакили сифатида қатнашиши мумкин.

Шундай қилиб, давлат ва ҳукумат бошлиқлари, Ташқи ишлар вазири ташқи алоқалар соҳасида ҳеч бир алоҳида вақолатларсиз иш тутувчи давлат арбобларидир. Бунда улар чет эл сафарларида барча томонидан тан олинган ҳуқуқ ва дипломатик имтиёزلардан, хусусан, шахсий дахлсизлик, шифрли ёзишмалар олиб бориш ва айрим фахрли имтиёзлар-масалан, вакили бўлган давлат байроғини машиналарда, биноларда ва қароргоҳларда кўтариш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат ташқи алоқаларини доимий - тезкор амалга ошириш ташқи ишлар идорасининг вазифасидир. Бироқ Ташқи ишлар вазири раҳбарлик қиладиган ташқи ишлар идораси мазкур давлатнинг хорижий дипломатик вақолатхоналарига ҳам раҳбарлик қилади. Шунини таъкидлаш лозимки, айрим ташқи алоқалар марказий органлари сиёсий вазифалардан фарқли махсус вазифаларни бажаради. Мазкур гуруҳ органларига турли давлатлар билан техник ва маданий алоқалар олиб боровчи, конституция асосида эмас, балки ҳукуматлараро ва халқаро битимлар, конвенциялар асосида



фаолият кўрсатувчи органлар мансубдир. Бундай органлар фаолияти халқаро алоқалар билан боғлиқ бўлган қатор идора ва вазирликларда ташкил этилади. Булар қаторига Алоқа вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги ва бошқалар кирadi. Бу идоралар чет эллар билан доимий алоқалар бўлиб, халқаро почта алоқаси, халқаро маданият алоқалари, давлатлараро фан ва техника алоқалари мавжуддир. Халқаро конвенциялар ва давлатлараро икки томонлама келимувлар асосида ташқи алоқаларни амалга оширувчи турли давлат органлари ташкил қилинган. Мазкур ташқи алоқалар марказий органлари турли давлатларда мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда таракқиёт даражаси ва миллий хусусиятларига кўра ҳар хил азиятлади.

### 3. ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ.

Ташқи ишлар вазирлиги бевосита ташқи сиёсатни амалга оширувчи асосий тизим ҳисобланади. Ташқи ишлар вазирлиги давлат ва ҳукуматнинг хориждаги ташқи алоқаларда доимий вакили ҳисобланади. Мамлакат марказида эса аккредитация қилинган, ташиф буюрган элчилар билан чет давлатларнинг вакиллари билан, мунсабатларда, давлат номидан иш олиб боради.

Ташқи ишлар вазирлиги давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича тезкор иш олиб боради. У мунтазам равишда ҳукуматга ташқи сиёсат масалалари бўйича ахборот ва таклифлар тайёрлайди. Бу соҳада қабул қилинган қарорларни амалга оширади. Бир қатор давлатларда Ташқи ишлар вазирлиги ўз фаолиятида ташқи сиёсат масалаларида ва чет давлатлар билан алоқаларга дуч келувчи барча идоралар фаолиятини мунтазам кузатади ва уларга ҳукумат томонидан топширилган вазифаларни бажаришда ёрдам беради.

Ташқи ишлар вазирлиги чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар (доимий ва вақтинчалик)га раҳбарлик қилади, ташқи сиёсат кадрларини тайёрлайди, ташқи сиёсат масалалари бўйича стратегик муаммоларни таҳлил қилишга раҳбарлик қилади ва ташқи сиёсат ишларини ўрганади.

Ушбу масалалар ва марказий аппарат ишининг характеридан келиб чиқиб, мазкур идоранинг иш ташкил қилинади ва тузилиши белгиланади.

### 4. ТАШҚИ АЛОҚАЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ОРГАНЛАРИ.

Ташқи алоқаларнинг хорижий органларини икки тоифага ажратиш мумкин: 1) доимий ва 2) муваққат органлар. Доимий органлар - чет давлатларда ўз давлати манфаатларини ифодалаб, доимий фаолият

кўрсатувчи органлардир. Булар сирасига элчихоналар, миссиялар халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналар, чет элга жўнатиловчи алоқачилар, вакиллар, шу билан бирга халқаро конференциялар, алоқачилар, комиссиялардаги кузатувчилар кирали.

Ташқи алоқачилар доимий хорижий органлари ўз фаолияти, улар бажарувчи вазифалар нуктаи назаридан дипломатик органлар сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, элчихоналар, БМТ ҳузуридаги ваколатхоналар миссиялари шулар жумласидандир. Ушбу доимий органлар сиёсий характерга эга бўлиб, сиёсий вазифаларни бажаради ва дипломатик ваколатхоналарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Консулликлар улардан фарқли равишда дипломатик ваколатхона ҳисобланмайди. Техник ёки махсус кўргазмалар, конгресслар иштирокчилари ҳам дипломатик характерга эга бўлмай, улар дипломатик паспортга эга эмас, балки хорижга умумқўқаро паспорти билан чиқариладилар. Бундай ваколатхоналар доимий ёки муваққат характерда бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, вазифасига кўра ташқи сиёсатнинг хорижий давлат органлари дипломатик ёки нодипломатик орган бўлиши мумкин. Юқорида кўриб ўтилган ташқи алоқа органлари давлат ҳокимиятига эга бўлган муайян доираларнинг муайян манфаатларини ифода қилувчи давлат воситаси эканлигини таъкидлаш лозим.

Давлат Ташқи ишлар вазирлиги марказий аппаратининг муҳим тизими дипломатик раҳбарлик нуктаи назаридан оператив дипломатик бўлимлардан иборат.

Фаолияти, характери жиҳатидан бўлимларни ҳудудий ва функционал оператив органларга ажратиш мумкин. Ҳудудий бўлимлар муайян гуруҳ давлатлари билан ташқи алоқачилар масалаларини ўрганади ва кузатиб боради. Давлатлар гуруҳи урнининг минтақавий хусусиятига кўра ташкил қилинади. Масалан, Европа бўлимлари, АҚШ ва Канада бўлими, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўлимлари, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўлими, Африка бўлими, Хитой бўлими ва бошқалар. Марказий аппарат функционал бўлимларини фарқлаш кўп давлатларда қабул қилинган ҳолатдир. Бунга қуйидаги бўлимлар киреди: Консуллик бошқармаси, протокол бўлими, шартнома ҳуқуқий бўлим, матбуот бўлими халқаро ва халқаро-иқтисодий ташкилотлар бўлими, маданий алоқачилар бўлими, ташқи сиёсий тадбирларни режалаштириш бўлими, умумий халқаро масалалар бошқармаси.

У Функционал бўлимлар фаолиятини шартнома - ҳуқуқий ва протокол бўлими мисолида кўриш мумкин.

Шартнома-ҳуқуқий бўлим барча шартнома ва битимларни расмийлаштиради: шартномалар матни устида ишлайди, шартнома ва битимларда давлат ҳуқуқларини камситувчи ўринлари бўлмаслигини назорат қилади, иккинчи томондан, имзоланадиган шартнома ва битимлар халқаро ҳуқуқнинг асосий қоидаларига зид келмаслиги лозим. Бунинг учун текширув ўтказиш керак. Бундан ташқари, шартномалар муҳим халқаро ҳужжат бўлиб, шартнома матнидаги ҳар бир белги, ҳарф катта аҳамият

касб этади. Чунки ўз ўрнида қўлланмаган тиниш белгиси (вергул) матн мазмунини ўзгартиб юбориши мумкин.

Шартнома-хуқуқий бўлим тасарруфига давлатлар ўртасидаги чегаралар билан боғлиқ масалалар ҳам киради. Йиллар давомида олиб борилган катта ва мураккаб ишлар натижасида қўшни давлатлар ўртасидаги у ёки бу чегаралар аниқланади. Чегараларнинг барча хариталари барча давлатлар Ташқи ишлар вазирлигининг шартнома-хуқуқий бўлимида сақланади.

Шартнома-хуқуқий бўлим шу билан бирга халқаро ҳуқуқ масалалари билан боғлиқ бўлган, баёнот ва бошқа дипломатик ҳужжатларни тайёрлаш ва кўриб чиқишда иштирок этади. У тезкор-дипломатик бошқармаларга хуқуқий маслаҳатлар беради ва халқаро кенгашлар, конференциялар, учрашувлар тайёрлаш ва ўтказишда қатнашади. Ташқи ишлар вазирлиги шартнома-хуқуқий бошқармасининг ўрни ва аҳамияти ўсиб бормоқда. Чунки халқаро муносабатларнинг ривожланиши кучли халқаро хуқуқий асосларни талаб қилади. Янги шароитдаги давлатлараро муносабатларнинг халқаро хуқуқий мезёрларини ишлаб чиқиш, агрессия, халқаро конвенцияларнинг янгича ишланмалари, дипломатик алоқалар конвенцияси, денгиз хуқуқий конвенцияси шартнома-хуқуқий бошқарма ишининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг фаолиятининг ажралмас қисмидир.

Давлат протоколи бошқармаси дипломатиянинг сиёсий қуроли ҳисобланади. Айнан шу бошқарма орқали элчи ва бошқа вакиллар ўзи ташриф буюрган мамлакат билан алоқа ўрнатадилар ва унинг хусусида дастлабки маълумот оладилар. Протокол бошқармаси орқали Ташқи ишлар вазирлиги ҳар бир давлат билан муносабатларга содда ва маъқул дипломатик шаклда тузатиш киритиши мумкин. Протокол бошқармасининг асосий вазифаси янги элчиларни кутиб олиш, жойлаштириш ва уларнинг расмий давлат муассасаларидаги учрашувларини ташкил этишдан иборатдир. Элчи ишонч ёрлиқларини топширгунгача унинг Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа расмий идоралар билан алоқалари ҳар қандай давлатнинг Ташқи ишлар вазирлиги протокол бошқармаси орқали амалга оширилади.

Муайян мамлакатга келган элчи дастлаб Ташқи ишлар вазирлигининг протокол бошқармаси бошлиғи ҳузурига ташриф буюради ва ишонч ёрлиғи топширишнинг белгиланган тартиби билан танишади. Сўнг у ташқи ишлар вазири ёки унинг биринчи ўринбосари ҳузурига киради. Унга ишонч ёрлигининг бир нусхаси ва ёрлиқ топшириш пайтидаги нутқининг матнини топширади.

Дунёнинг етакчи давлатларидаги тартибга кўра ишонч ёрлиқлари топшириш маросими ўтказиладиган давлат бошлиғи қароргоҳига ташриф буюради. Аксарият ҳолларда элчилар махсус кийимда (орденлар билан)-фрак ёки миллий кийимда ташриф буюрадилар. Уларга элчихонанинг етакчи дипломатлари-маслаҳатчилар, котиблар, ҳарбий атташе - одатда қора рангли костюмда, ҳарбийлар - байрам ҳарбий кийимида - ҳамроҳлик қиладилар.

Ишонч ёрлиқлари топшириш маросими элчининг ўз вазифаларини бажаришга киришишининг бошланиши ҳисобланади. Элчи икки томонлама протокол қоидаларига мувофиқ Ташқи ишлар вазири, унинг ўринбосари, бошқарма бошлиқлари, шу билан бирга бошқа вазирлар ва расмий кишилар ҳузурига ташриф буюради. Дастлаб дипломатик корпус оқсоқоли (дуайен) билан учрашади.

ТИБ протокол бошқармаси элчихоналарнинг Ташқи ишлар вазири билан барча ташкилий масалалар бўйича боғловчи, шу жумладан, элчихонанинг ўзи турган мамлакат давлат муассаса ва жамъат ташкилотлари билан алоқаларида воситачи бўлиб хизмат қилади. Протокол бошқармаси элчихоналар (миссиялар)га дипломатик қабул ва бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам беради. Одатда элчихоналар у ёки бу ўтказиладиган тадбирлар ҳақида, мамлакатдаги мавжуд протокол таъинини бузмаслик ва мазкур тадбирларни ўтказишнинг ташкилий масалалари хусусида маслаҳатлашади.

Ташқи ишлар вазирлигининг протокол бошқармаси дипломатик корпуснинг барча аъзоларига дипломатнинг шахсини тасдиқловчи ва унинг дипломатик имтиёзларини таъминловчи асосий ҳужжат бўлган махсус карточка беради. Элчихонанинг барча дипломатлари протокол бошқармасида рўйхати олинади ва элчихонанинг барча дипломатлари муайян даврийликда алоҳида рўйхатларда эълон қилинади. Бу рўйхат барча элчихоналар диққатига ҳавола этилади.

Протокол бошқармаси шу билан бирга дипломатик корпус аъзоларининг имтиёзлари тан олинishi кузатиб боради. Мазкур имтиёзлар халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳамма томонидан тан олинган ҳисобланади. Бу - шахсий дахлсизлик (иммунитет), дипломатик ваколатхонанинг бино ва мулклари дахлсизлиги, дипломатик мартабасидан қатъи назар дипломатик корпус аъзоларини ўзи турган мамлакатдаги жиноий, фуқаро ва маъмурий жавобгарликдан холи қилиш, солиқ ва бажхона имтиёзлари, ўз ҳуқуқати билан шифрли ёзинмалар олиб бориш ҳуқуқи, назорат қилинмайдиган дипломатик почта ҳуқуқи, қароргоҳ ва транспорт воситаларида давлат байроғини ўрнатиш ҳуқуқи ва айрим маросим имтиёзлари.

Ташқи ишлар вазирлигининг протокол бошқармаси мамлакатга хорижий давлатлар бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари, махсус ҳукумат делегациялари ва бошқаларнинг ташриф буюриши муносабати билан тегишли маросимларни ташкил этади. Ҳар бир мамлакатнинг ўз протокол қоидалари ва тегишли одатлари мавжуд. Давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида фахрий қоровул саф тортади.

Давлатлар Ташқи ишлар вазирликлари протокол бошқармалари фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асоси Дипломатик муносабатлар ҳақидаги 1961 йилги Вена конференциясидир. Мазкур ҳужжат дипломат ваколатхоналар фаолиятига тегишли халқаро ҳуқуқ меъёрлари, мазкур ваколатхоналар имтиёзлари ва иммунитетлари, шу билан бирга дипломатик ва техник ходимларнинг шахсий имтиёзларини белгилайди. Ташқи ишлар вазирлигининг протокол бошқармаси мамлакатда ана шу халқаро меъёрларга риоя қилиниши ва айнин пайтда дипломатик корпуснинг ўз

мамлақати дипломатик вазифаларини бажараётган мамлакат қонунларининг ҳурмат қилишینی мунтазам кузатиб туради.

Етакчи давлатларнинг ташқи ишлар вазирлиги тизимида давлатнинг ташқи сиёсатига бевосита алоқадор бўлмаган бошқарма ва марказлар мавжуд. Масалан, стратегик таҳлил ва прогноз маркази ҳозирги Ташқи ишлар вазирликларининг муҳим тузилмасидир. Бу ерда стратегик режалар ишлаб чиқилади, шу билан бирга йирик халқаро муаммолар таҳлил қилинади ва ТИВ раҳбариятига тавсиялар берилади.

Шу билан бирга иш юритиш, дипломатик ва махфий алоқалар билан шугулланувчи бир қатор бўлимлар мавжуд. Булар вазирлик, Элчихона ва миссияларнинг тезкор фаолиятидаги муҳим тузилмалар ҳисобланади. Бундан ташқари Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати хорижий ваколатхоналарига хизмат қилувчи маъмурий хўжалик бўлимлари мавжуд.

## 5. ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТЕЗКОР-ДИПЛОМАТИК БОШҚАРМАЛАРНИНГ ИШ ШАКЛИ.

Буюк Британия сингари етакчи давлатларда вазирлик раҳбарияти-вазир, ва ўринбосарлари, бош давлат вазири идорага умумий раҳбарликни амалга оширади.

Раҳбарият марказий аппарат бошқармалари фаслиятини мунтазам кузатиб беради, уларнинг ҳар бирига кўрсатмалар беради ва марказий аппаратнинг тегишли тузилмалари ва хорижий дипломатик ваколатхоналар ишини йўналтиради.

Бундай ташқари вазирлар, идора раҳбарияти мамлакатда аккредитация қилинган давлатлар элчилари билан мулоқотда бўлади, турли қабул маросимлари ва расмий тадбирларда қатнашади, бошқа давлатлар вакиллари билан музокаралар олиб боради.

Марказдаги дипломатик иш элчихоналар, турли ахборот маҳкамалари ва чет элдаги ташкилотлардан ахборот олиш, уларга тегишли муносабат билдиришдангина иборат эмас, балки мамлакатда аккредитация қилинган элчихона ва миссиялар билан дипломатик иш олиб бориш ҳам керак. Хорижий Элчи ва вакиллар маълум вақтларда вазирликка ташриф буюрадилар ва вазир, унинг ўринбосари ва бошқарма бошлиқлари билан суҳбатлашадилар.

Элчилар, вакиллар, муваққат ишлар вакиллариини қабул қилиш ТИВ раҳбарияти ишининг сезирларли қисмини ташкил этади. Бундай қабул маросимлари катта аҳамиятга эга бўлиб, тегишли мамлакат ҳукумати ўз элчиси орқали ўзи турган мамлакат ҳукумати олдига ушбу давлатларнинг

Ўзаро муносабатларига алоқадор умумий характердаги халқаро масалаларни ва бевосита икки томони қизиқтирувчи масалаларни қўяди. Ҳукумат Ташқи ишлар вазирлигига тегишли ҳукумат элчилари орқали муҳим хабарлар ва таклифларни етказишни топширади. У ёки бу элчи билан шахсан мулоқот қилиш муайян ҳукуматнинг позицияси ҳақида баъзи расмий ҳужжатлардан фарқли ўлароқ батафсил маълумотлар олиш имконини беради.

Элчи билан шахсан учрашиш муҳим дипломатик акт бўлиб, ҳар бир раҳбар бундай учрашувга тегишли тарзда тайёрланади. Аввалдан суҳбатда кўриб чиқилиши мумкин бўлган масалалар билан танишиб чиқади, ўзи қандай масалаларни қўйиши мумкинлиги ва зарурлигини мушоҳада қилади ва суҳбат шаклини тахминан белгилаб чиқади. Бу тайёргарлик тезкор дипломатик бўлим бошлиқлари ва халқаро масалалар бўйича мутахассисларни жалб этиб ўтказилади.

Бошқа мамлакатлар ҳукумат делегациялари билан музокараларда одатда вазир ёки унинг ўринбосари қатнашади. Музокараларда муҳокама қилинувчи масалалар бўйича ТИВ тегишли таклифлар тайёрлайди, муайян ҳужжатлар ишлаб чиқади, музокаралардаги позицияни аниқлайди. Музокаралар натижаси одатда коммюнике ёки битим сифатида қайд этилади. Бу ҳужжатларни музокараларда қатнашувчи томонлар имзолайди. Музокаралар ва халқаро конференциялардан фарқли ўлароқ қабул маросимларидаги суҳбатларда кўп нарсага эришиш мумкин. Шунинг учун дипломатик амалиётда қабул маросимлари, нонушта ва тушликлар муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, унда ҳукумат ёки ТИВ раҳбарлари қатнаша, янада катта аҳамият касб этади.

Марказий аппаратда муайян давлат билан муносабатларнинг ривожланишини тегишли тезкор дипломатик бўлим кузатиб боради. Улар раҳбариятни ўз вақтида ахборот билан таъминлашади ва муайян мамлакатдаги у ёки бу воқеага зудлик билан муносабат билдирадилар. Улар мазкур давлат билан муносабатлар бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар ёки муайян халқаро масала бўйича позицияларни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар берадилар. ТИВ бошқармаларининг биринчи навбатдаги вазифалари шулардан иборат.

Иккинчидан,- элчихона ва миссиялар билан дипломатик муносабатлар олиб бориш, у ёки бу давлат билан муносабатлар аҳволи, сиёсий аҳволини ҳисобга олган ҳолда элчихона ва миссиялар билан алоқада бўлиш; элчи, маслаҳатчи ва элчихонанинг бошқа ходимларини қабул қилиш, вазирлик ва элчихоналар ўртасида нота ёзишмалари ва бошқалар.

Учинчидан,- тегишли мамлакатлардаги ўз давлатининг элчихона ва миссиялари фаолиятини доимий кузатиш; мазкур кузатув телеграф почта ёзишмалари орқали, шу билан бирга суҳбат, ҳисобот, маълумотномаларни таҳлил этиш, элчихона ва миссияларни кадрлар билан мустаҳкамлаш, улар билан олиб бориладиган ишни яхшилаш воситасида амалга оширилади.

Тўртинчидан,- ТИВ бошқа бошқармалари билан ўзаро алоқада бўлиш ҳар бир бошқарма бошқа бошқарма билан яқин давлатлар билан шуғулланувчи ҳудудий бошқармалар билан алоқа орқали ёки ҳудудий

бошқармалар билан боғлиқ функционал бошқармалар алоқаси орқали боғланадилар.

ТИВ ичидаги маълумот ва ахборот характеридаги иш, у ёки бу масалани тайёрлаш ёки айрим бошқа идоралар билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш бўйича айрим идоралар билан алоқалар ҳам ТИВнинг барча тезкор дипломатик бошқармаларининг кундалик фаолияти саналади.

ТИВ тезкор-дипломатик бошқармаларининг вазифалари шулардан иборат.

Исталган давлат ТИВнинг тезкор-дипломатик бошқармаси ўз фаолиятини амалда қандай бажаради?

Дипломатик бошқарманинг биринчи навбатдаги вазифаси тегишли мамлакат бўйича барча муҳим масалалар ҳақида ахборотга эга бўлишидир. Бошқа давлатларнинг муайян давлатга муносабати ҳақида маълумотга эга бўлмай туриб дипломатия соҳасида бирор иш қилиб бўлмайди. Мавқеи баланд партиялар, сиёсий арбобларнинг позиция билан таниш бўлмай туриб бирор тадбир қўллаш мумкин эмас. Шунинг учун мазкур бошқарма тасарруфида бўлган мамлакат бўйича маълумотларни ўрганиш исталган ҳудудий-дипломатик бошқарманинг муваффақиятли фаолияти гаровидир. Бошқарма бошлиғи биринчи навбатда ўзини қизиқтирган мамлакатга тегишли бўлган масалалар билан танишиши лозим. У элчихона ва миссиялар хабарларини кўриб чиқади, унинг бошқармаси тасарруфидаги давлат ҳақида радио ва телевиденида берилаётган хабарлар билан танишиб чиқади. Ана шундай маълумотларни олгандан сўнггина амалий иш кунини бошлаш мумкин.

Ташқи сиёсатнинг йирик масалалари ТИВ дипломатик бошқармаларининг, аксарият ҳолларда ташқи сиёсат билан боғлиқ қатор идоралар фаолиятларини мувофиқлаштиришида талаб қилади.

Мувофиқлаштирилган ҳаракат режасининг ишлаб чиқилишини талаб қилувчи дипломатик акт сифатида қатор давлатларнинг аралашмаслик ва халқаро муносабатларда куч ишлатмасликни эълон қилишини кўрсатиши мумкин.

Ядро қуролини синашни тақиқлаш ҳақидаги Шартнома ҳам мураккаб ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар натижасида имзоланди.

Дипломатик бошқармаларнинг иш жараёнида элчихоналарнинг тегишли сўровлари, мурожаатларига муносабат билдириш, уларга жавоблар тайёрлаш, ноталар ёзиш ва бошқа дипломатик ҳужжатлар тайёрлаш алоҳида ўрин тутади.

Вазирлик ва хорижий элчихоналар ўртасидаги дипломатик ёзишмалар нота кўринишида амалга оширилади (вербал ёки шахсий нота). Бундан ташқари эсдалик мактуби ёки меморандум ҳам қўлланади. Меморандум Элчи ёки элчихонанинг бошқа вакили билан учрашувда топширилади. Ҳар бир нота, ҳар бир дипломатик ҳужжат давлат ҳужжати саналади. Чунки нота, эсдалик мактуби ёки меморандум бутун вазирлик номидан юборилади. Бу - вазирлик ҳужжати бўлиб, вазирлик давлат ва ҳукумат номидан фаолият кўрсатганлиги туфайли ҳар қандай нота моҳиятан

ҳукумат нотаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир нота бошқарм бошлиғи, бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланади. Бундай ноталар одатд соф ахборот характерига эга бўлади. Бу тарздаги марказлаштирил зарурдир, зеро ҳар бир дипломатик ҳужжат ҳукумат позициясини ак эттиради.

Вазирлик тезкор бошқармаларининг вазифалари яна шулардан иборатки, улар бошқарма тасарруфидаги давлатлар элчихоналарининг ходимлари билан учрашадилар ва улар билан суҳбатлар уюштирадилар. Ҳар бир дипломатик ходим билан ўтказилган суҳбат - марказий аппаратда ёки элчихонада бўлишидан қатъи назар, алоҳида "Суҳбатлар ёзуви"да ак эттирилади. Ҳар бир суҳбат ёзуви - муҳим аҳамиятга эга бўлган ички характердаги ҳужжатдир. Вазирликдаги ҳар бир суҳбат ҳақида чет элдаги тегишли элчихона хабардор қилинади. У ёки бу давлат билан ўрнатилган дипломатик муносабатларга алоқадор бўлган барча масалалар билан бошқарманинг алоҳида ходими шугулланади.

Кундалик тезкор фаолиятдан ташқари бошқарма тегишли мамлакат билан муносабатларни ривожлантириш йўлидаги қилинаётган тадбирларни ишлаб чиқишлари лозим. Дипломатик тадбирлар белгиланган муайян режа асосида ишлаб чиқилади. Бундай дипломатик тадбирлар режаси мамлакатдаги конкрет шароитни ўрганиш, мазкур мамлакат ва бошқа манбалардан олинган маълумотларни таҳлил этишга асосланади. Шундай қилиб, ҳаракат йўналиши ишлаб чиқилади ва кейин шу йўналишда иш олиб борилади. Бошқарма тегишли мамлакатдаги элчихона фаолиятини кузатиб бориши лозим. Элчихона бошқармага турли ҳужжатлар ва мунтазам ҳисоботлар жўнатади. Мазкур ҳисоботлар буйича бошқармада хулосалар тайёрланади ва улар раҳбарият томонидан тасдиқланади.

ТИВ марказий аппарати иши ҳақида шуни таъкидлаш лозимки, мазкур маҳкама сиёсий муассасадир. Сиёсий йўналиш, масъулият ва сиёсий етуклик ТИВ фаолиятининг даражасини белгилайди.

Барча масалаларга тўғри ёндашиш ходимнинг сиёсий етуклиги, халқаро аҳволни тушуниши, ташқи сиёсатнинг умумий йўналишини идрок этиши натижасидир. Ходимга унинг олдида турган вазифалар, у тўқнаш келувчи барча масалалар ҳақида йўл-йўриқ бериш имконияти йўқ. Бунинг учун оқилона ёндашув, сиёсий етуклик, нимага жавоб бериш мумкин ва қандай жавоб бериш мумкин, нимага жавоб бериш мумкин эмаслигини идрок этиш талаб қилинади. Шунинг учун ТИВ ҳар бир ходимидан сиёсий етуклик, ўзи ишлаётган мамлакатда содир бўлаётган ҳамма воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиши, мунтазам ўрганиб бориш талаб қилинади. Шундай қилиб, ТИВ марказий аппарати шахсий таркибига хос бўлган хусусиятлар юксак сиёсий етуклик, дипломатик тажриба, халқаро чуқур таҳлил қила олиш ва ишончли хулосалар чиқариш кабилардан иборат.

Иккинчидан, ТИВ аппарати кадрлари фаолиятининг характерли хусусияти ишдаги тезкорлик, аниқлик, ҳар қандай икир-чикирларга эътибор билан муносабатда бўлишдан иборатдир. Санаб ўтилган хислатлар исталган давлат ТИВнинг ходимга хос бўлган хусусиятлардир.



Дипломатик ишда майда - чуйдалар бўлмайди. Чунки кўп ҳолларда арзимаган далилдан йирик можаролар келиб чиқади. Баъзан унча ахамиятли бўлмаган далилдан у ёки бу давлат сиёсатида бошланган ўзгаришни илғаб олиш мумкин. Бу ТИВ ҳар бир ходимдан алоҳида хушёрлик халқаро ҳаётнинг арзимаган далилларига ҳам эътиборли бўлишни, давлат сиёсати ва элчиларнинг ўзини тутиши ва бошқа дипломатик ходимларнинг феъл-атворига диққат қилишни талаб этади.

Кўп ҳолларда уларнинг масалалари ва кўрсатмалари бўйича у ёки бу ҳукуматнинг сиёсатида бурилиш бошланаётганлигини пайқаш мумкин. Хорижий элчилар шу билан бирга ТИВ ходимларининг айрим мулоҳазаларидан ўзлари аккредитация қилинган ҳукумат сиёсатидаги айрим йўналишларни пайқаб оладилар. Бунинг ҳаммаси дипломатнинг ҳар бир сўзи узок мулоҳазалар натижаси бўлмоғини талаб қиғади. Эҳтиётсизлик билан қўйилган ҳар бир қадам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Муҳим масалалар бўйича исталган ходимнинг таваккалига иш тутишига йўл қўйилмаслиги лозим. Шунинг учун давлатлар ТИВ аппаратида марказлаштириш алоҳида ўрин тутди.

Элчихоналар дипломат ходимларининг иш режаси ўзи турган мамлакатнинг ҳукумат, жамоат ташкилотлари билан амалда алоқа ўрнатилиши жиддий аҳамиятга эга. Албатта, алоқалар оқилона ташкил этилиши, мавжуд шароитни ҳисобга олмоқ лозим. Мазкур алоқаларнинг ривожини мунтазам назорат қилиш зарур. Бироқ бундай алоқаларни ривожлантириш йўллари дипломатик ишда оқилона ташаббус билан мунтазам равишда марказий аппаратда ҳам, элчихона ва миссияларда ҳам амалга оширилиши лозим. Бундай алоқаларнинг ўта муҳимлиги, у ёки бу дипломатик ваколатхона ёки ТИВ ходимининг шахсий ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Аммо бу ташаббус дипломатик кадрлар ишидаги марказлаштиришга мувофиқ бўлмоқлиги лозим.

Марказ ва айниқса хориждаги дипломатнинг шахсий ҳулқи масаласи ҳар бир дипломат олдига қўйилган муҳим талабни акс эттиради.

## 6. ЖАҲОННИНГ БҮЮК ДАВЛАТЛАРИ ТАШҚИЛ АЛОҚАЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ.

Узоқ XVIII асрда (1787й., 17 сентябрь) қабул қилинган АҚШ Конституциясига ташқи алоқаларга тегишли турли тузатишлар киритилган бўлишига қарамай, қонунда сезиларли ўзгариш рўй бермади. Давлат бошқаруви ва ташқи алоқалар амалиётида қатор ўзгаришлар рўй берди. Бироқ улар Конституцияда қайд этилмаган. АҚШ Конгрессининг ваколатлари хусусида фикр билдирилган Конституциянинг 8 бўлим 1-моддасида ташқи сиёсат билан боғлиқ бир неча бандлар мавжуд. 3-бандда Конгресс хорижий давлатлар билан савдо ва бошқа алоқаларни бошқариш ҳуқуқига эгаллиги хусусида фикр билдирилади. Шу бўлимнинг 18-бандида

Конгресс ташқи алоқаларни амалга ошириш учун зарур бўлган барча қонунларни чиқариш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. Ташқи алоқаларни амалга ошириш ҳуқуқи Конституцияда белгиланганидек, АҚШ ҳукумати, унинг департаментлари ёки мансабдор шахсларга берилган. Конституциянинг 2-бўлим 2-бандида айтилишича, Президент Сенатнинг маслаҳати ва розилигига мувофиқ сенатда қатнашаётган сенаторларнинг 2/3 қисми мақулланган ҳолда шартнома имзолаши мумкин. У сенатнинг розилигига мувофиқ элчи ва консулларни тайинлайди. Мазкур Конституциянинг тўлдирувчи қисмида Президентга ташқи алоқалар масалалари бўйича иш олиб бориш учун ваколат берилади.

Агар мавжуд амалиётни таҳлил қилинса, АҚШнинг ташқи сиёсатида икки шахс - АҚШ Президенти ва Давлат котиби алоҳида ўрин тутлади. АҚШ Президенти бир вақтнинг ўзида давлат бошлиғи ва ҳукумат бошлиғи ҳисобланади.

АҚШ Президенти Ташқи алоқалар соҳасида турли вазифаларни бажаради. У сенат тасдиқлайдиган барча қонун ва шартномаларни имзолайди, элчиларни қабул қилади ва бошқа давлатлар вакиллари билан музокаралар олиб боради. АҚШ номидан барча йирик халқаро анжуманларда қатнашади. Унинг розилигисиз Америка ташқи сиёсати билан боғлиқ ҳеч қандай йирик тадбир амалга оширилиши мумкин эмас.

АҚШ Давлат котиби ташқи сиёсат соҳасида тезкор фаолият кўрсатувчи иккинчи шахс ҳисобланади. Амалдаги одатга кўра у давлатда Президентдан кейинги шахс саналади. Президент - давлат ва ҳукумат бошлиғидир. Давлат котиби эса ҳукумат ичидаги ташқи сиёсат масалалари билан шуғулланувчи асосий арбобдир. Ташқи сиёсат АҚШ ҳукумати фаолиятида алоҳида ўрин тутлади. Давлат котиби ташқи алоқалар билан боғлиқ бўлган барча тезкор ишлари билан шуғулланади. Барча йиғилишларда иштирок этади, АҚШ ҳукуматининг вакили сифатида барча халқаро конференцияларда қатнашади, қатор битимларни имзолайди. ҳукуматнинг Конгресс учун тайёрлаган таклифларини ифода этади ва Конгрессга ҳисобот беради.

Президентнинг миллий хавфсизлиги бўйича ёрдамчиси сўнгги ўн йилликларда АҚШ ташқи сиёсати йўналишининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутмоқда. У Президентнинг ташқи сиёсат билан боғлиқ масалалар бўйича қарорларига ҳал қилувчи таъсир этмоқда.

Президент хузурида анча йиллардан бери ҳарбий ва ташқи сиёсат масалалари бўйича маслаҳат органи - Миллий хавфсизлик кенгаши фаолият кўрсатади. Мазкур кенгашнинг ишчи гуруҳини Президентнинг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси бошқаради. 70-йилларнинг охирида бу лавозимга Г.Киссинжернинг тайинланиши билан унинг аҳамияти беқиёс ошди.

АҚШ Давлат департаменти мамлакат ташқи сиёсат аппаратининг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг асосий таркибий қисми бошқа давлатлар ТИВ аппаратиغا ўхшашдир, лекин унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Аппаратнинг айрим қисмлари, хусусан, бошқа давлатлар сиёсатига аъсир этишга мўлжалланган бўлимлар жуда ривожланган. Давлат котибининг фаолияти ҳам катта аҳамиятга эгадир. Давлат департаментининг тузилиши қуйидагича: Давлат котиби ва ўринбосарининг ёрдамчилари. Ёрдамчилар гуруҳи Давлат департаментида муҳим ўрин тутди. Ёрдамчилар Давлат департаментининг ҳудудий бўлимларини бошқарадилар.

Давлат котибининг бошқа 5 та ёрдамчиси бешта функционал бўлимларни бошқаради. Бундан ташқари Разведка ва тадқиқот бошқармаси, ҳарбий-сиёсий ишлар бошқармаси мавжуд. Президент сайловлари натижаларига боғлиқ ҳолда, Давлат департаменти раҳбарлари таркибида ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Муайян соҳа бўйича мутахассис ҳисобланган Давлат департаментининг ақсарият ходимлари ўз иш жойларида қолишади. Уларнинг қайси партия - Республикачилар ёки Демократлар партиясига мансублиги ёки партиясизлиги уларнинг лавозимда қолиш-қолмаслигини ҳал қилмайди.

Давлат департаменти бошлигининг иш куни етакчи ходимлар билан эрталабки йиғиндаги ахборот алмашинуvidан бошланади. Бундан ташқари Ок уй билан алоқалар ўрнатувчи, департамент олий амалдорлари ишини мувофиқлаштирувчи ва ҳужжатларни тегишли шахсга етказувчи ижрочи котибият ҳам мавжуд. Давлат департаментидан кўп ҳужжатлар ўтади. АҚШнинг бошқа давлатларидаги элчиҳоналари ва чет эл хизматининг бошқа бўғинларидан келадиган телеграммаларнинг ўзи бир неча минг донани ташкил этади. Ташқи сиёсий тadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Давлат департаментидан ташқари Пентагон (Американинг барча ҳарбий идоралари маркази), Марказий разведка бошқармаси каби ташқи сиёсатга фаол аралашувчи мавқели идоралар ҳам иштирок этади.

Буюк Британия ташқи алоқалар органларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади. Буюк Британияда давлат номидан халқаро муносабатларда иштирок этувчи, хорижий давлатларга элчи ва вакилларни тайинловчи, хорижий элчиларни қабул қилувчи давлат бошлиғи бўлиб, у қироличадир.

Гарчи Англияда ягона Конституция бўлмаса ҳам ҳозирги кундаги анъанага мувофиқ ва парламент қабул қилган турли давлат ҳужжатларини асосан қиролича тасдиқлаб у мамлакатни унинг номидан бошқарувчи Ҳукумат қарорига биноан ҳаракат қилади. Буюк Британияда қонунчилик ҳокимиятига қиролича ва икки палата - жамоалар палатаси ва лордлар палатаси эга. Ташқи сиёсат соҳасида қиролича уруш эълон қилиш ва тинчлик битимини имзолаш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, элчиларни тайинлаш ва қабул қилиш сингари расмий ваколатларга эга. Бироқ бугунги кун амалиётида қиролича мазкур вазифаларнинг асосийларини бажаришни ҳукуматга топширади ва Вазирлар Кабинети қарорини расман тасдиқлайди.

Парламентнинг асосий вазифалари қуйидагилар: қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилиш, миллий бюджетни белгилаш (шу жумладан, ташқи ишлар маҳкамасининг бюджетини ҳам), ҳукумат фаолиятини назорат қилишдан иборат. Ўз-ўзидан маълумки, ҳукумат уруш:

ва тинчлик ҳақидаги қонунларни қабул қилади. Барча муҳим халқаро битимлар ва шартномалар Парламентнинг розилиги билан қабул қилинади ва сўнгра қиролича мазкур ҳужжатларни давлат номидан имзолайди ёки ратификация қилади. Буюк Британия парламенти ҳукуматнинг ташқи сиёсати йўналишини белгиламайди. Парламентдаги баҳслар мамлакат ижтимоий ҳаёт инъикоси сифатида намоён бўлади, холос. Ташқи сиёсатни аниқлаш ва амалга оширишда Ҳукумат ва Вазирлар Кабинети муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳукумат Буюк Британия ижроия ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. У парламентга ўтказилган сўнгги сайловларда кўп овоз олган партиялар аъзоларидан ташкил этилади. Баъзида, жуда кам ҳолатларда икки ёки уч партия асосида коалицион ҳукумат тузилиши мумкин. Ҳукумат ўз орасидан жуда тор доирадаги Вазирлар Кабинетини тузади. Ҳукумат ва Вазирлар Кабинетида барча масалалар, шу жумладан, ташқи сиёсат масаласида ҳам бош вазир алоҳида ўрин тутати. Вазирлар Кабинетининг вазифалари қуйидагилардир: муҳим ҳукумат муассасалари фаолиятини назорат қилишнинг белгиланиши ва турли вазирликлар фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборатдир. Ташқи сиёсат масалаларини амалда Вазирлар Кабинети доимий назорат қилиб боради. Вазирлар Кабинети ҳукуматнинг тор доирадаги таркиби бўлиб, Ташқи ишлар вазири ҳам бу таркибда киради.

Буюк Британия ташқи алоқаларининг муҳим тезкор органи ташқи ишлар идораси. (Форин оффис)дир. Мазкур идоранинг тузилмасига Англиянинг ўтмишдаги ташқи сиёсати билан боғлиқ департамент ва бўлимлар ва ҳозирги Англиянинг ташқи сиёсатига боғлиқ бўлган янги бўлимлар киради. Ҳозирги пайтда Буюк Британиянинг Ташқи ишлар Вазирлиги қуйидагича тузилган: ТИВ бошлиғи Қиролича ҳазрати олияларининг ташқи ишлар бўйича Давлат котиби ҳисобланади. У ҳозирги дипломатия амалиётида Ташқи ишлар вазири деб юритилади.

ТИВ раҳбариятининг кейинги бўғинида ташқи ишлар бўйича икки давлат вазири туради. Улар Ҳукумат ва Вазирлар Кабинетининг аъзолари бўлиб, Бош Вазир томонидан вазир ёрдамчиси сифатида тайинланади ва унинг ўринбосарлари ҳисобланади. Шу билан бирга вазир мартабасига эгадир. Парламент доирасида Ташқи ишлар вазири икки парламент ёрдамчиларига эга бўлиб, улар Парламентда ташқи сиёсат масалалари қандай муҳоама қилинаётганини кузатадилар. Улар ТИВ аппаратиغا бевосита тўғри кўрсатмайдилар. Ташқи ишлар вазири ва давлат вазирлари, икки парламент ўринбосарлари ва парламент котибалари Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлигига партиявий- парламент раҳбарлигини ифода этади. Бу раҳбарият парламент сайловларига боғлиқ бўлиб, унинг натижалари ва у ёки бу партия аъзоларининг Парламентдаги сонига қараб ўзгариши мумкин.

Партиявий-парламент раҳбарлигини ўзгаришида фарқли ўлароқ Буюк Британия ТИВнинг амалдор ходимлари таркиби ўзгармасдир, яъни, уларнинг тақдирини парламент сайловларига боғлиқ эмас. Бу доимий аппаратни вазирнинг доимий ўринбосари бошқаради. Вазирнинг доимий ўринбосари - ТИВдаги асосий фаол шахсдир. У парламент сайловларидан қатъи назар ўзгармайди ва у партия аъзоси бўлмайди.

Бу мамлакат ташқи сиёсатида доимий вазири ўринбосари муҳим аҳамият касб этади.

Буюк Британия ТИВ учун ўзига хос ташкилий тадбир инглиз разведка хизмати - "Секрет интелейженс сервис"нинг доимий вазир ўринбосарига бўйсунishiда кўзга ташланади. У мазкур хизматнинг фаолияти устидан назорат қилади ва барча махфий ҳужжатлар унинг ихтиёрида бўлади.

Табиийки, дипломатик хизматга тегишлигина эмас, балки барча махфий ҳужжатлардан хабардор бўлган доимий вазир ўринбосари вазирнинг ҳам қабул қиладиган қарорларига ҳал қилувчи таъсир этиши мумкин. Доимий вазир ўринбосари махсус маҳкамани бошқариб, барча юқори дипломатик лавозимларга ана шу маҳкама тавсиясига мувофиқ тайинланади. Шу билан бирга ТИВнинг молиявий фаолияти учун ҳам таъинландир. Доимий вазир ўринбосари ва унинг ўринбосарлари Буюк Британия ТИВнинг раҳбариятини ташкил этиб, уларни одатда "Биг-эйт" ("Катта саккизлик") деб юритишади. Унинг ҳар бир ўринбосари муайян бўлимни бошқаради. Ёрдамчиларининг ҳам аксарияти айрим бўлимларга масъул ҳисобланади. Ушбу катта саккизлик мунтазам йиғилиб, унда ташқи сиёсатнинг умумий масалалари муҳокама қилади ва вазирга таъқи сиёсатнинг асосий стратегик масалалари бўйича ўз тавсияларини тайёрлайди.

Буюк Британия ТИВ марказий аппаратининг фаолиятида вазирнинг шахсий котиби муҳим ўрин тутаети. Шахсий котиб ТИВ котибиятини бошқаради.

ТИВнинг асосий тезкор иши бошқарма ва бўлимларда амалга оширилади. Буюк Британия ТИВ марказий аппаратидет 40 даношиқ бўлиб, улардан 10 таси тезкор-ҳудудий, 19 таси функционал ва 11 таси ташкилий-маъмурий бўлимлардир.

Турли мамлакатлар билан муносабатлар масалалари билан ҳудудий бўлимлар шуғулланади. Буюк Британия ТИВ тузилишида функционал дипломатик бўлимлар катта аҳамиятга эгадир. Бундай бўлимлар сирасига Америка, Узоқ Шарқ, Шарқ (Ироқ, Эрон, Афғонистон, Исроил, Иордания, Ливан, Сурия), Араб (Форс кўрфази зонаси, Саудия Арабистони, Яман), Шимолий ва Шарқий Африка, Ғарбий ва Марказий Африка, Марказий ва Шарқий Европа, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё каби бўлимлар кираети. Ҳар бир ҳудудий бўлим ҳузурида ўз ҳуқуқшинос маслаҳатчиси бор.

Функционал бўлимлар - БМТ бўлими, Европа иқтисодий ташликотлари, Европа Иқтисодиёт Кенгаши бўлими, иқтисодий муносабатлар бўлими, Ахборот ва маданият бўлими, Ахборот хизмати бўлимидан иборат. Ахборот хизмати бўлими асосий интеллектуал марказ бўлиб, инглиз хорижий тарғиботини йўналтириб Форин Оффиснинг разведка хизмати билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

Консуллик бўлими, протокол бўлими, шартнома бўлими, фуқаролик масалалари бўлими ва даъво-норозиликлар бўлимлари ҳам функционал бўлим ҳисобланади. Даъволар бўлимида консуллик ишига алоқадор паспорт

бюроси мавжуддир. Паспорт бюроси хизматчилар сони жиҳатидан энг катта бўлимлардан ҳисобланади. Мазкур бюро Англияда яшовчи чет элликларга визалар бериш ва разведка фаолияти билан шуғулланади. Бундан ташқари паспорт назорати бўлими бўлиб, Буюк Британиянинг консуллик ва паспорт пунктларида паспорт берилишини назорат қилади.

Англия ТИВ марказий аппаратиинг маъмурий бўлимлари қуйидагилардир: архив бўлими, алоқа бўлими, конференциялар тайёрлаш бўлими, шахсий таркиб хавфсизлик бўлими.

Форин Оффис аппаратида унинг кутубхонаси ўзига хос ўрин тутди. Бу йирик маълумот ва тайёрлов маҳкамаси бўлиб, унинг хизматидан ТИВнинг барча бўлимлари фойдаланади. Бу ерда халқаро сиёсат масалалари бўйича барча ҳужжатлар тўпланган. Кутубхона Форин Оффис шуғулланувчи ҳар бир масала тарихини ўрганади. Кутубхона вазирликнинг фаолияти масалалари бўйича маълумотнома материал тайёрловчи махсус тадқиқот бўлими билан узвий боғлиқдир. Мазкур бўлим барча материаллардан, шу жумладан, турли идораларда тўпланувчи разведка материалларидан ҳам фойдаланади. Англия Ташқи ишлар вазирлиги кутубхонасини мамлакат ташқи сиёсати билан яқиндан таниш бўлган тажрибали дипломат бошқаради.

Буюк Британиянинг ташқи алоқалари масалалари билан Форин Оффисдан ташқари Миллатлар Ҳамдўстлиги ишлари вазирлиги ҳам шуғулланади. У Британия Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар ҳукуматлари билан доимий алоқада бўлади ва ўзаро алоқалар билан боғлиқ барча масалалар ва улар ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш масалалари билан шуғулланади. Форин Оффис Британия Кенгаши, Марказий Ахборот Бюроси (МАБ) ва Британия радиоэлиттиринг корпорациясининг (Би-Би-Си) хориждаги хизмати каби идора ва муассасаларнинг ташқи сиёсий фаолиятини назорат қилади. Британия Кенгаши анча салмоқли ташкилот бўлиб, кенг миқёсда хориж билан алоқалар ўрнатган ва ваколатхоналарига эга. У хорижда Британия маданият марказлари, институтлар, кўргазмалар ташкил этади. Газета ва журналларни тарқатиш билан шуғулланади. Британия Кенгашининг 5000дан зиёд ходимлари чет элларда ишланганлиги.

Би-Би-Си бутун дунёга Буюк Британия ахборотини тарқатади ва бунинг воситасида Англиянинг халқаро сиёсат обрўсини таъминлайди.

## ФРАНЦИЯ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ.

50-60 йиллар орасида Францияда давлат органлари тизилиши ва тузилиши муайян ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар бошқарувнинг парламент шаклини президент республикаси шаклига айлантди. Бундай ўзгаришлар Францияда генерал де Голнинг шахсий ҳукмронлиги ўрнатилиши билан боғланади. Де Голль 1958 йил Франция Президенти бўлди. Бирок сиёсий аъзоларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш

Мақсадида ёндашиш қайд этилган ўзгаришлар Франция ҳукмрон органларининг муайян манфаатларини ақс эттиришини таъкидлайди. Франциянинг парламент Республикасидан Президент Республикасига ўйлаштирилиши - Франция давлат ҳокимияти конституцион қондаларида бўй берган муҳим ўзгаришлар инъикосидир.

Иккинчи муҳим ўзгариш Франциянинг ички давлат ҳокимият органларига бевосита боғлиқ бўлмай, Франциянинг собиқ мустамлакалар - ҳозирги мустақил, суверен давлатлар билан ўзаро муносабатларига боғлиқдир. Мазкур ўзгаришлар ташқи алоқалар марказий аппаратининг тизими ва функцияларига таъсир этди.

Франция парламенти икки палатадан иборат. Миллий мажлис ва Сенат. Миллий мажлиснинг 50-моддасидан келиб чиқувчи алоҳида ҳуқуқлари ҳукуматга ишонч ёки ишончсизлик билдириш ҳақида қарор қабул қилиш ва унинг программасини, шу жумладан ташқи сиёсатини маъқуллади ақс этади.

Франция ташқи алоқаларида асосий фигура ва орган Франция Президенти ҳисобланади. Президентнинг ташқи алоқалар соҳасида Конституцияда мувофиқ белгиланган вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) Элчиларни тайинлаш;
- 2) Музокаралар олиб бориш ва шартномалар тузиш;
- 3) Давлат номидан музокаралар олиб бориш ва битимлар имзолаш.

Президентнинг кенг ваколатларга эга эканлиги муносабати билан Франция ҳукуматиининг ўрни унча сезилмайди. Ҳукумат ҳам музокаралар олиб борали ва ратификация қилиниши зарур бўлмаган халқаро битимларни имзолайди. Бироқ мазкур музокаралар ва битимлар ҳақида Конституция бўйича Президентни хабардор қилиш лозим.

Бу шундан далолат берадики, янги президент ҳокимиятида ҳам Франция ҳукумати ва бош вазири ташқи алоқалардаги муҳим марказий орган бўлиб қолаверади.

Кўрсатиб ўтилган ташқи алоқалар марказий органларидан ташқари янги Конституцияга мувофиқ Конституцион Кенгаш ҳам мавжуд бўлиб, у ташқи алоқалар соҳасида мувофиқлаштирувчи орган бўлиб ҳисобланади.

Барча мамлакатларда бўлгани каби Францияда ҳам ташқи алоқаларнинг муҳим бўгини ташқи ишлар вазирлиги ҳисобланади. Франция ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати етакчи Европа давлатлари ТИВ марказий аппаратлари билан бир хил тузилишга эга. Шу билан бирга ўз спецификасига эга.

Ташқи ишлар вазири ҳузурида вазир девони (маҳкамаси) бўлиб, сдатда уни анча таъсирли одам бошқаради. Девон вазирнинг шахсий ёзишмаларидан хабардор бўлади. Бундан ташқари Парламент билан доимий алоқада бўлиб, Вазир ҳузурида қабуллар уюштиради. Девон директори - Президентнинг дипломатик маслаҳатчиси бўлиб, у Вазир ва ҳукумат амалга оширадиган ташқи сиёсатнинг барча асосий воқеаларидан хабардор.

Ташқи ишлар бўйича Давлат котиби марказий аппаратда Вазирдан кейинги иккинчи шахс ҳисобланади. Давлат котиби ташқи сиёсатнинг муайян соҳалари билан шуғулланади.

Франция Ташқи ишлар вазирлигининг Бош котиби вазир ўринбосари ҳуқуқларига эга бўлиб, у ТИВнинг жорий тезкор ишларига раҳбарлик қилади. Франция ТИВ Бош котиби ТИВнинг етакчи бўлимларига раҳбарлик қилади.

Ташқи ишлар вазирлигининг бош бошқармалари (департаментлари) Франция ТИВ марказий аппаратининг асосий тезкор бирликларини ташкил этади. Бош департаментлар ўз йўналишларига кўра тезкор дипломатик (худудий ва функционал бўлимлар) ва тезкор подипломатик бўлимларни бирлаштиради. Департаментлар орасида сиёсий масалалар бўйича бош бошқарма асосий тезкор дипломатик бирлик ҳисобланади. Сиёсий департамент Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Америка мамлакатлари билан муносабатларни бошқарувчи дипломатик худудий бўлимларни ўзига бирлаштиради. Бу бўлимлар одатда ўлкашунослик референтура(гуруҳ)лардан ташкил топади. Сиёсий департамент таркибига пакт ва космос ахборот хизмати киради. Бу департамент доирасида БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан муносабатлар билан алоқа фаолияти мумкин бўлган. Иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича бош бошқарма худудий ва функционал бошқармалар (масалан, икки томонлама келишувлар, иқтисодий келишувлар бўйича)ни бирлаштиради. Кейинги муҳим тезкор - дипломатик бирлик - маданият ва техника ишлари бўйича бош бошқарма ҳисобланади. Мазкур департамент тасарруфидаги масалаларга Франция ташқи сиёсатида катта аҳамият берилади. Маданият ва техника соҳасидаги алмашув ва алоҳида давлатлар, БМТ, ЮНЕСКО, шу билан бирга масалалари бошқарма таркибига кирувчи бўлим ва гуруҳлар фаолияти доираси киради.

Маъмурий ва ижтимоий масалалар бўйича бош бошқарма тегишли дипломатик худудий ва функционал бўлим ва гуруҳлардан иборат. Франция ташқи алоқалари марказий органларидан бири Франция ҳамжамиятидир. Конституциянинг 78-моддасига мувофиқ ҳамжамият ташқи сиёсат ва муҳофаза масалалари билан шуғулланади.

Ҳамжамият органлари қуйидагилардан иборат: президент, арбитраж суди, ижроия кенгаши ва сенат. Франция президенти ҳамжамият президенти ҳамдир.

## ГЕРМАНИЯ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ

АҚШ, Буюк Британия ва бошқа Ғарб давлатлари сингари Германия ташқи алоқаларининг кўп сонли ходимлари бу давлат сиёсий тизимининг характерини акс эттиради. Германияда дипломатик ходимлар махсус тайёрланади. Мамлакатда ташқи алоқаларни олиб бориш асосан ташқи алоқалар марказий федерал органлари вазифалари доирасига киради.



Алоҳида ўлкаларнинг бу соҳадаги имтиёзлари унчалик сезиларни эмас ва ташқи алоқалар федерал органларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Мамлакат Конституцияси қандай масалаларни федерация ихтиёрга мансуб деб ҳисоблайди?

24-моддада (1-2-3) Федерация давлат муайян ҳарбий иттифокқа аъзо бўлишида қарор чиқариш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. 25-моддада эса, халқаро ҳуқуқ хизмати назариясидан келиб чиқиб таъкидланадики, "Халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрлари Федерация ҳуқуқининг таркибий қисмидир".

Улар қоида олдига айрим имтиёзлар эга ва бевосита федерал ҳудуд аҳолиси учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқаради. Мазкур моддалардаёқ Федерал органларнинг кенг ва деярли чекланмаган ҳуқуқлари ҳақида, ГФРнинг хорижий мамлакатлар билан ташқи алоқалари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда катта ўрин тутиши ҳақида кенг фикр юритилади. 73-моддада Федерация ташқи алоқалар масалалари бўйича жуда кенг ваколатларга эга эканлиги таъкидланади.

ГФР ташқи алоқаларининг федерал органлари қуйидагилар:

- 1) икки палатали парламент;
- 2) ГФР президенти;
- 3) Федерал канцлер ва ҳукумат;
- 4) Ташқи ишлар вазирлиги ва ТИВ марказий аппарати.

ГФР парламенти икки палата - бундестаг ва бундесратдан иборат.

Бундестаг Федерация бошқаруви ташқи алоқалар билан боғлиқ барча масалалар ва уларнинг қонуний расмийлаштирилиши амалга оширади. Конституция бундай масалалар сирасига қуйидагиларни киритади: тинчлик битимини имзолаш масаласини ҳал қилиш (59-модда, 4 ), халқаро шартномаларни маъқуллаш (59-модда, 2 ).

Германия Федератив Республикаси парламенти вазифалари доирасига ташқи алоқалар олиб боровчи қолган органлар фаолиятини умумий назорат қилиш ҳам киради. Ғарбий Германиянинг шу жумладан, ташқи ишлар бўйича комиссиялари ҳам мавжуд.

Бироқ ташқи алоқалар соҳаси бутунлай ижроия ҳокимияти - Президент, айниқса, федерал канцлер, федерал ҳукумат ва Ташқи ишлар вазирлиги қўлида мужассамланган. Бунда ижроия органларининг аҳамиятини кучайтириш Франция ва ЛКШдаги сингари президентлар ҳуқуқларини ошириш йўли билан эмас, балки бош вазир - Федерал Канцлер ҳуқуқи доирасини кенгайтириш йўли билан амалга оширилади.

Бундан маълум бўладикки, Президент ҳуқуқлари федерал канцлер ваколатлари кенглиги билан ва бундестагнинг тутган ўрнига мувофиқ маълум даражада чекланади. Германиянинг сиёсий муносабатларини бошқарувчи шартномалар учун тегишли қонунийлик органлари ва бундестагнинг маъқуллаши ва бирга ҳаракати зарур.

Ташқи алоқалар соҳасида ҳар бир қарор федерал канцлернинг розилиги асосида қабул қилинади. Ташқи сиёсатни бутунлай белгилаш унинг вазифасидир (65-модда). Бундан ташқари уруш ва тинчлик масалаларини ҳал қилишда қатнашади.

Германия ташқи сиёсати тарихи федерал канцлернинг ташқи сиёсатдаги ўрни ва ташқи алоқаларнинг асосий органи сифатидаги аҳамиятини тўлақонли акс эттиради. Германияда ташқи сиёсатни ўтказувчи ва амалга оширувчи асосий оператив бўғин махсус идора - Ташқи ишлар Вазирлиги, унинг марказий аппарати ва ташқи алоқаларнинг хорижий тизимидан иборат. Ташқи ишлар Вазири Конституцион мансабдор шахс ҳисобланади. Унинг мақоми, бошқа федерал вазирлар Мақоми сингари Конституциянинг 65-моддасида белгилаб қўйилган.

Ташқи ишлар Вазирлигининг вазир бошқарувчи ҳозирги марказий аппарати тузилиши 1958 йилдаги ислохотлар асосида белгиланган. Германия ТИВ тузилиши қуйидаги кўринишда: бевосита вазирга қуйидагилар бўйсунди: статс-секретарь, матбуот бўлими, ҳукумат ишлари бўлими, ташқи ва ички сиёсат ахбороти бўлими, протокол бўлими (бу бўлим Президент ва федерал канцлерга ҳам хизмат қилади).

Статс-секретарь директорлар конференцияси деб номланувчи ўзига хос ТИВ коллегиясини бошқаради. Статс-секретарь мазкур конференция раиси ҳисобланади. Директорлар конференцияси статс-секретарнинг доимий икки ўринбосари ва ТИВ барча бўлимлари бошлиқларидан иборат. Ташқи ишлар вазирлигининг тезкор бўлимлари икки гуруҳга ажралиб, уларни статс-секретарнинг икки ўринбосари бошқаради.

Статс-секретарнинг сиёсий масалалар бўйича биринчи ўринбосари қуйидаги бўлимларни бошқаради: Европа бўлими (1-Ғарб), Ғарбий бўлим (2-Ғарб), Шарқ бўлими ва савдо-сиёсий бўлим.

Европа бўлими (1-Ғарб) бир қатор референтуралардан иборат бўлиб, унга ташкилий жиҳатдан давлатлараро конференциялар ва кенгашларни тайёрловчи ва ўтказувчи котибият ҳам киради. Референтуралардан бири сиёсий интеграция масалалари билан шугулланади. Иккинчиси Европа кенгаши билан муносабатлар масаласи билан шугулланади. Бу референтура тасарруфига бундан ташқари Ғарбий Европа Иттифоқи ва Европа подавлат ташкилотлари билан муносабатлар масаласи ҳам киради. Учинчи референтура ядро энергиясини тинч мақсадларда фойдаланиш масалалари билан шугулланади. Қолган референтуралар ҳудудий бўлимлар принципида тузилган: Ғарбий Европа мамлакатлари, Шимолий Африка мамлакатлари, Туркия, Ватикан.

Ғарбий бўлим (2-Ғарб) ҳам қатор референтуралардан иборат БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, НАТО, қуролисизланиш ва ҳавфсизлик. Қолган референтуралар ҳам ҳудудий принцип асосида тузилган: Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия ва бошқалар. Британия миллатлар Иттифоқи мамлакатлари; АҚШ ва Канада; Латин Америкаси мамлакатлари, Саҳрои Кабир, Жанубий Африка мамлакатлари.

Шарк бўлими ҳам кўпгина референтуралардан тузилган бўлиб, улар ҳам айрим худудий принципда тузилган, бошқалари эса айрим масалалар ёки махсус функциялар бўйича ташкил этилган.

Савдо-соесий бўлим савдо соёсати масалалари билан шуғулланади. Унинг таркибига кирувчи референтуралар дунёнинг турли бозорларини бошқариш, ташқи савдо соёсати масалаларини ишлаб чиқиш, Германиянинг элчихоналари иқтисодий бўлимларини бошқариш каби вазибаларни бажарали.

Иккинчи кичик бўлим қатор референтуралардан тузилган. Улар иқтисодий алоқалар билан шуғулланишди. Бу бўлимга алоҳида мамлакатлар билан шартномалар тузиш мақсадида музокаралар олиб борувчи хизмат ҳам киради.

Статс-секретарнинг биричи ўринбосари ана шу каби бўлимларни бошқаради.

Иккинчи ўринбосар махсус функционал бўлим ва хизматларни бошқаради: кадрлар бўлими, ишлар бошқармаси, ҳуқуқий бўлим ва маданият бўлими.

Кадрлар бўлими ва ишлар бошқармаси шахсий таркиб кичик бўлими ва ишлар бошқармаси кичик бўлимидан иборат. Шахсий таркиб бўйича кичик бўлим таркибига шахсий таркиб, амалдорлар хизмати, ташқи ишлар вазирилиги, дипломатик ва консуллик ваколатхоналар масалалари бўйича референтуралар киради. Ишлар бошқармаси кичик бўлим таркибига эса умумий ташкилий масалалар, вазирлик буйругини шифрлаш хизмати, таржимон хизмати ва соёсий архив киради.

Ҳуқуқий бўлимга халқаро ҳуқуқ ва давлат шартномалари, консуллик ҳуқуқи, ГИВ паспорт хизмати, ижтимоий қонунчилик, Германиянинг хориждаги мулклари бўйича референтуралар киради. Бу бўлимда ҳаммаси бўлиб 9та референтура бор.

Маданият бўлими таркибида ҳам бир қатор референтуралар бор. Бўлим ва унинг референтуралари тасарруфида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар билан маданий алоқалар, диний масалалар, фан, медицина ва чет элликларни Германияда ўқитиш бўйича Халқаро ҳамкорлик масалалари, хорижий давлатлар билан спорт алоқалари олиб бориш, санъат, радио, кино, адабиётлар тарқатиш масалалари киради. Германия Ташқи ишлар вазирилигининг 1958 йилда тузилган ушбу тузилмаси ҳозирги пайтда ҳам асосан ўзгаришсиз қолмоқда. Германия ГИВдан ташқари ташқи алоқаларни амалга оширувчи бошқа ташкилотлар ҳам мавжуд. Шундай идоралардан бири Умумгермания ишлари вазирилигидир. Мазкур вазирлик аслида турли ўлкаларга нисбатан хомийлик қилувчи қонунлаштирилган ташкил ҳисобланади.

## ОСИЁ ВА АФРИКАНИНГ АЙРИМ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИ ОГРАНЛАРИ

Мазкур давлатларнинг иқтисодий, миллий ва сиёсий ривожланиши даражасидаги фарқ уларнинг муайян ўзига хос тузилиши ва ташқи алоқалар органлари характери дипломатиясида ҳам акс этади. Бу мамлакатларнинг кўнчилиги ўз ўтмиши белгиларини сақлаб қолган. Шунга мувофиқ ҳолда ташқи сиёсий кадрлар тайёрланади. Бироқ мазкур ҳолат давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам таъсир кўрсатмоқда. Хукмрон доиралар ичида турли йўналишларнинг сиёсий курашлари кўзга ташланади. Мазкур курашлар турли гуруҳ ва бирлашмалар манфаатларини акс эттиради. Басқача айтганда, бу давлатларнинг ташқи сиёсатида ҳали-ҳануз барқарорлик ўрнатилмаган. Мазкур давлатларнинг ташқи сиёсат аппарати ҳам мамлакатлар сингари ривожланаётганлигини ифодалайди. Бу маҳкамаларда тараққийпарвар ва реакцион кучлар ўртасидаги кураш давом этмоқда. Бироқ бу давлатларда уларнинг келиб чиқиши ва тараққиётнинг объектив шарт-шароитлари билан белгиланувчи миллий суверенитет учун кураш характерли хусусиятдир. Айнан шу ҳолат биринчи навбатда ташқи сиёсат ва дипломатиянинг йўналиши, шу билан бирга ташқи алоқалар органлари тузилиши ва дипломат кадрлар асосий таркибини белгилайди. Шунга кўра бу мамлакатлар ташқи алоқа органлари ташқи сиёсатида миллий мустақиллик дипломатиясини амалга ошириш ва йирик давлатлар таъсирига қарши курашга алоҳида эътибор берилади.

Мазкур ишда уч қитъа - Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги, барча, ҳатто кўпчилик мустақил давлатлар ташқи алоқа органларини кўриб ўтиш имконияти йўқ. Чунки улар жуда кўп. Шунинг учун муаллиф айрим мамлакатларнинг ташқи сиёсат органларини кўриб ўтиш билан чекланади.

### ҲИНДИСТОН ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНЛАРИ.

Ҳиндистон - аҳолиси жиҳатидан дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турган давлатдир. У инглиз колонизаторлари (мустамлакачилари)нинг узок давом этган истибдодидан 1947 йил озод бўлди. 1950 йилда у мустақил давлат сифатида эълон қилинди.

1950 йил 26 январда қабул қилинган Ҳиндистон Конституциясига мувофиқ (51-модда) мамлакат ташқи сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

1) халқаро тинчлик ва хавфсизликни ўрнатиш учун курашда бевосита қатнашиш;

2) адолатли ва ўзаро ҳурматга асосланган давлатлараро муносабатларни қўллаб қуватлаш;

3) халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш, шартнома мажбуриятини бажариш, халқлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини раҳбарлаштириш;

4) халқаро баҳсларни ярбитраж йўли билан ҳал қилишда ҳамкорлик қилиш.

45 йилдан зиёд ўз мустақиллиги даврида Ҳиндистон ўзини тинчлик ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида фаол ҳаракат қилувчи. 1954 йилда эълон қилинган тинч-тоғув яшашнинг 5. принципига амал қилувчи суверен давлат сифатида намён қилди. Ҳиндистон Республикаси БМТда фаол қатнашиб, қўшилмаслик ҳаракатининг асосчиларидан бири ҳисобланади. У ҳамкорлик сиёсати тарафдоридир.

Ҳиндистон Конституциясига мувофиқ ижроия ҳокимияти Президент қўлидадир. Вазирлар Кенгаши Президентга ёрдам кўрсатади ва маслаҳатлар беради (74-модда). Вазирлар, шу жумладан, ташқи ишлар вазири Президент томонидан тайинланади. Ҳиндистон штатлар иттифоқи сифатидаги давлат бўлиб, мазкур иттифоқ, яъни, қонун чиқарувчи Парламент ва олий ижроия ҳокимияти вакили бўлган Президент ва Ҳокимият тасарруфига ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар билан боғлиқ барча масалалар киради. Президент ва унинг номидан иш олиб боровчи бош вазир мамлакат ташқи сиёсатининг йўналишини белгилайди ва у халқаро муносабатларда унинг номидан иштирок этади.

Ташқи алоқалар соҳасида барча ишларни олиб боровчи орган Ташқи ишлар вазирлигидир. Мазкур идора Ҳиндистоннинг хориждаги тахминан 149 ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлардаги ва айрим ваколатхоналари фаолиятини назорат қилади. Қонунчилик Ҳиндистон ҳукумати қарорлари ва ташқи сиёсий фаолияти амалиётига мувофиқ ТИВ вазифалари қуйидагича белгиланган: хорижий давлатлар билан тезкор алоқалар, Ҳиндистоннинг хориждаги дипломатик, консуллик ваколатхоналари фаолиятига доимий раҳбарлик қилиш, шу билан бирга турли халқаро конференцияларда иштирок этиш, хорижий давлатлар билан турли шартнома ва битимларни тайёрлаш.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги босқич хорижий давлатлар ташқи сиёсат идоралари сингари тезкор-худудий ва функционал бўлимларга эга.

Тезкор-худудий бўлимлар гуруҳига Африка мамлакатлари, Америка, Шарқий Осиё, Жануби-Шарқий, Жанубий Осиё ва Ўрта Шарқ, Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари бўлимлари киради.

Функционал бўлимлар таркибига БМТ, иқтисодий, протокол, консуллик, шартнома-ҳуқуқий бўлимлар, Ташқи сиёсатни режалаштириш ва ҳаммурий комитетлар киради.

Осиё ва Африканинг босқич давлатлари ташқи алоқалар органлари ташқи сиёсат вазифаларини бажаришга қаратилган тузилиш ва функцияларга эга. Улар халқаро ҳамкорлик ва ўз мамлакатлари ҳақиқатини аминдан билан боғлиқ вазифаларини амалга оширадilar.

## ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАР, УЛАРНИНГ ВАЗИФА ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Хорижда ташқи алоқаларни амалга ошириш учун давлатлар қадим даврлардан бошлаб бошқа мамлакатларга ўз вакил ва элчиларини юборганлар. Муваққат ёки доимий ваколатхоналар ёки миссиялар ташкил этганлар. Икки томонлама музокаралар олиб бориш ёки кўп томонлама конференция, конгресс ва тантанали маросимларда қатнашиш учун ўз делегацияларини юборганлар.

Ҳозирги пайтда давлатларнинг ташқи алоқалари кенг, ҳар томонлама ва айни пайтда доимий характерга эга. Шунинг учун ташқи алоқалар олиб боровчи турли органлар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир: доимий дипломатик ваколатхоналар давлат ёки ҳукумат бошлиқлар ҳузурида ташкил этилиб, улар элчи ва фавқулодда вакил томонидан бошқарилади. Бундан ташқари консулликлар, савдо ва маданият ишлари ваколатхоналари ҳам шулар жумласига киради. Шу билан бирга дипломатик ваколатхоналарнинг бир қисми бўлган айрим миссиялар, махсус вазифани бажарувчи мустақил органлар, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналар ва муассасалар, икки томонлама ва халқаро музокараларда, конференция, конгресслар ва тантанали маросимларда иштирок этувчи муваққат вакиллар ёки делегациялар ҳам асосий ташқи алоқалар органлари сирасига киради.

Мазкур ташқи алоқалар органлари ташкил этувчи ёки жўнатувчи давлат томонидан белгиланган вазифаларни доимий ёки вақтинча бажарадилар. Бунда улар ўз давлатлари ташқи сиёсий манфаатларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатадилар. Улар ўзи турган мамлакатда халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва икки томонлама келишувлар асосида белгиланган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетдан фойдаланадилар.

Ташқи алоқалар хорижий органлари орасида чет давлатлар бошлиқлари ҳузурида аккредитация қилинган муайян давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари алоҳида аҳамиятга эга. Элчихона ва миссиялар ўз давлат ва ҳукуматларининг бевосита вакиллари бўлиб, ўзи турган мамлакат давлат бошлиқлари ва ҳукуматлари билан бевосита алоқа олиб боровчи идора ҳисобланади.

## ЭЛЧИХОНАЛАР, МИССИЯЛАР ВА КОНСУЛЛИКЛАР, УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Элчихона ёки миссия муайян давлат томонидан хорижий давлат бошлиғи ҳузурида доимий ваколатхоналар сифатида ташкил этилади. Мазкур ваколатхоналар бошлиғи сифатида элчилар (элчихоналар учун).

вакиллар (миссиялар учун) ёки муваққат ишлар вакиллари (ҳар иккаласи учун) фаолият кўрсатади. Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясининг (1961 йил) 14-моддасига мувофиқ элчилар давлат бошлиғи ҳузурда, вакиллар ҳукумат бошлиқлари ҳузурда аккредитация қилинади. Муваққат ишлар вакилини тайинлаш одатда, вақтинчалик ҳолат бўлиб, дипломатик муносабатлар муайян даражада мураккаблигини инодалайди.

Элчихона ўз мақомига кўра олий дипломатик ваколатхона саналади. Ўз вақтида элчихоналар Вена конгресси (1815 йил) қарорларига мувофиқ асосан буюк давлатларда очилган. Ҳозирги кунда элчихоналар дипломатик ваколатхоналарнинг энг олий кўриниши сифатида баҳоланади. Унинг ташкил этилиши муайян мамлакат билан олий даражадаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганини билдиради.

Вена конвенциясига мувофиқ мазкур дипломатик ваколатхона куйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) аккредитация қилаётган давлатнинг ўзи турган давлатдаги вакили бўлиш;
- 2) ўзи турган давлатда ўз давлати ва фуқаролари манфаатларини халқаро ҳуқуқ доирасида ҳимоя қилиш;
- 3) ўзи турган давлат ҳукумати билан музокаралар олиб бориш;
- 4) қонуний воситалар асосида ўзи турган давлатдаги шароит ва воқеаларни аниқлаш ва ўз давлат ҳукуматини улардан хабардор қилиш;
- 5) ўз давлати ва ўзи турган давлат ўртасидаги дўстона алоқаларни қўллаб-қувватлаш, ўзаро иқтисод, маданият ва фан соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш (3-модда).

Бошқача қилиб айтганда, элчихона (миссиялар)нинг асосий вазифаси энг аввало ўзи турган давлатда ўз давлатининг барча масалалари бўйича вакилликни амалга оширишдан иборат. Дипломатик ваколатхона уни тайинлаган ҳукуматнинг ваколатхона жойлашган мамлакат ҳукуматига ўзини қизиқтирган барча масалалар бўйича айнан ваколатхона воситасида муружат қилади.

Муайян давлат ташқи ишлар идораси билан доимий алоқа ва музокаралар, аккредитация қилинган давлатлар вакиллари томонидан мазкур мамлакатдаги дипломатик ваколатхона орқали амалга оширилади. Элчихона ёки миссия ўзи жойлашган мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги билан доимий алоқада бўлади. Бундай ташқари элчихоналар дипломатик корпус билан доимий алоқада бўлади.

Ўз ҳукуматини ўзи жойлашган мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий аҳволи ҳақида хабардор қилиш ва ўз давлати ташқи сиёсати манфаатлари йўлида актив фаолият кўрсатиш, ўзи жойлашган мамлакат билан муносабатларни янгилаш дипломатик ваколатхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ҳар бир элчихона ёки миссия ўзи жойлашган мамлакатда рўй бераётган воқеаларни мунтазам кузатиб боради. Шу билан бирга ҳар

қандай хорижий ваколатхона ҳар бир қаламини ўйлаб қўйиши, ўз давлати сиёсатини амалга ошириш учун қандай ишни амалга ошириш фойдалироқ эканини тасаввур қила олиши мумкин. Бу хусусан, давлатлараро иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантириш, сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга тааллуқлидир.

Ўз давлати фуқаролари ва юридик шахсларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ваколатхона ўзи турган мамлакатнинг давлат органлари, суд ва бошқа идоралари билан иш олиб бориши, зарур ҳолларда, мазкур мамлакат ҳукуматига мурожаат қилиши мумкинлигини тақозо этади. Бунда хорижий ваколатхона унинг дипломатик ходимлигини бошқа хизматчилари ўзи турган мамлакат қонун ва одатларини тан олиши ва ҳурмат қилиши, унинг давлат ва ижтимоий қурилишини тан олиши ва барча тан олган халқаро ҳуқуқ - мазкур ваколатхона ва аккредитация қилинган давлат ички ишларига аралашмаслик асосида фаолият кўрсатишлари лозим бўлади.

Ташқи алоқаларнинг асосий хорижий органлари бўлган элчихона ва миссияларнинг муҳим вазифалари юқоридагилардан иборат. Миссия ва элчихоналардан ташқари давлатларнинг консуллик каби хорижий ваколатхоналари ҳам бўлиб, улар ўзи жойлашган мамлакатда дипломатик ваколатхоналардан фарқли равишда бир мунча чекланган ҳуқуқ, имтиёз ва иммунитетдан фойдаланадилар.

Консулликлар фуқаролар ва савдо-сотиқ, мулкий-ҳуқуқий соҳадаги давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил қилинадиган ваколатхоналардир. Шу билан бирга улар ўзлари вакили бўлган мамлакат фуқаролари учун паспорт, виза ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштиридилар. Консуллик вакили бўлган мамлакат билан савдо, маданий ва бошқа муносабатлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда ўзи турган мамлакат фуқаролари учун ҳам айнан юқорида зикр этилган ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Одатда консуллик тегишли мамлакат фуқаролари зич яшайдиган ёки мазкур давлат билан доимий алоқалар мавжуд бўлган жойларда очилади. Консуллик хизмати порт-шаҳарлар ва савдо-муносабатлари амалга ошириладиган, муайян мулкий-ҳуқуқий ҳужжатлар расмийлаштирилиши лозим бўлган жойларда ташкил этилади.

Консуллик давлатни сиёсий ва умумдипломатик соҳадаги ваколатхонаси бўла олмайди. Қоидага мувофиқ консуллик барқарор дипломатик алоқалар ўрнатилганда тегишли давлатнинг мулкий-ҳуқуқий масалалари бўйича вакиллиги бўлиб ҳисобланади. Айрим ҳолларда истисно тариқасида дипломатик муносабатлар ўрнатилмаган ҳолларда консуллик муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг ташкил этилиши кўп ҳолларда барқарор дипломатик муносабатлар ўрнатилишига асос бўлади.

Консуллик хизмати мазкур идора очилаётган давлат розилигига биноан, унинг жойлашиш ўрни ва чегаралари аниқлангандан сўнг очилади. Консуллик идораси бошлиғи (бош консул, консул, вице-консул, консуллик агенти) ўз давлати Ташқи ишлар вазиридан консуллик патенти олади ва уни ўзи турган мамлакатга тақдим этади. Консуллик идораси бошлиғи ўзи



турган мамлакат ҳукуматидан рухсатнома олгандан сўнг ўз вазифаларини бажаришга киришади. Мазкур рухсатнома эквекватура деб аталади.

## ДАВЛАТНИ ТАН ОЛИШ ВА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИШ.

Давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш йўлида кўйилган биринчи қалам бошқа давлат томонидан муайян давлатнинг тан олиши ҳисобланади. Мазкур тан олиш икки шаклда бўлиши мумкин:

- 1) де-факто - мазкур давлат ва у ҳукуматнинг мавжудлигини тан олиш; бунда унинг юридик ҳуқуқлари истисно бўлади;
- 2) де-юре - унинг юридик ҳуқуқлари ва халқаро муносабатлардаги имтиёзларини биргаликда тан олиш.

Дипломатик муносабат дастлабки музокаралардан сўнг, одатда, бошқа давлатлар дипломатик ваколатхоналари орқали ёки воситачилигида ўрнатилади ва давлат бошлиқлари ёки бош вазир (баъзан Ташқи Ишлар Вазири) ўртасида мактуб ёки телеграммалар алмашинилади. Мазкур мактуб ёхуд телеграммада дипломатик ваколатхона мақоми (элчихона, миссия) аниқланади. Шунга мувофиқ давлатлар ўртасида дипломатик муносабатлар белгиланади.

Бундай кейин одатда, дипломатик вакиллар (элчи, вакил) тайинланади. Халқаро амалиётда қабул қилинганидек, элчи (вакил) тайинлангунга қадар элчи тайинланаётган мамлакат ҳукуматининг розилиги сўралади. Бу розилик агреман деб аталади. Шу мақсадда ҳукумат номига белгиланган элчи номзоди ҳақида қисқача маълумот берилади. Бунда номзоднинг исми шарифи, унинг хизмат фаолияти ҳақидаги маълумот ҳам илова қилинади. Мазкур ҳужжат дипломатик йўл билан расмий ҳужжат сифатида эмас, балки эсдалик ўрнида топширилади. Агреман сўровини олган давлат ҳукумати одатда 2-3 ҳафталик муддат ичида бу масалани ўрганиб чиқали ва ўз жавобини тақдим этади. Одатда элчи (вакил) тайинланишига аксарият ҳолларда розилик берилади. Бунда ҳар бир давлат ҳукуматининг у ёки бу мамлакатга ўз элчисини мустақил тайинлаш ҳуқуқи эътиборга олинади.

Бироқ жуда кам ҳолларда бўлса ҳам, агреман сўралган ҳукумат қандайдир сабабга кўра у ёки бу шахснинг ўз мамлакатига элчи (вакил) этиб тайинланишига розилик бермайди, бундай ҳолларда тўғридан-тўғри рад жавоби беришни ноқулай ҳисоблаб, бу масала бўйича жавоб муддатини атайлаб орқага сурадилар. Бу билан белгиланган элчи (вакил) номзоди мазкур ҳукумат учун номақбул шахс эканлигини билдирадилар. Бу шахс дипломатия тилида "персона нон грата" - "номатдуб шахс" деб аталади. Бундай ҳолларда белгиланган номзоди рад этилган ҳукумат муайян мамлакатдаги ўз элчиси лавозимини бўш қолдиради ва бу билан рад жавобдан ранжиганлигини ифодалайди.

Одатда ишонч ағреманни элчи ёки вакил юборилаётган мамлакат ҳукумати томонидан расмийлик юзасидан сўралади. Лекин айрим мамлакатлар элчихоналар ҳузурида тайинланадиган ҳарбий атташелар ҳам ағреман розилик сўраши талаб қиладилар.

Кўпгина давлатларда эса у ёки бу шахснинг ҳарбий атташе лавозимига тайинланаётгани ҳақида расмий хабар берилиши сўралади. Мазкур хабар ушбу шахснинг ўзи тайинлаётган мамлакатга киришига руҳсат сўраб ёзилган нотада акс этади. Элчихона (миссия)нинг бошқа дипломатик ходимлари тайинланишига ҳукумат розилигини сўраш шарт эмас. Элчихона (миссия)нинг ҳар бир ходими учун кириш визаси сўралиши мазкур мамлакат ҳукуматига у ёки бу номзодни рад этиш учун расман ҳуқуқ беради. Лекин бу ҳолат жуда кам учрайди.

## ДИПЛОМАТИК ВАКИЛ ТАЙИНЛАШ, ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ.

### ДИПЛОМАТИК ВАКИЛ ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

#### ВА ЁРЛИҚНИ ҚАЙТАРИБ ОЛИШ

Элчи ёки вакил тайинланиши учун тегишли ҳукумат ағреманни олиб, давлат раҳбарининг бу ҳақидаги фармони ёки қарори эълон қилинади ва одатга кўра ҳар иккала мамлакат матбуотида мазкур фармон ёки қарор эълон қилинади. Сўнгра элчи (вакил) давлат раҳбари имзолаган ва ташқи ишлар вазири томонидан тасдиқланган ишонч ёрлигини олади. Бу ёрлиқ элчи (вакил) тайинланаётган давлат раҳбари номига ёзилади. Элчи (вакил) ёрлиқни олиб ўзи тайинланаётган давлат пойтахтига жўнайди. Айрим ҳолларда ҳукумат элчи (вакил)-ўзининг Доимий ишончли вакилини тайинлайди, у ўз давлати ташқи ишлар вазири томонидан ёзилган мактубни ўзи тайинланган давлат ташқи ишлар вазирига топширади.

Элчи (вакил) билан учрашувда Протокол бошқармаси бошлиғи, баъзан бошқа расмий кишилар қатнашади. Агар элчи (вакил) бу мамлакатга у билан муносабатлар ўрнатилгандан сўнг биринчи марта келаётган бўлса у ҳолда элчи (вакил) қисқача баёнот билдиради.

Мазкур баёнот маҳаллий матбуотда эълон қилиниб, элчи (вакил) олдига қўйилган, уни жўнаётган ҳукумат томонидан белгиланган вазифалар баён этилади.

Дипломатик вакил қуйидаги ҳолатларда ўз фаолиятини тухтатади:

1) Агар у ўз лавозимидан озод қилинса ёки бошқа лавозимга тайинланса, агар у фаолият курсатаётган мамлакат ҳукумати уни "номатлуб шахс" ("персона нон грата") ҳисоблаб, унинг чакириб олинишини талаб қилса;

2) дипломатик вакил вафот қилса;

3) дипломатик муносабатлар бекср қилинса - айниқса, уруш эълон қилинган ёки бошқа давлатларга бўлиниб кетса ва ҳ.к.

Элчини чақириб олишда уни жўнатган давлат бошлиги элчи аккредитация қилинган давлат бошлиғига чақириб олиш мактуби- ёрлик йўллайди. Мазкур ёрлик элчи (вакил) томонидан давлат бошлиғига хайрлашув ташрифи вақтида ёки янги элчи (вакил) томонидан ишонч ёрликлари тасдиқланаётганда тақдим этилади.

Кетиш олдидан элчи (вакил) давлат бошлиги, ҳукумат бошлиги, ташқи ишлар вазири, унинг ўринбосари - ўзи доимий алоқада бўлган вазирлар, парламент аъзолари ва бошқа расмий шахслар ҳузурига ташриф буюради. Элчи (вакил) шу билан бирга ўз ҳамкабилари - айрим элчилар ва дипломатик корпус дуайени ҳузурига ҳам ташриф буюради.

Ташқи ишлар вазири ёки унинг ўринбосарлари жўнаб кетаётган элчи (вакил) шарафига поношга ёки тушлик беради. Одатда дипломатик корпус бошлиги (дуайен) ҳам элчилар (вакиллар) номидан хайрлашув қабули уюштиради. Жўнаш вақтида элчи (вакил)ни Протокол бошқармаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари кузатади.

## ДИПЛОМАТИК КОРПУС ВА УНИНГ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ, УНИНГ ЎЗИ ТУРГАН МАМЛАКАТ РАСМИЙ ДОИРАЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИГИ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Хориждаги дипломатик ваколатхоналарнинг нормал фаолияти кўрсатиши учун дастлабки энг муҳим шартлардан бири мазкур ваколатхона ҳудуди ва биносининг дахлсизлиги, ваколатхона дипломатик ходимлари учун дипломатик иммунитетга эга булишлар. Мазкур ҳуқуқий қоида халқаро ҳуқуқда умум томонидан қабул қилинган бўлиб, ваколатхона биноси дахлсизлигини ва дипломатик иммунитетни поймол қилиш халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва давлатларнинг суверенлик ҳуқуқининг қўпол бузилиши ҳисобланади. Шунинг учун одатда давлатлар бундай қоидабузарликка нисбатан жуда кескин муносабат билдирадилар. Шунга қарамай ҳозирги пайтда ҳам бундай ҳолатлар бир-бирига қарши бўлган давлатлар ўртасида содир бўлиб турибди. Бундай ҳолларда мазкур факт содир бўлган давлат ҳукумати рўй берган нохуш воқеа канчалик номақбуллиги, унга умуман йўл қўйиш кераки эмаслигини тўла идрок этадилар ва ўзларига ҳисоб берадилар. Одатда мазкур давлат ҳукумати содир бўлган нохуш ҳолат бўйича тегишли давлат ҳукуматига кечиктирмай ўз узрларини изҳор этадилар ва айбдорларни топиш ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралар кўриш ҳақида уларни ишонтирадилар. Агар ана шу тақбирлар амалга оширилмаса ёки бу ваколатхона ётилиши ва икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар тухтатилиши мумкин. Бино дахлсизлиги ва дипломатик иммунитетни сақламасдан ҳеч бир дипломатик ваколатхона нормал фаолият кўрсата олмайди.

Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенциясининг 22-моддасида шундай дейилади: "Ваколатхона биноси дахлсиздир. Ваколатхона розилиги билангина киришлари мумкин". Конвенциянинг 29-моддаси қуйидагича: "Дипломатик агентнинг шахси дахлсиздир. Уни ҳибса олиш, у ёки бу дарзда ушлаш халқаро ҳуқуқнинг бузилиши демакдир. У фақат кўрсатилган давлат дипломатик агент шахсига нисбатан ҳар қандай ҳурматсизлик, унинг овозлиги ва обрўсига путур етказувчи ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиши лозим. Бундан ташқари ҳар бир дипломатик ваколатхона ўз ҳуқуқати билан шифрланган махсус алоқа тури воситасида боғланиши ва текширилиши мумкин бўлмаган дипломатик почта олиш ҳуқуқига эга.

Дипломатик ваколатхона барча дипломатик ходимларининг шахсий дахлсизлигини таъминлаш учун уларга дипломатик паспорт берилади. Жўнатилган мамлакатга келганидан сўнг мазкур давлат Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик мартабага эга бўлган ҳар бир ваколатхона ходимига махсус дипломатик карточка беради.

Элчи (вакил) хорижда ваколатхона биносига давлат байрогини ўрнатиш, транспорт воситаларида ҳам давлат байрогини ўрнатиш ҳуқуқига эга. Транспорт воситалари ҳам бино, ҳудуд сингари дахлсиз ҳисобланади.

Дипломатларнинг шахсий юклари божхона текширувига тортилмаслиги, уларга етарли эътибор берилиши ва дипломат шахсий юкининг сакланиши учун кўп давлатларда дипломатик паспорт билан бирга ваколатхона жойланган давлат ҳуқуқатида химоя қилиш ёрлиги (" ") ҳам берилади. Бундай ёрлиқнинг тақдим этилиши дипломат юкининг божхона ходимлари томонидан текширилишидан халос қилади ва тегишли давлат раҳбарларининг дипломатга бўлган муносабатини ифодалайди. Баъзи давлатларда дипломат юкини божхона текширувидан холи этиш учун дипломатик паспортни кўрсатиш кифоя қилади.

Хорижий ваколатхонанинг ўзи турган давлат тегишли муассасалари, идоралари, расмий ташкилотлари билан мулоқот қилишнинг умумий тартиби барча мамлакатларда қабул қилинган: ҳар бир хорижий давлат ваколатхонаси ўзи турган мамлакатнинг тегишли муассасалари, идоралари ва расмий ташкилотлари билан мазкур давлат ташқи ишлар вазирлиги орқали барча масалалар (майший масалалардан ташқари) бўйича мулоқот қилади. Бу қоида халқаро амалиёт ва халқаро ҳуқуқда белгиланган давлатлар ички ишларига аралашмаслик принципларидан келиб чиқади.

Қуйида дипломатик ваколатхонанинг ўзи турган мамлакат расмий ва жамоатчилик ташкилотлари дипломатик корпус ва дипломатик аппарат билан мулоқотининг айрим шакл ва усулларини кўриб ўтамиз.

Элчи (вакил) ва элчихона дипломатик таркибининг ўзи турган мамлакат расмий ва жамоатчилик доиралари билан мулоқот қилиш тизими элчи (вакил) томонидан тегишли давлат бошчилигида ишонч ёрлиқларини топширишидан бошланади. Бунга қадар бирор давлат ёки жамоатчилик ташкилотининг элчи ёки элчихона билан расмий муносабатлари амалиётда

кузатилмайди. Элчи (вакил) томонидан ишонч ёрлиқлари топширилгандан кейингина элчихона ўз ҳуқуқига эга бўлади, деб ҳисобланади.

Ишонч ёрлиқлари топширилгандан сўнг элчи томонидан бу давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган барча давлатлар элчихоналари ва миссиялари бошлиқлари номига шахсий нота жўнатилади. Муносабатлар ўрнатилмаган давлатлар элчихоналарига ҳам сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқ саналса бундай ноталар жўнатилиши мумкин. Нотада элчининг қайси вақтда ишонч ёрлиқларини топширгани ва улар билан расмий алоқалар ўрнатганидан беҳад мамнун эканлиги изҳор этилади. Бундай нотанинг матни элчихона жойлашган мамлакат билан алоқаларнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда тузилади. Мазкур нота дипломатик корпус дуайинига ҳам жўнатилади. Албатта, бунда мазкур тadbирнинг сиёсий мақсадларга зид келмаслиги ҳисобга олиниши лозим.

Бундан кейин мазкур давлатда белгиланган протокол қоидаларига мувофиқ расмий кишилар ташқи ишлар вазирининг ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари ҳузурига ташриф уюштирилади.

Элчихона ўзи турган мамлакатнинг турли доиралари билан кенг қамровли мулоқотда бўлишдан манфаатдордир. Имкон бўлган жойларда ташқи ишлар вазирлиги доирасидан ташқари барча вазирлар ва алоҳида ўрин тутган расмий кишилар ҳузурига ҳам ташриф уюштирилади. Хусусан, палата раиси, парламент фракциялари раҳбарлари билан шахсий алоқа ўрнатиш, уларни расмий қабулларга таклиф қилиш элчихона кузатган мақсадлардандир.

Элчининг ҳар бир ташрифи протокол характерида бўлавермайди. Бу кўп ҳолларда элчининг ўзига боғлиқ.

Протокол ташрифи алоҳида эҳтиром ифодаси бўлиб, унда айрим муҳим масалаларни ҳал қилиш кузатилмайди. Агар элчи ташриф буюрган расмий шахс ёки вазир айнан элчини қизиқтирган масала билан шуғулланса, унда элчи алоҳида назокат билан бу хусусда ўз қизиқишини ифода қилади. Бундай ҳолларда мазкур масаланинг ҳал қилиниши элчи томонидан қисталмаётганлиги яққол ифодаланиши лозим.

Вазир, парламент раиси, парламент асосий фракцияларининг раҳбарлари, пойтахт бургомистри, элчи вакили бўлган мамлакат муносабатлар ўрнатган мамлакатлар элчилари билан суҳбатлар муносабатларни мустаҳкамлаш ва қимматли ахборот олиш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Бундан ташқари суҳбатлар ҳақида тасаввур ҳосил қилади ва элчихона иштини яхшилашга ёрдам беради.

Кўп элчихоналарнинг тажрибаси шуни курсатадики, 2-3 ой мобайнида шароитни ўрганиш, кейинчалик мамлакатдаги аҳвол қандайлигини кенгроқ миқёсда кузатиш мумкин. Элчихонадаги йиғилишларда бу каби суҳбатлар ҳақида қисқа ахборот берилди.

Элчининг ташрифидан сўнг элчихонанинг бошқа ходимлари бошқа элчихонанинг тегишли ходимлари билан танишадилар. Маслаҳатчилар

маслаҳатчилар билан, биринчи кетиблар биринчи кетиблар билан уйрашадилар.

Элчихона тегишли ходимларининг таширифидан сўнг бошқа элчихоналарнинг ходимлари жавоб таширифи уюштириладилар. Таширифларда сўнг доимий учрашувлар, турли масалалар бўйича ахборотлар алмашиш давом этади. Одатда дипломатик тажриба шуни кўрсатадики, барча суҳбатлар ёзиб борилади ва улар фақат элчихонадагина фойдаланилмай, балки марказга ҳам юборилади.

Дипломатик ваколатхонанинг ташқи мулоқот шаклларидан бири ўзи турган мамлакат ҳукумати, ташқи ишлар вазирлиги, элчихоналар томонидан уюштирилладиган расмий қабулларда иштрок этишидир. Бу қабуллар мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, фойдаланиш ахборот олиш учун шахсий алоқалар ўрнатилиш учун жуда фойдалидир. Бундан барча дипломатлар фойдаланади. Айрим муҳим масалалар қабулларда ҳал қилинади. Айрим пайдо бўлган қийинчиликларни енгилуш учун мана шундай қабуллар уюштирилади.

БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари вақтида, турли халқаро кенгашлар пайтда БМТ ҳузуридаги ваколатхоналарнинг турли соифадаги элчилари учун одатдаги қабуллар, нонушта ва тушликлар ташкил этилади. Бундай қабуллар пайтда позициялар аниқланади, у ёки бу ҳукуматга таъсир ўтказилади, расмий шароитда умуман келишиб бўлмайдиган бир қатор масалалар юзасидан келишувлар амалга оширилади. Бундай тадбирлар икки томонлама ва расмий учрашувларда ҳам амалга оширилади. Ниҳоят, элчихонада ва элчининг уйида уюштирилган қабуллар ҳам ўзаро мулоқот ва ахборот олиш учун муҳимдир.

Турли давлатларда қабул маросимларини ўтказишнинг протокол қоидалари мавжуд. Нонушта соат 12-15 ўртасида уюштирилади. Кўп ҳолларда соат 13да ўтказилади. Тушликлар соат 20-21 ўртасида, чай - 16-18да, коктейль ва қабуллар ("а ля фуршет") - 17дан 20гача баъзан кенроқ ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай қабуллар асосан давлат ёки ҳукумат бошлиғи келиши муносабати билан ўтказилади.

Ҳар бир қабул маросими олдида таклиф қилинганлар рўйхати тузилади. Бунда таклиф қилинаётган томон билан таклиф қилаётган томон каттачиликларининг сопи деярли бир хил бўлиши керак. Барча таклиф қилинганларга тахминан бир ҳафта олдин муайян шаклдаги таклифномалар жўнатилади. Бу таклифномаларда қабул маросими жойи, вақти ва қийинчилик тури кўрсатилади. Бундан ташқари таклифномаларда уни олганлик ҳақида хабар бериш сўралади.

Қабул маросими давомида унинг кўп жиҳатларига эътибор берилади. Халқаро протокол амалиётида қабул қилинган мулозимат қоидалари мавжуд бўлиб, уларга кўп мамлакатларда риоя қилинади (қараң Ж.Серре. Дипломатический церемониал и протокол. М., 1974 г.).

## ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Муайян давлатнинг бирор мамлакатдаги вакили дипломатик ваколатхона бошлиғи - элчи (вакил) ҳисобланади.

Мазкур мамлакатда ўз ваколатхонасига эга бўлган ҳар қандай идора, мазкур ваколатхоналарнинг доимий ёки меваққатлигидан қатъи назар ўзларининг фаолиятини элчи (вакил) билан келишган ҳолда амалга оширишлари лозим. Бундан ташқари ушбу мамлакатга келувчи делегациялар ва алоҳида шахслар ўз ҳаракатларини элчи (вакил) билан келишадилар. Чунки мазкур давлат ҳудудидаги ҳар қандай иш учун ўз давлати ва ҳукумати бошлиғи олдида элчи (вакил) жавобгар ҳисобланади.

Элчи (вакил)га жуда кенг ваколатлар берилган. Чунки элчи (вакил) ўз давлатининг муайян мамлакатдаги мухтор вакили ҳисобланади.

Элчи элчихонада ва ўзи турган мамлакатдаги ўз давлати фуқаролари ўртасида бўлиб ўтадиган ҳар бир воқеадан хабардор бўлиш, шугулланиш ҳуқуқига эга. Тўлақонли ҳокимиятга эга бўлган элчи тажрибали ходим сифатида мазкур мамлакатга жўнатилган ўз ҳамюртларига йўл-йўриқ кўрсатиш, ҳар бир ходим ҳаракатларини кузатиш, ўз давлати манфаатларига зарар етказишнинг олдини олиш лозим.

Элчихона маслаҳатчилари элчи назорати остида ўзлари раҳбарлик қиладиган соҳаларда мустақиллик ҳуқуқига эгадирлар. Элчи ўрнида қолган маслаҳатчи элчихонанинг бутун фаолияти учун жавобгар саналади ва элчига берилган барча ҳуқуқларга эга бўлади.

Элчихонанинг бошқа дипломатик ходимлари (котиблар, атташелар) муайян соҳа учун жавобгар бўлиб, тегишли ҳуқуқларга эгадир.

Элчихоналарда ва миссияларда дипломатик ходимлардан ташқари маъмурий-техник ходимлар ва хизматчилар ҳам бўлади.

Барча дипломатик ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўзи турган мамлакатда асосий имтиёзлар ва иммунитетга эгадир.

Дипломатик ваколатхона жойлашган давлат исталган вақтда аккредитация қилувчи давлатга ваколатхона бошлиғи ёки бирор ходими "номатлуб шахс" - "персона нон грата" эканлигини хабар қилиши мумкин. Бунда давлат ўз қарорини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тегишли дипломатик ходим "номатлуб шахс" деб эълон қилинган, аккредитация қилувчи давлат у ходимни зудлик билан чақириб олиши ёки унинг ваколатхонадаги фаолиятини тўхтатиши лозим.

Шу билан бирга ваколатхона жойлашган давлат ваколатхона ва унинг ходимларига вазифаларини бажаришлари учун шароит яратиб беришлари, мазкур давлат ҳукумати ва ўз ҳукумати билан расмий алоқаларини химоя қилишлари лозим. Ҳатто уруш ҳолатида ҳам ваколатхона жойлашган давлат ваколатхона ходимларининг (оилалари билан) зудлик билан ўз ватанларига жўнаб кетишларига ёрдам бериши керак.

Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар тўхтатилганда ваколатхона ходимлари жўнаб кетганда ваколатхона жойлашган давлат ваколатхона мулкани хурмат қилиши ва кўриқлаши лозим.

Таъқиқ сиёсат вазифаларини бажариш таъқиқ алоқалар марказий органларининг вазифасигина бўлиб қолмай, у давлатнинг хориждаги таъқиқ алоқалар органларининг ҳам вазифаси саналади. Мазкур органлар орасида элчихона ёки миссия алоҳида ўрин тутadi.

Элчихона ва миссиянинг асосий вазифаларидан бири ўзи турган мамлакат таъқиқ ишлар маҳкамаси, ҳукумати, парламенти ва жамоатчилик доиралари билан доимий алоқада бўлиш ва хорижий ваколатхоналар билан муносабатда бўлишдан иборат. Мазкур алоқа муайян йўналишга эга. У ўзи турган мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий аҳволни ўрғаниш, мазкур мамлакат иқтисодий ва сиёсий аҳволи хусусида ўз ҳукуматини хабардор қилиш, бу мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида унинг таъқиқ сиёсатини ўрганиш, шу билан бирга фуқаролар ва ўз давлати юридик шахсларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўз ақсини топади.

Дипломатик ваколатхона ходимларини икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин: элчихона ва миссиянинг дипломатик ходимлари-элчи; маслаҳатчи-вакил, маслаҳатчилар. 1-котиб, 2-котиб, 3-котиб ва атташелар. Йирик давлатларда маслаҳатчи-вакил элчидан кейинги иккинчи шахс ҳисобланади. Кейинги ўринларда айрим масалалар бўйича маслаҳатчилар, яъни, дипломатик маслаҳатчилар туради. Дипломатик таркиб ичида вазифалар ўзаро тақсимланади ва барча элчихоналарда тегишли бўлимлар мавжуд. Деярли барча элчихоналарда 2 бўлим - консуллик ва матбуот бўлими мавжуд. Консуллик бўлими консулхона бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини бажаради, бирок унинг ҳуқуқлари бир мунча чекланган бўлади. Элчихонанинг консуллик бўлими мудир мазкур давлатда бирмунча тор ҳуқуқларга эга бўлиб, унинг ваколати мустақил консуллик ваколатхонасини бошқарувчи бош консул, консул, вице-консулликка нисбатан чекланган бўлади. Консуллик бўлими мудир улардан фарqli ўларoқ ўз давлатидан консуллик патенти олмайди. Унга ўзи турган мамлакат таъқиқ ишлар идорасидан экзекватура ҳам беришмайди. Консуллик бўлими мудир ўз ҳукумати номидан эмас, балки элчихона номидан иш олиб бориб, элчихона фаолияти доирасида у ёки бу консуллик вазифаларини бажаради.

Элчихонанинг матбуот бўлими (ёки ахборот) ўзи турган давлат матбуотида мунтазам кузатиб боради. Мухбирлар, матбуот органлари билан алоқа олиб боради, матбуотдан ахборот олади. Шу билан бирга маҳаллий матбуот органларига ўз мамлакатини ва унинг сиёсатини ҳақиқатий маълумотларни беради. Йирик элчихоналарда фан ва техника бўлимлари ҳам бўлади.

Мазкур мамлакат ички ва таъқиқ сиёсатини ўрганиш, давлат ички сиёсатини мунтазам кузатиб бориш учун элчихонада маслаҳатчи раҳбарлигида ишловчи, ушбу давлат ички ва таъқиқ сиёсатини билан шуғулланувчи дипломатик ходимлар гуруҳи ташкил этилади.



Элчихона протокол тadbирларини олиб боровчи (ташрифлар, қабуллар, протокол масалалари бўйича ташқи ишлар вазирлиги билан алоқа олиб боровчи) икки ходим тайинланади. Бу соҳада муайян бир хилликка эрилиши талаб қилинади. Қабул маросими ва ташрифлар белгиланган тартибда ўтказилиши, улар турли англашилмовчиликларга, нохуш оқибатларга олиб келмаслиги лозим. Одатда бу иш учун мазкур мамлакатдаги протокол тартиб-қоидаларини билаллиган котиблардан бири тайинланади. Тайинланган ходим ташкилий ишларнинг тайёрлиниши ва бажарилиши протокол тadbирларининг ўтказилишини кузатади.

Одатда котиблардан ёки маслаҳатчилардан бири элчихона маъмурий-хўжалик ишларига мутасаддилик қилади. Йирик давлат элчихонаси куйидаги тузилиши мумкин:

Элчихона тузилиши.

Сиёсат масалалари бўйича гуруҳ

Элчихона маслаҳатчи вакили раҳбарлигида ишлайди.

Ички сиёсат масалалари бўйича гуруҳ

Иқтисодий масалалар бўйиса гуруҳ

Магбуот бўлими

Консуллик бўлими

Хўжалик бўлими

Элчи котибияти

Ҳарбий ва ҳарбий-денгиз атташесининг маҳкамаси

Ҳарбий атташе раҳбарлигида ишлайди ва элчи билан мулоқотда бўлади.

Ўзи турган мамлакатни ўрганиш, унинг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унда рўй бераётган муҳим воқеалар ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш ва уларга тўғри баҳо бериш ниҳоятда муҳимдир. Зеро ўз вақтида шу каби маълумотларни олиш, уни ўрганиш асосидагина дипломатик ваколатхона жиддий ва кенг миқёсда фаолият кўрсатиши мумкин. Бу вазифа айниқса, ҳозирги вақтда-дунёдаги воқеалар жуда тез ва радикал тарзда ўзгариб бораётган даврда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу вазифанинг мувафақиятли бажарилишини манфаатдор ҳукуматлар ўз қарорларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилиш, у ёки бу масалага ўз вақтида муносабат билдириши талаб қилмоқда.

Элчихонанинг ахборот соҳасидаги фаолияти кенг қамровли бўлиши, мазкур мамлакатда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий омилларнинг атрофлича таҳлилидан иборат бўлиши лозим. У сиёсий воқеаларга таъсир кўрсатувчи кучларни кўрсатиши, сиёсат ҳаётининг сиёсий омилларини таҳлил қилиши, ҳар мамлакатда мавжуд бўлган пешқадам кучлар, парламент гуруҳлари уларнинг элчихона турган мамлакатдаги сиёсий воқеаларга таъсирини кўрсатиши лозим.

Мамлакатни ўрганишнинг асосий уч соҳасини кўрсатиш мумкин. Биринчидан, унинг иқтисодий ривожланиш тенденцияларини ўрганиш лозим. Ҳозирги шароитда инқироз ҳолатлари, уларнинг таҳлили ва

келажани белгилаш алоҳида аҳамият касб этади. Иккинчидан, мамлакат ички сиёсати, ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий тадбирлари, мамлакат партиялар кураши, парламентлардаги аҳвол, ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг аҳволи, армиядаги аҳвол, ҳукумат муассасаларининг барқарорлиги ва албатта, ички сиёсатининг ташқи сиёсатга таъсирини диққат билан ўрганиш лозим. Учинчидан, ташқи сиёсат, унинг таъсирини йўналишлари, мазкур мамлакатнинг қўшни, кучли давлатлар билан, асосий давлатлар гуруҳи билан ўзаро муносабатлари алоҳида эътибор билан ўрганилиши лозим. Қандай ахборот воситалари мавжуд?

Кўпгина давлатлар тажрибасини шуни кўрсатадики, ўзи турган мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, аҳволи ҳақида ахборот тўплашни яхши ташкил қилиш учун ишни шундай уюштириш лозимки, элчихонанинг ҳар бир дипломатик ходими ахборот тўплаш учун базага эга бўлсин. Бундай база мазкур мамлакатнинг матбуоти бўлиши мумкин. Матбуот ахборотнинг биринчи манбаи бўлиб, ахборот тупланишининг базаси ҳисобланади. Бошқа жиҳатдан, шахсий мулоқот аҳоли турли табақасига мансуб алоҳида шахслар билан суҳбат тарзида амалга оширилиб, у мазкур мамлакат аҳолисини қизиқтирган сиёсий ва иқтисодий масалалар хусусида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Шу билан бирга шу мамлакат ҳаётининг айрим жиҳатлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилади.

Элчихона ичида ахборот йиғиш учун ишни қандай ташкил этиш мумкин? Бу - матбуот билан ишлаш демак. Бўлим маҳалий матбуот материалларини ўрганади. Лекин бу етарли эмас. Мамлакатнинг турли доираларига мансуб одамлар билан доимий алоқа олиб бориш керак. Элчихоналарда котиблар ёки маслаҳатчилар бошқарувчи алоҳида гуруҳ бўлиб, мамлакат ички, иқтисодий, ҳарбий, ташқи сиёсати ва бошқа муҳим масалалар билан шуғулланади. Бўлимнинг бирор ходими ёки гуруҳ раҳбарлари ҳар кунги матбуотдаги материалларнинг қисқача шарҳини тайёрлайди. Айрим йирик давлатларда жуда кўп газеталар чиқади. Уларни ҳар кун кузатиб бориш мумкин эмас. Шунинг учун 5-10та энг йирик ва мамлакат сиёсий қиёфасини белгиловчи газеталар олинади улардаги материаллар асосида шарҳ тайёрланади. Шундан сўнг эрталаб элчи ёки маслаҳатчи хузурида бутун дипломатик таркиб тупланади ва шарҳни тайёрлаган ходим у билан барчани таништиради. Бу 20-30 минут давом этади. Сўнг матбуотнинг шу кунги материаллари билан танишган бошқа ходимлар ўзлари шуғулланадиган масалалар бўйича янги материаллар билан ахборотни тўлдиради.

Элчихонанинг дипломатик ходимлари тўпланган ахборотларнинг қайсилари муҳимлиги хусусида фикр алмашинадилар. Элчи ёки маслаҳатчи қайси масалаларга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида ўз фикрларини баён қиладилар.

Матбуотда ёритилаётган алоҳида масалаларга бағишланган кенгашлар ўтказилиши парламентдаги ички ва ташқи сиёсат хусусидаги айрим келишимовчиликлар муҳокама қилиниши мумкин. Элчихонанинг барча ходимлари мамлакатда қандай воқеалар рўй бераётгани, мамлакатни ўрганишда нималарга эътибор бериш лозимлиги ҳақида тасаввурга эга бўлмоғи лозим. Бундай кенгашлар пайтида айрим дипломат ходимларга у

бу масала билан шуғулланиш ва тегили давлат арбоби бўлган ушбу маъмур масалаларни атрофида ўрнини баъжаси тасвирилади.

Ахборотнинг муҳим манбаси - қабуллар, учрашувлар, ташқи ва ички суҳбатлар. Бу тадбирлар давлат тузилмасининг вакили бўлган ташқи ва ички шакллар, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, парламент, сиёсий партия вакиллари, олимлар, ёзувчилар билан ўтказилади. Маъмур одамларнинг ҳар бири муайян ахборотга эга бўлиб, суҳбат тугри ташкил қилинган ҳолларда мамлакат ички ва ташқи сиёсати билан боғлиқ бўлган қимматли маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Элчихонадиги ички ишлар ўзи турган давлат ташқи ишлар вазирлиги, хорижий элчихоналар билан ёзишмалар, шу билан бирга бошқа муассасалар ва хусусий шахслар билан мулоқотларда аҳоли этади. Элчихонанинг ҳатто хусусий шахслар билан ҳам ёзишмалари яхши ташкил этилиши керак, воқолаки, элчихонадан жўнатиловчи ҳар бир ҳужжат расмий характерга эгадир.

Ўзи турган мамлакат ташқи ишлар вазирлиги билан расмий ёзишмалар, одатда элчи (вакил) раҳбарлигида амалга оширилади.

Консуллик бўлими мудирини ёки маслаҳатчи томонидан жўнатиладиган расмий консуллик ноталари бундан мустасно. Қолган барча ёзишмалар (ТИВ билан) элчи (вакил) ружсати билан амалга оширилади.

Дипломатик ваколатхонанинг ўзи турган мамлакат жамсатчилиги билан мулоқот қилишининг муҳим шакллари билан бири матбуот конференциялари, интервью, элчининг чиқишлари, маслаҳатчи ва бошқаларнинг шундай тадбирларда иштирок этиши билан иборат. Матбуот конференциялари муайян элчихона вакили бўлган мамлакат давлат ёки жамсат арбобининг ташрифи муносабати билан уюштирилади.

Матбуот конференция бошқа ҳолларда ҳам ўтказилиши мумкин. Лекин ундан кузатилган асосий мақсад мамлакат учун зарур бўлган объектив ахборотни эълон қилишдан иборат.

Элчихоналарда у вакили бўлган мамлакат кинофильмлари, санъат арбобларининг чиқишлари кўриш ташкил этилади. Бундан ташқари сийманий ахборот воситаларидан ўз мамлакатининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги ютуқлари ташқи сиёсати билан таништиришда фойдаланилади. Бу элчихона фаолиятининг муҳим шаклидир. Бунинг учун элчихонанинг барча дипломатик ходимлари айрим усуллар билан маҳалий матбуот мақола ва интервью билан чиқадилар. Шундай қилиб, элчихонанинг дипломатик ходимлари ўз давлати дастурини бажариш учун, унинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун доимий, метёрланмаган фаолият олиб боради.

## ДИПЛОМАТИК ҲУЖЖАТЛАР, ЭЛЧИХОНА ҲУЖЖАТЛАРИ

Хорижий давлатлар, тегишли мамлакат таъқи ишлар вазирлиги тегишли давлатларнинг дипломатик вазирликларидан билан алоқалар дипломатик ёзишмаларга хос бўлган ҳужжатлар қўлланади. Булар вербал, шахсий ноталар, эсдалик мактуби, меморандумлардир.

Вербал нотага шахсий имзо қўйилмай, элчихона ёки таъқи ишлар вазирлиги номидан жўнатилади ва учинчи шахс тилидан ёзилади.

Вербал нота расмийлаштириладиганда унга тартиб рақами, сана, жўнатувчи ва жўнатувчи шахар номи қўйилади. Нота уни жўнатаётган муассаса-ТИВ ёки элчихона билан тасдиқланади.

Шахсий нота мактуб шаклида бўлиб, биринчи шахс номидан ёзилади ва элчи томонидан имзоланади. Эсдалик мактуби одатда элчининг ТИВга таърифи пайтида тақдим этилади ва унга тартиб рақами, муҳр қўйилмайди, лекин сана ва шахар номи қайл этилади. Тоза қоғозга оғзаки қилинган баёнотнинг мазмуни ёзилади ("хабар қилинади", "илтимос баён этилади"). Баъзан элчи вазирга у ёки бу баёнотни оғзаки ифодалади ёки вазир эсдалик мактуби юбориши сўрайди. Бу ҳолда мазкур баёнот ёзма ҳужжат тарзда расмийлаштирилади ва ТИВга юборилади. Бироқ шахсан топширилади.

Меморандум - бу катта ҳужжат бўлиб бир ёки бир қанча муаммаларни ўз ичига олади. Мазкур ҳужжат ҳам тартиб рақамига эга бўлмай, асосан муҳокама ва кейинги музокаралар учун ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Меморандум вербал ёки шахсий нотага илова қилиниши, курьер орқали жўнатилиб ёки шахсан топширилиши мумкин.

Шу билан бирга хусусий мактублар, ярим расмий хатлар ҳам қўлланади. Булар таниш расмий кишиларга жўнатилиб, унда у ёки бу шахсий илтимосни эслатиш ёки расмий учрашувларда айрим сабабларга кўра муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлмаган айрим масалалар бўйича жўнатилади. Бундай дипломатик ҳужжатлар мазмуни ва шакли диққат билан таҳрир қилинади. Зеро, улар ҳукуматнинг муайян сиёсий йўналишини ўтказиш бўйича қарашларини ақс эттиради.

Бу қарашлар давлатлар ўртасидаги муносабатларга таъсир кўрсатади. Баъзан халқаро аҳволнинг ривожига таъсир қилади.

Дипломатик ҳужжатлар ноталар, меморандумлар, эсдалик мактублар, баёнотлар, коммюнике ва бошқалар матбуотда эълон қилиниши мумкин. Шунинг учун улар сиёсийлик билан тайёрланиши, мазкур мақсадга хизмат қилиш керак.

Дипломатик мулоқотнинг кўрсатилган ҳужжатларидан ташқари сўнгги ун йилликлар дипломатик ёзишмалари амалиётида давлат, ҳукумат бошлиқлари, сиёсий партиялар раҳбарларининг (бу ўринда ҳокимиятга эга бўлган сиёсий партиялар, муайян давлат сиёсатининг бутун дунё ривожига

муҳим ўрин тутган масалаларнинг ҳал қилиши назарда тутилди) шахсий мактублари ҳам учрайди.

Юқорида саналган дипломатик ҳужжатлардан ташқари музоқаралар давмида шартнома, битим, конвенция ва протоколлар ҳам расмийлаштирилади.

Шу ўринда элчихона ёки бошқа дипломатик ваколатхона томонидан расмийлаштирилувчи ички ҳужжатлар хусусида тухталиб ўтиш лозим.

Умумлаштирувчи характердаги ҳужжатлардан бири элчихонанинг ҳисоботи дир. Ҳар бир вазирлик томонидан белгиланган тартибга кўра ҳисоботлар ҳар бир чорақда, ярим йилда ёки йиллик фаолият якуни бўйича берилади. Бироқ элчилар бу ҳисоботлар орасида сиёсий мактублар ҳам жўнатишлари мумкин. Чунки ахборотлар ҳар доим йигилиши ва таҳлил қилиниши лозим. Сўнгра тўплаган материал умумлаштирилади. Бу материалларга ташқи ишлар вазирлиги ўз муносабатини билдириши лозим. Ҳисоботлар мамлакатда воқеалар ривожини таҳлилини, ривожланиш истиқболлари ва истиқболдан келиб чикувчи хулосаларни таъминлаши лозим. Айнан ана шундай ҳисоботлар вазирликнинг муайян мамлакат билан ўзаро муносабатларни яхшилаш, у ёки бу минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Кейинги ҳужжат элчи томонидан марказга юбориладиган сиёсий мактублардир. Мазкур хатлар муҳим сиёсий масалалар ёки мамлакатдаги аҳволни баҳолаш ва ҳукумат сиёсатига баҳо беришда муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммолар хусусидаги фикрлардан иборат бўлади.

Турли мамлакатдаги элчихона (миссия)лар ишининг ўзи хос хусусиятлари бўлиб, улар сиёсий аҳвол, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ.

## АҚШ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ.

АҚШнинг чет элдаги дипломатик хизматлари жуда сертармоқдир. Мазкур давлат дунёнинг деярли барча мамлакатларида дипломатик ва консуллик ваколатхоналарига эга. Дипломатик ваколатхоналардан ташқари АҚШ кўпгина мамлакатларда турли агентликлар ва таъкилотларининг ваколатхоналарини очган.

Америка элчихоналари АҚШ дипломатик ашаратида етакчи ва йўналтирувчи куч ҳисобланади. Мазкур элчихоналар салмоқли ваколатхоналарга эга бўлиб, мамлакатнинг хориждаги ташқи сиёсат йўналишини амалга оширишда асосий масъулият уларга юкланади.

Америка элчихоналарининг тузилиши бошқа давлатлар дипломатик ваколатхоналари тузилишига ўхшаш бўлиб, бироқ ўзига хос хусусиятлари ҳам бор.

Улардан энг муҳим-элчихона иқтисодий ашаратининг нисбатан салмоқчилигидир. Шу билан бирга ахборот хизмати ҳам нисбатан кенг тармоқли.

Одатда Америка элчихонаси қуйидаги тартибда тузилади: маъмурий, иқтисодий, сиёсий бўлимлар. Шу билан бирга консуллик, ахборот ва маданий алоқалар, ҳарбий атташе аппарати, катта ҳарбий атташе, денгиз атташеси, халқаро тараққиёт агенти ("Тинчлик корпуси") (Қаранг: У.Бланке "Заграничная служба США. М., 1974г. стр.120-122).

Сиёсий, иқтисодий ва ахборот бўлимлари каби йирик бўлимлар тажрибали катта дипломатлар томонидан бошқарилади (1-рангли амалдорлар).

Америка элчихоналари миссиялари, консулликлари, шу билан бирга махсус хизматларининг қатор ходимлари махсус разведка топшириқларини бажардилар, давлат хизматчилари ва жамоат арбоблари билан доимий равишда АҚШ давлат манфаатлари учун зарур бўлган маълумотларни олиб туриш учун кенг алоқалар ўрнатади. Хориждаги Америка элчихоналари қуллайдиган усуллар дунёнинг етакчи давлатларидан бўлган АҚШ ташқи сиёсати ва дипломатиясининг умумий йўналишини акс эттиради.

## БУЮК БРИТАНИЯ, ФРАНЦИЯ, ГЕРМАНИЯНИНГ ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ.

Инглиз дипломатик ваколатхоналари Буюк Британия чет эл хизматининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши охирида ўтказилган ислоҳот барча хорижий давлат аппаратини ўзгарган халқаро шарт-шароитларга мослаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга мазкур ашаратга раҳбарликни бир идорага топшириш, унинг айрим тармоқларининг авто лигини тугатиш амалга оширилди.

Ислоҳот натижасида аввал амал қилинган - дипломатик, савдо дипломатик, консуллик ва ахборот хизматлари ягона хизматга бирлаштирилди ва Форин оффис раҳбарлигида фаолият кўрсата бошлади.

Дипломатик хизматнинг асосий кадрлари ўзгармас амалдорлар бўлиб, улар узоқ вақт давомида дипломатик хизмат мактабини ўтаган, алоҳида танлов асосида, Буюк Британияда хизмат лавозимига тайинлаш, мансабга ўтказиш бўйича белгиланган тартибга кўра фаолият кўрсатувчи ходимлардан иборатдир.

Дунёнинг 70дан зиёд мамлакатида амал қилувчи элчихоналар (миссиялар) ислоҳот натижасида Англиянинг таъсир доирасини кенгайтириш, унинг манфаатлари ҳимоя қилишдаги сиёсий ва иқтисодий фаолият кўрсатувчи ягона марказга айланди. Ташқи сиёсат соҳасидаги асосий вазифаларни бажаришда халқаро сиёсий ташкилотлардаги дипломатик ваколатхоналар, Ғарбнинг сиёсий органларидаги миссия ва ваколатхоналар ёрдам беради.

Элчихона раҳбари бошқа давлатлардаги каби элчи ҳисобланади. Унга ушбу мамлакатдаги барча дипломат ва мансабдор шахслар буйсунади. Элчининг энг яқин ёрдамчиси маслаҳатчи ҳисобланиб, элчи бўлмаган вақтларда муваққат ишлар вакили вазифасини бажарди. Мазкур дипломат

ходим элчихонанинг ҳар кунги ишени ташкил этади ва раҳбарлик қилади. Элчихона ички ишени ташкил этишда элчихона девонхона (канцелярия)си алоҳида ўрин тутди. Девонхона бошлиғи элчихонанинг 1-котиби бўлиб, у мамлакат котиблар ёрдамида сиёсий ахборотни тўплайди ва уни ўрганиб чиқади. Дипломат котиблар ёрдамида сиёсий шарҳлар тайёрлайди. Бу ҳужжатлар Форин-оффис (ГИВ) учун ҳам тайёрланади. Ташки сиёсат бўйича маслаҳатчи ва котиблар барча маълумотларни ўрганиб чиқади ва мамлакат ташки сиёсати бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

Осиё мамлакатларидаги инглиз элчихоналарида маҳаллий тилини яхши билувчи ва Шарқ мамлакатларида ишлаш жараёнида катта тажриба тўплаган шарқшунос мутахассислар ишланади.

Франциянинг хорижий дипломатик хизмати ҳам иккинчи жаҳон урушидан сўнг айрим ислохотларга учради. 1952 йил октябрдаги Декретга мувофиқ бутун дипломатик хизмат умумий маъмурият хизматчиларидан ажратилди ва барча дипломатик ходимлар 4 гуруҳга ажратилди: вакиллар; маслаҳатчи ва котиблар; Шарқ, Европа ва Америка бўйича референт-мутахассислар; иш юритувчилар. Кўнгина элчихоналарда маданият масалалари бўйича атташе ва ахборот масалалари атташеси мавжуд. Базми йирик элчихоналарда юридик ва ижтимоий масалалар бўйича маслаҳатчилар иш олиб боради (Қаранг: Р.Заллет "Дипломатическая служба. Её история и организация во Франции, Великобритании и США". М., 1956г.)

Шарқдаги элчихона (миссия)ларда мазкур мамлакат ва унинг тили бўйича эксперт-ходимлар бўлиб, улар ўз дипломатик мартабасига кўра Шарқ ва Шарқий Осиё хизмати котиби бўлиб ҳисобланади.

Элчихонанинг консуллик ишида консуллик агентларидан кенг фойдаланилади. Уларнинг айримлари элчихона жойлашган мамлакат фуқаролари бўлади.

Франция элчихоналарининг тузилиши бешқа Ғарб мамлакатлари элчихоналарининг тузилишига ухшаш. Одатда сиёсий, савдо-сиёсий, матбуот, маданият, консуллик ва протокол бўлимлари мавжуд. Франция элчихоналари маданий алоқаларни ривожлантириш - кутубхоналар очиб, француз тилини ўргатиш, кўргазмалар ташкил қилиш, француз маданияти билан таништириш: ишига алоҳида аҳамият беради. Мазкур тадбирлар ташки ишлар вазирлиги томонидан элчихона турган мамлакатга Франция таъсирини ўтказишнинг муҳим воситаси сифатида баҳоланади.

Германиянинг дипломатик ваколатхоналари ўзи турган мамлакатда кенг миқёсли иқтисодий тадбирлар ўтказиш билан характерланади. Германия элчихона (миссия)лари кенг тармоқли иқтисодий бўлимларга эга бўлиб, улар ўзи турган мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, экспорт-импорт имкониятларини, божхона ва валюта қоидаларини ўрганади.

Шу билан бирга муҳим монополияларнинг аҳволи ҳам ўрганилади. Чунки ГФР монополияларга иқтисодий таъсир кўрсатиш ва ўз бозорларини кенг айланишдан мақсад қилди.

Иқтисодий бўлимлар ўз ишларида кўпроқ консулликлар кўмағига суянадилар. Чунки консуллик хизмати савдони ривожлантиришда қатнашувчи фирма ва идоралар билан кенг алоқага эга. ГФР элчихоналари иқтисодий бўлимларнинг ходимлари доимо кўпайиб боради. Улар орасида молия, сугурта, ижтимоий масалалари бўйича махсус референтлар бор.

ГФР элчихоналарининг бир қанчасида мавжуд бўлган ахборот ва маданият бўлимлари расмий Бонн мафкурасини тарқатиш, тегишли адабиётлар тарқатиш ва маҳаллий матбуот орқали мақола ва ахборотлар эълон қилиш билан кенг миқёсда шуғулланади.

## ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТУШУНЧАСИ, ТАРИХИЙ ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ.

Парламент, давлат бошлиғи, ҳукумат, ТИВ ташқи алоқаларнинг давлат органлари ҳисобланади. Лекин санаб ўтилган органлар алоқаларнинг асосий ва муҳим воситаси бўлиб, улардан ташқари идоралар ҳам борки, кўп томонлама муносабатларда мазкур идораларнинг аҳамияти катта. Қонун чиқарувчи органлар, давлат бошлиғи ва ҳукумат биринчи навбатда давлат ичидagi бошқарувнинг давлат органлари саналади.

Халқаро муносабатлар, айниқса кўп томонлама муносабатлар ривожланиши жараёнида давлатлар махсус халқаро, шартномалар ва битимлар асосида халқаро, давлатлараро ташқи алоқалар органларини таъсис этадилар. Бундай органларнинг тузилиши, улар фаолиятининг принципларини давлатлар мустақил аниқлайдилар.

Халқаро муносабатларнинг суверен қатнашчиси бўлган давлатлар томонидан тузиладиган давлатлараро ташқи алоқалар органлари сирасига энг аввало халқаро ташкилотлар кирилади.

Ташқи алоқаларнинг давлат органларидан фарқли ўлароқ халқаро ташкилотларнинг ягона вазифаси алоқалар, халқаро муносабатларни ривожлантириш ва бу ташкилотлар қатнашчилари бўлган давлатлар ички ишларига аралашмасликдан иборат. Бу ҳақида бутунжаҳон ташкилоти бўлган БМТ Уставида қуйидагилар ёзилган: "Мазкур Устав БМТга исталган давлат ички компетенциясига мансуб деб ҳисобланадиган ишларга аралаштиш ҳуқуқини бермайди ва БМТ аъзоларидан мазкур Уставда руҳсат берилиши сўраладиган ишларни тақдим этишни талаб қилмайди". (Устав ООН. п.7. стр 28).

Халқаро ташкилотларнинг давлатдан юқори ташкилот эмас, балки давлатларнинг ташқи алоқалари органи эканлигига шубҳа йўқ, зеро бу тушунча ҳақиқий ҳолат далилларига асосланган. Халқаро ташкилотлар тушунчаси, уларнинг табиати, давлатлараро муносабатлардаги ўрни ва аҳамияти кескин шибсий баҳслар бораётган, қатор доктриналар, лойиҳалар қабул қилинга айрим масалаларда ўз аксини топмоқда.

БМТ тузилиши даврида тузилган айрим назариялар кейинчалик функционал плюрализм назарияси сифатида ривожланди ва.



"транснационал иттифоқ ва манфаатлар" тузилиши гоёсига айланади. Мазкур назарияга биноан махсус вазифаларни бажарувчи халқаро ташкилотлар ўз доирасига мазкур муаммолар билан шугулланувчи миллий гуруҳларни жалб қилиши ва аста-секин умумий манфаатларни транснационал тенглаштириш орқали интеграцияланган сиёсий тизим тузиш ва зил манфаатларни силлиқлаш лозим: (Г.Н.Морозов Международная организация. Некоторые вопросы теории. М., 1974г.).

Давлатнинг халқаро муносабатларида халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ва ўрни қандай? Замоनावий халқаро ташкилотлар давлат усти тузилмаси эмас. Бу ташкилотлар характери ўрганилаётганда диққатни уларни тузган давлатларга қаратиш лозим. Ҳозирги шароитда халқаро ташкилотлар ташқи алоқалар тизими органи ҳисобланади.

Дипломатик ваколатхоналарнинг у ёки бу шакли ва фаолияти ўз ҳолича амалга оширилмайди. Халқаро муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланган давлатларнинг ўзаро муносабатлари ўзгарувчан халқаро алоқалар ва муносабатларнинг эҳтиёжларига кўра ўзгариб боради. Дипломатик ваколатхона давлатлар икки ғомонама дипломатик муносабатларининг ривожланиш канали бўлиб ҳисобланади. Бироқ ҳозирги шароитда давлатлараро кўп томонлама муносабатлар шакли кенг миқёсда ривожланмоқда. Ҳозирги кунда бирорта давлат йўқки, унинг ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини ўрганувчи бўлим бўлмасин. Халқаро тараққиёт эҳтиёжи турли халқаро ташкилотларнинг тузилишига олиб келди. Шу муносабат билан давлатлар вакилликнинг турли шакллари пайдо бўлди. Баъзи бутунжаҳон ёки халқаро ташкилотларда доимий ваколатхоналар бўлса, мазкур ташкилотларнинг тегишли органларининг йиғилишлари ёки сессияларида делегацион вакиллар амал қилади. Буларнинг барчаси дипломатик фаолиятда иккинчи жаҳон урушидан сўнг рўй берган энгилликлардир.

Ҳозирги халқаро ташкилотларни дунёдаги рўй бераётган жараёнлар ва сабабларга кўра 4 гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга мансуб халқаро ташкилотлар давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, муҳим иқтисодий жараёнлар, барча давлатларда режалар ва пропорционал ривожланиш қонунларининг амал қилишига асосланиб фаолият кўрсатади.

Иккинчи гуруҳга ҳос халқаро ташкилотлар йирик давлатларнинг таъсирида бўлади. Минтақавий уюшмалар тузилади. Мазкур ташкилотларнинг дастур ва мақсадларида йирик индустриал давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш акс этади.

Халқаро ташкилотларнинг учинчи гуруҳига Осиё ва Африкада ташкил булаётган халқаро ташкилотлар, турли минтақавий бирланма ва ташкилотлар мансубдир.

Тўртинчи гуруҳга турли ижтимоий сиёсий тузум, иқтисодий ва тарихий тараққиётнинг турли босқичларидаги давлатлар аъзо бўлган бутунжаҳон ташкилотлари киради. Бундай ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир. БМТнинг фаолияти рўй берган муҳим тарихий ўзгаришлар билан белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган халқаро ташкилотларнинг 4 тиги фаолият мазмунига кўра халқаро ташкилотларни қуйидагича ўз қилиш мумкин: халқаро сиёсий ташкилотлар; халқаро тасниф ташкилотлар; халқаро маданий ташкилотлар; халқаро ихтисослаштирилган идоралараро ташкилотлар (БМТнинг ихтисослаштирилган идоралари).

Қатнашчилар доираси ва фаолиятининг географик жиҳатига кўра халқаро ташкилотлар бутунжаҳон универсал ташкилотлар (БМТ ва кўнгина ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар) ва миқтақавий ташкилотлар (Араб давлатлари лигаси, АСЕАН, Африка халқаро бирлиги ташкилоти ва бошқалар)га бўлинади.

## БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

БМТ ва бутунжаҳон ихтисослаштирилган муассасалар халқаро ташкилотларнинг алоҳида типи сифатида тан олинар экан, унинг қатнашчиларигина назарда тутилмайди, албатта. БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари қатнашчи давлатларнинг микдорига кўра эмас, балки юқорида санаб ўтилган халқаро ташкилотлар типидан айрим фарқли, ўзига хос хусусиятлари билан характерланади.

БМТда бир-бирига қарама-қарши позицияда бўлган давлатлар тенглик асосида аъзо бўладилар.

БМТ 2-жаҳон урушидан сўнг ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ва таъминлашдир.

БМТнинг Устави Сан-Франциско конференциясида 1945 йил 26 июнда имзоланган ва шу йил 24 октябрдан кучга кирган. БМТ Устави Преамбула, 19 боб ва Уставнинг таркибий қисми бўлган Халқаро Суд статутидан иборат.

БМТ Устави узоқ вақт давомида турли тенденциялар ўртасидаги кураш шароитида ишлаб чиқилди. У дастлаб 1944 йил Думбартон-Оксдаги конференцияда тасдиқланган эди. Уставда БМТнинг биринчи мақсади қуйидагича ифодаланган: "Ўзиб келаётган авлодни уруш офатидан холос қилиш. Бизнинг ҳаётимизда иккинчи бор ифода этиш кейин бўлган кулфат рўй беради" (Устав Преамбуласи) ва халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб қувватлаш" (Уставнинг 2-моддаси).

Халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш билан бирга БМТ Уставида мазкур ташкилотнинг мақсадлари сифатида тенг ҳуқуқлилик ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини (1-модда, 2-банд) ҳурматлаш асосида давлатлараро дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳам кўрсатиб ўтилган. БМТ фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилар:

1) давлатларнинг суверен тенглиги принципи (1-банд, 2-модда);

2) давлатларнинг БМТ Устави буйича қабул қилинган мажбуриятларини виждонан бажаришлари (3-банд,2-модда);

3) Халқаро баҳсларнинг тинч йўл билан ҳал этилиши мажбуриятлиги (3-банд,2-модда);

4) бошқа давлат ёки давлатларнинг ҳудудий бутунлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни қўллашдан воз кечиш.

Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирин ўзи белгилан принципи БМТ Уставининг БМТ мақсадлари акс этган моддага киритилган бўлиб, у халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва амалга ошириш принципи бўлиб ҳам ҳисобланади.

• Ҳозирги кунда БМТ муҳим халқаро аҳамиятга эга бўлган ва катнашчи давлатлар учун халқаро масалаларни ҳал этишдаги асосий анжуман ҳисобланади.

Давлатларнинг вазифаси шундан иборатки, агар БМТ Уставининг асосий қондаларига амалга қилган ҳолда халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни ҳимоя қилишлари лозим. БМТ тинч Ҳамкорлик асосида мамлакатларни бирлаштирувчи ташкилот сифатида тузилган. Бу йўналишдаги фаолият БМТ Уставига аъзо мамлакатлар олдига муҳим базифалар қўяди.

• Уставга мувофиқ БМТнинг асосий органлари қуйидагилар:

БМТ Бош Ассамблеяси;

БМТ Хавфсизлик Кенгаши;

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш;

БМТ Халқаро Сули;

БМТ Котибияти;

Васийлик бўйича Кенгаш.

БМТ Бош Ассамблеяси БМТ аъзоси бўлган барча давлатлар вакилларидан иборат. БМТ Уставига мувофиқ Бош Ассамблеянинг вазифалари белгиланади. У БМТ барча органлари компетенциясида бўлган исталган масалаларни кўриб чиқиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Хавфсизлик Кенгаши кўриб чиқиши мумкин бўлган масалалар бундан мустасно. Хусусан Бош Ассамблея қуйидаги ваколатларга эга:

• халқаро ҳамкорлик масалалари ва халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашга тааллуқли барча масалаларни муҳокама қилиш;

• БМТ аъзоларига тавсиялар бериш ва Хавфсизлик Кенгаши диққатини халқаро тинчлик, хавфсизликка таҳдид этувчи вазиятларга қаратиш;

• БМТ барча органлари докладларини куриб чиқиш;

• БМТ бюджетини тасдиқлаш.

Уставнинг бир қатор бошқа моддаларида ва унинг асосида Бош Ассамблея қабул қилган қарорларда Бош Ассамблеянинг умумий вазифаси

атр-сфлича талқин этилган. Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоларининг ва бошқа органларнинг раҳбар аъзоларини ҳам сайлайди. Бундан ташқари БМТ аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш, бошқа муҳим масалаларни кўриб чиқади. Бу каби муҳим масалалар бўйича қарор Бош Ассамблеяда 4/3 қисм овозга эга бўлганда қабул қилинади.

Бош Ассамблеянинг иши одатда сессия тартибида бўлиб, йилда бир марта йиғилади.

Хавфсизлик Кенгаши зиммасига Халқаро тишчилик ва хавфсизликни ҳўллаб-қувватлаш вазифаси юкланган (1-банд). Ўз вазифаларини бажаришда "Хавфсизлик Кенгаши БМТ мақсадлари ва принциплари асосида фаолият кўрсатади" (2-банд). Хавфсизлик Кенгашининг вазифа ва ваколатлари Устав V бобининг 24-26 моддаларида баён қилинган.

Хавфсизлик Кенгашининг айрим ваколатлари Уставнинг қатор моддаларида баён қилинган.

Хавфсизлик Кенгаши таркибида 15 аъзо бўлиб, улардан 5 таси доимийдир. Мазкур 5 аъзонинг розилигисиз Кенгашда бирорта қарор қабул қилиниши мумкин эмас. Уставнинг 27-моддасида барча қарорлар қабул қилинишида ушбу 5 аъзонинг яқдиллиги талаб қилинади.

Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг яқдиллиги принципи БМТнинг бу муҳим вазифани бажаришидаги асосий шартдир. Мазкур принципнинг бузилиши БМТнинг бутун фаолияти қурилган, унинг давлатлар тенг ҳуқуқли муносабатларини амалга оширувчи ташкилот сифатида йўққа чиқаради.

БМТнинг яна бир органи - Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)дир. Унинг сессиялари мунтазам равишда - йилда 2 марта қабирилади. ЭКОСОС иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт бўйича асосий органдир. Бош Ассамблеяга жаҳон тарққиётининг иқтисодий масалалари бўйича ўз тавсияларини тақдим этади.

ЭКОСОС бутун фаолияти инсон турмуш даражасини кутариш, уларнинг жинси, ирқи, дини, тилидан қатъи назар фарқламасликка қаратилиши лозим. ЭКОСОС Бош Ассамблеяси сессиясида сайланувчи доимий аппаратга эга.

БМТнинг асосий органларидан яна бири Халқаро Суд бўлиб, БМТ ҳузурида таъсис этилиб, унинг мақоми БМТ Уставига мувофиқ белгиланган. Халқаро Суд БМТнинг асосий суд органи саналади. У мустақил судьялар коллегиясидан иборат бўлиб, мазкур судьялар фуқаролигидан қатъи назар юксак маънавият эгаси бўлган, машхур ҳуқуқшунос ва жаҳонда обрули кишилардан сайландилар.

БМТ Котибияти ҳам БМТнинг асосий органларидан саналади. Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига биноан тайинланувчи Бош Котиб БМТнинг асосий маъмури ҳисобланади. Котибият ходимлари БМТ Уставига мувофиқ бу ходимлар адолатли географик асосда танланиши керак. Бироқ БМТ Уставига зид равишда Котибиятга кўпроқ йирик мамлакатлар вакиллари олинади.

Юкорида зикр этилган БМТ асосий органлари билан бирга қатор минтакавий ташкилотлар ҳам мавжуд. Бу ташкилотлар муайян географик районнинг иқтисодий-ижтимоий масалалари билан шуғулланади. Бундай ташкилотлар қаторига Европа мамлакатлари учун Иқтисодий комиссия (маркази Женевада), Осиё ва Тинч океани мамлакатлари учун Иқтисодий комиссия (маркази Бангкокда), Латин Америкаси мамлакатлари учун Иқтисодий Комиссия, Африка мамлакатлари учун Иқтисодий Комиссия (маркази Аддис-Абебада). Бу ташкилотлар доимий аппаратга эга.

БМТ Нью-Йоркдаги Штаб-квартирасида БМТ аъзолари бўлган барча давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари мавжуд. Ҳар бир ваколатхонада вакил бўлиб, у БМТ органлари ишида қатнашиш учун ўз ҳукуматидан ваколат олган.

БМТ ҳузуридаги вакил тайинланаётганда унга ваколатнома берилиб, у БШК Котибига бу ваколатларни текшириб чиқиб, унинг БМТ Устави ва БМТ органлари ички тартибларига қанчалик тўғри келишини таҳлил қилади ва бу ҳақдаги ахборотни умум эътиборига етказилади. Ваколатлар тўғрилиги тасдиқлангандан сўнг у БМТ барча органлари, шу жумладан, Ҳавфсизлик Кенгашида ҳам ўз давлати вакили сифатида қатнашиши мумкин.

Ҳозирги халқаро муносабатларда ихтисослаштирилган муассасалар муайян аҳамиятга эга. Мазкур муассасалар халқаро ҳамкорлик низоҳатда зарур бўлган соҳаларда ташкил этилган. Масалан, Халқаро алоқа, телеграф, почта. Бутунжаҳон почта уюшмаси (БПУ), Электроналоқа Халқаро уюшмаси, Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) каби ташкилотлар айнан ана шу мақсадларда тузилган.

Бошқа ихтисослаштирилган муассасалардан муҳим аҳамиятга эга тўрт йирик ташкилотни алоҳида кўрсатиш мумкин. Булар: БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) - маркази Парижда, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) - маркази Женевада, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БСТ) - маркази Женевада ва Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) - маркази Венада.

ЮНЕСКО - халқаро маданий ҳамкорлик ташкилоти бўлиб, унинг тасаруфида йирик маблағлар мавжуд. Бу ташкилот маданий таъсир ўтказиш, таълим ва фаннинг ривожланишига катта таъсир ўтказди. ЮНЕСКО бир қатор нашрларга эга, у кургазмалар, конференциялар ташкил этади. Қатор мамлакатларда маданий марказлар очади. ЮНЕСКО маблағлари аъзолик бадаллари ҳисобига ташкил бўлади. ЮНЕСКО машҳур маданий марказлар, тарихий ёдгорликлар, жаҳон маданияти марказлари ва бошқаларни сақлаш ва тиклаш учун катта маблағлар сарф қилади.

Яна бир ихтисослаштирилган ташкилот БМТнинг Халқаро Меҳнат Ташкилотидир (ХМТ). Мазкур ташкилот 1919 йилда Миллатлар Лигасида Версал тинчлик шартномаси асосида ташкил этилган. 2-жаҳон урушидан сўнг унинг тузилишида айрим ўзгаришлар рўй берди. ХМТда ҳар бир мамлакатдан 1та элчи 3та вакил қатнашади. Маъмурий Кенгашда кўпгина давлатларнинг вакиллари бор. БМТдаги вакилларнинг бири ҳукуматдан.

иккинчиси касаба уюшмаси ташкилотидан, учинчиси турли иқтисодий ташкилотлардан.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти табиатидаги йирик халқаро ташкилотдир.

Бу ташкилот эпидемик касалликларнинг олдини олиш бўйича катор тадбирларни амалга оширади. Шу билан бирга мамлакатларга соғлиқни сақлаш тармоғини ривожлантириш учун, тиббий ходимларини тайёрлашга, дори-дармонлар билан таъминлашга ёрдам беради.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) 1956 йилдан бери ўз Уставига эга. Устав йирик давлатлар томонидан ратификация қилинган. МАГАТЭ атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга кўмаклашиш мақсадларида ташкил қилинган. Айнан ана шу мақсадларда МАГАТЭ тегишли илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши, атом энергиясидан тинчлик мақсадлари фойдаланишни амалга ошириш, бу соҳада илмий ва техник ахборот алмашиш илмий ходимлар ва мутахассислар алмашишни тақдирлашга кўмаклашиши лозим.

Агентлик ўзининг барча фаолиятини бошқа давлатлар билан атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш ҳақидаги тузилган Шартнома ва БМТ принципларига мувофиқ амалга оширади.

## ХАЛҚАРО КЕНГАШЛАР ВА КОНФЕРЕНЦИЯЛАР

Халқаро конференция ва кенгашлар фақат давлат, ҳукумат бошлиқлари даражасидагина чақирилмай, улар турли даражаларда чақирилиши мумкин.

Ҳозирги халқаро кенгашлар ва конференцияларнинг 2 асосий турини аниқ фарқлаш лозим: 1) халқаро ташкилотларнинг сессия органи бўлган халқаро конференциялар; 2) мустақил бўлган ва муайян масалалар юзасидан чақириладиган халқаро конференциялар. Конференцияларнинг биринчи тури одатда махсус номларга эга: БМТ Бош Ассамблеяси, БМТ Ижтимоий Кенгаши, ЮНЕСКО конференцияси, ХМТ ва бошқалар. Бу конференция ва кенгашларнинг фаолияти сессия характерда бўлиб, улар навбатдаги ва навбатдан ташқари сессияларда иш олиб борилади. Бундай ҳолларда "кенгаш" тушунчаси мазкур органининг сессияси сифатида қабул қилинади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши каби ташкилотларнинг кенгашлари шулар жумласидандир. Ўз фаолияти мазмунига ва чақирилиш мақсадларига кўра халқаро конференциялар ва кенгашлар сиёсий халқаро конференциялар ва махсус масалалар бўйича конференцияларга бўлинади. Конференцияларнинг фаолият мазмунига кўра давлатлар уларда иштирок этиш тадбирларини белгилайдилар. Сўнги пайтларда халқаро учрашув ва конференциялар тез-тез ўтказиладиган бўлди. Бу халқларнинг ҳамкорликка интилиши ва улар давлатларининг яхши муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилиши билан изоҳланади.

Ҳар бир халқаро учрашув ёки конференция халқаро муносабатлар ва алоҳида давлатлар билан халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич саналади. Бундай учрашув ва тadbирлар аввалдан тайёрланади, акс ҳолда тadbир ҳеч бир натижасиз тугаши мумкин.

## ТАШҚИ СИЁСИЙ МУЗОКАРАЛАР

Олий даражадаги музокаралар амалиёти шуни кўрсатадики, бундай тadbирлар ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқаро муносабатлар ва улар билан боғлиқ масалалар барча мамлакатлар сиёсий ҳаётида катта ўрин тутати. Ташқи сиёсат муаммолари салмоғи халқаро аҳолининг тублан ўзгаришидан манфаатдор халқларнинг ҳаётида алоҳида ўрин тутати. Халқаро муносабатларни тублан қайта қуриш, тенг ҳуқуқлилиқ принципи асосида ҳамкорлик қилишга бағишлаган тadbирлар кўпгаб ўтказилади. Дунёда бир йил давомда 5 мингдан кўпроқ халқаро конференциялар, кенгашлар ва учрашувлар ўтказилади. Бу тadbирларда кўпгаб мамлакатлар, миллионлаб одамлар иштирок этадилар.

Бундай музокаралар ўтказиш тажрибаси янги суверен давлатлар дипломатиясининг муҳим ва самарали воситаларидан бири бўлиб қолди.

Ёш мустақил давлат бўлган Ўзбекистон жаҳон сиёсатида мустақил иштирок этмоқда ва унинг позициялари минтақа ва жаҳон миқёсидаги қарорлар қабул қилишда ҳисобга олинмоқда. Ўзбекистон сингари ёш мустақил давлатларнинг сиёсий фаолияти ҳозирги пайтдаги жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг муҳим фактори саналади. Уларни ҳисобга олмай туриб, халқаро ҳаётга муҳим воқеаларни ҳолис баҳолаш, мамлакат ташқи сиёсатини тўла тасаввур қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти унинг миллий, сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги халқаро алоқалари тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, жаҳон ҳамжамиятига киришининг ўз йўлларини ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатлардаги приоритетлар ва йўналишларни белгилаш, уларнинг тараққиёти, тенг ҳуқуқлилиқ асосида тинч-тотув, янаш, тенг ҳуқуқли давлатлараро муносабатлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик бир қанча ички ва ташқи сиёсий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди. Ўзбекистон раҳбарияти сўнгги йилларда музокаралар олиб бориш, уларда иштирок этиш тажрибасига эга бўлди. Улар бир қанча халқаро учрашув ва конференцияларда қатнашдилар. Айниқса, иқтисодий ҳамкорлик масалаларини ҳал қилишга ва ҳўжалик ва муаммолари кўриб чиқилган конференция ва учрашувлар, МДҲ давлатлари билан ўзаро муносабатлар хусусидаги тadbирлар алоҳида аҳамиятга эга. Айнан Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик масалаларига боғланган қатор халқаро ва минтақавий тadbирлар ўтказилди (Қаранг: А.Касымов, И.Васькин. Основные направления внешней политики Р.Уз. Т. 1994)

## ХАЛҚАРО КЕНГАШ ВА КОНФЕРЕНЦИЯЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ

Ҳар бир халқаро учрашув тайёрланишида унинг натижаси ўлароқ қандай мақсадларга эришиш мумкинлигини ҳисобга олиш керак.

Халқаро конференция ёки кенгаш чақириш ёки таклиф қилиш ташаббуси алоҳида давлатлар, гуруҳлари ва бундай ваколатга эга бўлган халқаро ташкилотга мансубдир.

Ҳар бир давлатда халқаро конференция ёки кенгаш чақириш ҳуқуқига ташқи алоқалар органлари - давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ёки ҳукумати томонидан шундай талбирлар чақириш ваколати берилган алоҳида дипломатик ходимлар эгаларлар. Бир гуруҳ давлатлар ўз ташаббусларини вакиллар кенгаши коммюникесида ақс этган таклиф шаклида баён қиладилар. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича барча Европа мамлакатлари вакиллари кенгашини чақириш ҳақидаги ташаббуси айнан шу тарзда 1969 йил мартда баён қилинган.

Халқаро конференциялар чақириш ташаббуси халқаро ташкилотларнинг сессия органлари томонидан баён қилиниши ҳам мумкин. БМТ Устави халқаро конференциялар чақириш ваколатини, Бош Ассамблеяси, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ва шу билан бирга БМТ Хавфсизлик Кенгашига берган. Шу билан бирга БМТнинг ихтисослаштирилган органлари шундай ваколатга эга.

Халқаро ташкилотлар томонидан кенгаш чақирилганда иштирокчилар доираси ва қатнашув шакли бўйича муаммолар бўлмайди, чунки мазкур ташкилот Устави ва унинг қатнашчилари томонидан бу масала ҳал қилинади. Мустақил чақирилган халқаро конференциялар ёки кенгашлар қатнашчилари масаласи бошқача характерда бўлади. Бундай кенгашлар чақиришида унинг қатнашчилари аввалдан келишиб олиниши лозим.

Бу жуда муҳим масала бўлиб, уни ҳал қилмасдан конференцияни ташкил қилиш мумкин эмас. Халқаро конференциялар иштирокчилари суверен давлатларга бўлиши мумкин. Конференцияда қатнашув билан боғлиқ бўлган яна бир масала давлатлар вакилларининг қатнашуви ва иштирок этиш шакли масаласидир. Халқаро конференцияларда иштирок ҳуқуқини давлатлар ўз ваколатли органлари ёки махсус вакиллари воситасида баён қиладилар.

Халқаро конференцияларнинг ҳозирги амалиёти уч хил иштирок шаклининг кенг қўлланишини таъкидлайди: 1) ҳал қилувчи овозга эга бўлган мухтор делегациялар; 2) маслаҳат овозигагина эга бўлган кузатувчи ва ахборотчилар; 3) халқаро ташкилотлар вакиллари.

Қатнашчи давлатлар суверенитети дипломатик иммунитетга эга бўлган уларнинг вакиллари халқаро - ҳуқуқий мақоми белгиланади. Тулақонли дипломатик иммунитет билан конференция шакли ва мазмунига кўра дипломат ва сиёсий ходимлар муҳофазаланади.



Дипломатик иммунитет давлатларнинг марказий конституцион ташқи алоқалар органлари вакилларига берилади.

Халқаро учрашувлар, конференция кун тартибини белгилашда манфаатдор мамлакатлар ҳар доим кун тартибига чиқарилган масалалар ҳал қилиши истиқболларини ҳисобга оладилар. Кун тартиби одатда аввалдан келишиб олинади. Бошқа ҳолларда кун тартиби дипломатик йўллар билан келишилади. Шундай қилиб, халқаро конференция ёки кенгаш қақрилишининг биринчи босқичи кун тартибини келишиб олишдан иборат. Бу тadbир дипломатик йўл билан олдиндан ўтказиладиган музокараларда амалга оширилади.

Маълумки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган тadbир кун тартиби ва бошқа масалаларни аввалдан келишиб олиш учун Европадаги 35 мамлакат вакилларининг консултациялари ўтказилган бўлиб, улар 7 ой давом этган.

Одатда конференциянинг биринчи йиғилишидаёқ конференция раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа асосий органлари белгиланади. Конференция боғлида унинг ишчи тили ва ҳужжатлари ҳақида қарор қабул қилинади.

Халқаро учрашувлар, кенгашлар ва конференциялар натижасида у ёки бу шартномалар, битимлар (конвенциялар) тузилади. Одатда халқаро шартномалар ёки конвенциялар кириш қисми (пreamбула) билан бошланади. Бу қисмда шартнома қатнашчилари, вазифалар, мақсадлар, шартномани имзоловчи вакиллар хусусида фикр билдирилади. Бундан ташқари:

томонлар мажбуриятлари ҳақида молдалар;

шартноманинг кучга кириш ва муддати ҳақида молдалар;

ратификациялаш тартиби ва ратификация ёрликларини алмаштириш жойи ва муддати ҳақида молда;

Имзолани жойи, санаси ва тили кўрсатилиши лозим;

Давлат вакили имзоси ва муҳри;

Шартнома ва битимлардан ташқари уларга илова қилинувчи протоколлар ҳам имзоланиш ҳоллари кузатилади.

Халқаро учрашув ва конференция пайтидаги музокаралар яқини кўшма декларацияларда акс этади. Мазкур ҳужжат музокаралар қатнашчилари томонидан имзоланиб, унда шартномалардан умумийроқ тарзда қатнашчилар позицияси ва уларнинг у ёки бу сиёсий масалалар бўйича қилувчи қарорлари акс этирилади.

## ДИПЛОМАТИК ИММУНИТЕТ ВА ИМТИЁЗЛАР.

Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар - алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар мажмуи бўлиб, хорижий дипломатларга берилади. Мазкур иммунитет ва

имтиёзлар билан ўзи турган мамлакатлардаги дипломатик вакилларга, вазифаларини бажариш учун ҳам берилади. Давлатлар дипломатларга бундай ҳуқуқ ва имтиёзлар берад экан, уларни ўз юрисдикциясидан озод қилади. Бошқача қилиб айтганда, хорижий дипломатлар ва дипломатик ваколатхоналар "мутлак хорижий фойдаланадилар. Мазкур принцип давлатларнинг суверенлиги ва халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги билан изоҳланади.

Дипломатик иммунитет ва имтиёзларнинг ҳажми ва характери дипломатик алоқалар ҳақидаги 1961 йилги Вена конвенциясида таъриф этирилган. Конвенция ҳозирги пайтда муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланиб, унинг асосида давлатлар орасидаги муносабатлар жараёнида келиб чиқадиган турли масалалар кўриб чиқилади ва тартибга солинади. Бундан ташқари кейинчалик яна бошқа келишувлар қабул қилинган бўлиб, улар ҳам халқаро муносабатларни тартибга солиш масалаларига алоқадордир. Булар - Консуллик алоқалари ҳақидаги 1963 йилги Вена конвенцияси; Универсал характердаги халқаро ташкилотларда давлатлар вакиллиги ҳақидаги 1975 йилги Вена конвенцияси.

Дипломатик карточка берилиши учун дипломатик мартаба кўрсатилган дипломатик паспорт асос бўлиб, хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, у ёки бу ходимнинг дипломатик мартабаси уни ишга жўнатувчи давлат томонидан берилувчи дипломатик паспортда тасдиқланади.

Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар шахсий манфаат нуқтаи назаридан берилмай, балки дипломат ва дипломатик ваколатхоналар томонидан ўз вазифаларини самарали адо этишлари учун берилади. Дипломатик иммунитет дипломатга шахсан берилади, имтиёзлар эса келишув асосида шахслар орасида олди-берди қилиши мумкин эмас. Дипломатик иммунитет тенг тарзда камситиларсиз, тенглик асосида берилади.

Дипломатик иммунитет асоси дипломатнинг шахсий дахлсизлигидир. Дипломатни ҳибсга олиш, у ёки бу шаклда ушлаш мумкин эмас. Дипломат турган мамлакат маъмурлари унинг шахсий эркинлиги ва қадр-қимматига интуит етиши олдини олиб, ўз юрисдикцияларидан озод қиладилар. Ҳазорлик принциpidан келиб чиқиб, дипломат дахлсизлиги дипломатик муносабатлар тўхтатилганда ҳам сақланиб қолади. Агар хорижий дипломат ўзи турган мамлакатда доимий яшаш учун қоладиган бўлса, у дипломатик иммунитет ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Унга ҳам мамлакатнинг юрисдикцияси таъбиқ қилинади.

Дипломатнинг шахсий дахлсизлигини бузиш, унга ҳужум қилиш жиддий сиёсий хато ҳисобланиб, жуда салбий оқибатларга олиб келувчи сабабдир. Бунинг натижасида давлатлар ўртасидаги муносабатлар жуда ёмонлашиши мумкин. Дипломатия тарихида бундай мисоллар кўпайиб кетмакчи.

Элчихоналарда дипломатик ходимлардан ташқари маъмурий-техник ва хизмат қилувчи ходимлар ҳам фаолият кўрсатади. Сўнгги йилда амалиёти шуни кўрсатадики, давлатлар томонидан дипломатик иммунитет

имтиёзлар ҳажмидаги фарқлар йўқолиб бормоқда. 1961 йилги Вена конвенцияси маъмурий-техник ходимларни анча кенг қўламли дипломатик иммунитет ва имтиёзлар билан таъминлаган. Улар ҳам дипломатлар қўламли бўлмаган дипломатик имтиёз ва ҳуқуқларга эга; фарқ шундаки, фуқаролик ва маъмурий жавобгарликдан улар фақат хизмат вазифасини бажариш пайғида хатоликка йўл қўйган ҳолларида озод қилинадилар. Хорижий дипломатик ваколатхоналар ва ходимларига "ваколатхона вазифасини бажариш учун барча имконият" (Вена конвенцияси, 25-модда)ни бериб, давлатлар дипломатик ходимларнинг ўзи турган мамлакат қонун ва қарорларини ҳурмат қилиши ва ички ишларга аралашмаслик принциpidан келиб чиқадилар.

Вена конвенцияси дипломатларга ўзи турган мамлакатни ўрганиш, ўз давлати сиёсатини баён этиш имкониятини беради. Бироқ бу дипломатга турли салбий характердаги баёнотлар билан чиқиши учун имкон бермайди. 1961 йилги Вена конвенцияси дипломатнинг "ўзи турган давлатда ўз манфаати учун касбий ёки тижорий фаолият билан шугулланишини" маънада (1961 йил Вена конвенцияси, 212-модда).

## ДИПЛОМАТИК ПРОТОКОЛ - ДИПЛОМАТИКНИНГ СИЁСИЙ ҚУРОЛИ

Дипломатик хизмат ўз олдига қўйган вазифани бажарар экан, турли ташқи сиёсий тадбирларни амалга оширишда муайян анъаналар, шартлилик ва қоидаларга риоя қилади. Булар биргаликда бир ном билан - дипломатик протокол ёки қисқача протокол деб юритилади. Дипломатик протокол муайян давлат, унинг ваколатхонасининг у ёки бу ташқи сиёсий акцияси (тадбир) шакли ҳисобланади.

Дипломатик протокол қоидалари "ҳалқаро эҳтиром" деб аталувчи принципга асосланади. Мазкур принцип давлат рамзи бўлган ҳар қандай марсага ҳурмат билан муносабатда бўлишини билдиради.

Айнан ана шу ўзаро ҳурмат принциpidан дипломатик протокол келиб чиқди, шаклланди ва ҳозирги кунда ҳам амал қилмоқда.

Мамлакатлараро дипломатик муносабатлар, ёзма шаклдаги дипломатик акциялар, шахсий алоқалар ёки бошқа шаклдаги алоқалар дипломатик протокол қоидаларига риоят қилган ҳолда амалга оширилади.

Дипломатик протокол қоидаларига амал қилган ҳолда дипломатик ваколатхона босқичлари, шу билан ҳарбий атташе тайинланади. Ишонч ва ақриб олиш ёрлиқлари тасдиқланади. Дипломатик ташифлар амалга оширилади ва суҳбатлар олиб борилади, турли шаклдаги дипломатик абуллар ўтказилади, дипломатик ёзинмалар олиб борилади, расмий делегацияларни қабул қилиш ва кузатиш амалга оширилади, музокаралар олиб борилади, халқаро конференция ва йиғилишлар чақирилади, халқаро форумга ва битимлар имзоланади. Дипломатик протокол қоидаларига

мувофиқ дипломатнинг ўзи турган мамлакатлардаги хатти-ҳаракатлари боғлиқланади.

Санаб ўтилган тadbирлар рўyxатини шу билан тугатиб бўлмайди. Чунки шуни таъкидлаш лозимки, халқаро муносабатлардаги ҳеч бир ташқи сийёсий фаолият, тadbир дипломатик протокол қоидаларига рисоя қилмай туриб амалга оширилмайди.

Дипломатик протокол БМТ, ЮНЕСКО, ХМТ, БСТ, МАГАТЭ каби халқаро ташкилотлар қабул қилинган протокол меъёрлари асоси ҳисобланади. Протокол шунинг учун халқаро характердаки, чунки унинг асосий қоидаларини барча тан олган ва барча мамлакатларда бу қоидалар деярли бир хил амал қилинади. Дипломатик ходим исталган бошқа давлатларга келар экан, деярли бир хил дипломатик протокол қоидаларига дуч келади.

Албатта, ҳар бир мамлакат мазкур қоидаларга ижтимоий, ҳуриелиши, миллий ёки диний урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиқиб айрим қўшимчалар киритиши мумкин. Масалан: Ҳиндистонда мамлакатга келган эътиборли меҳмонга гулчамбар кийдириш одати мавжуд. Испания, Болгария, Италияда эса хурматли меҳмонга нон-туз ва миллий вино тўлдирилган қадах тutilади.

Протокол қоидалари бирдан ва ихтиро ёки бирор халқаро анжуман қарорига мувофиқ вужудга келмаган. Дипломатик протокол қоидалари тарихан бир неча асрлар давомида шаклланган жамият тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий формациялар ўзгариши билан протокол меъёрлари ҳам ўзгариб борган.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўп мамлакатларида давлат арбоблари бошчилигидаги хорижий делегациялар шарафига ҳарбий фахрий қоровул сафланади, давлат мадҳиялари ижро этилади, артиллерия мушаклари отилади.

Дипломатик протоколнинг ҳозирги кундаги қоидалари ишлаб чиқилиши ва тан олиниши учун анча давр зарур бўлди.

Масалан, дипломатик заволатхоналар бошлиқлари срасидаги оқсоқоллик масаласи бўйича 1815 йилги Вена конгресси ва 1818 йилги Лахен конгрессининг махсус қарорлари қабул қилинган. Мазкур икки қарор 1961 йилгача - дипломатик хизмат ҳақидаги Вена конвенцияси қабул қилингунга қадар халқаро протокол амалиётининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Халқаро муносабатларда протокол қоидаларига рисоя мажбурият қилиш ҳисобланади. Чунки улардан чекиниш, уларни бузиш бошқа давлатнинг обрўси, кадр-қимматига путур етказиши, раҳбарлари ва расмий вакилларини обрўсизлантириши, натижада, ўзаро муносабатлардаги мураккабликларини келтириб чиқариши мумкин.

Дипломатик протоколга бўлган салбий муносабат ва уларнинг натижасида муносабатларда зиддиятли ҳолатлар вужудга келишини тасдиқловчи ҳолатларга дипломатик амалиётда кўплаб мисоллар учрайди.

Ҳозирги пайтдаги протокол қоида ва меъёрлари дипломатик амалиётнинг барча шаклларига ўз муносабатларини билдиради. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, у ёки бу мамлакат билан сиёсий муносабатлар аҳволига кўра дипломатик протокол қоидалари амалда қўлланар экан, унинг асослари бузилмаган ҳолда айрим ўзгаришлар содир бўлади. Тантановорлик даражаси, маросим микёслари расмий кишиларнинг катнашуви белгиланади. Шу ўринда "Маросим-дўстлик гаровидир" деган шарҳ хикматини эслаш лозим.

Дипломатик протокол-мамлакатлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни акс эттиради ва ташқи сиёсатнинг мақсад ва вазифаларга бўйсундирилган. Гарчи унинг асосий талабларига барча давлатлар томонидан риоя қилинса-да, унинг космополитик категория деб бўлмайди, яъни дипломатик протокол халқаро муносабатларда давлатлар ташқи сиёсий мақсадлардан қатъи назар бир хил қўлланмайди. Протокол дипломатиянинг сиёсий қуроли ҳисобланади. Унинг қўлланиш натижалари мамлакатлараро муносабатлар ва уларнинг расмий вакиллари муносабатларига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун дипломатик протокол меъёрларини билиш ва уларни амалий фаолиятда тўғри қўллаш лозим.

Дипломатик протокол меъёрларини билиш ва уни усталик билан қўллаш дипломатик малака ва дипломатик маҳорат намунаси ҳисобланади.

## ДИПЛОМАТИК КОРПУС.

Дипломатик корпус - муайян мамлакатда аккредитация қилинган хорижий дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари жамлигидир. Булар жумласига элчилар, вакиллар, доимий ишлар вакили, муваққат ишлар вакили кирилади.

"Дипломатик корпус" тushунчаси кенг маънода дипломатик ваколатхоналар бошлиқларидан ташқари муайян мамлакатлардаги барча дипломатик ваколатхоналарнинг дипломатик ходимлари назарда тутилишини ифодалайди. Бу ходимлар қуйидагилардир: маслаҳатчи-вакил, маслаҳатчилар, элчихона ва миссиянинг биринчи, иккинчи ва учинчи котиблари ва атташелари, ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво атташелари, иқтисодий, илмий ва маданий масалалар бўйича махсус маслаҳатчилар. Дипломатик корпус жумласига шу билан бирга дипломатик ходимларнинг оила аъзолари: хотинлари, турмушга чиқмаган қизлари ва всяга етмаган ўғил болалар ҳам кирилади. Ўзи турган мамлакат ҳукумати томонидан тан олинган дипломатик ходим ва оила аъзоларининг гувоҳномалари асосида ташқи ишлар идораси дипломатик қарточка беради. Табиий ки, дипломатик ходимнинг дипломатик мартабаси биринчи навбатда ўз мамлакати томонидан тан олинishi керак. Бунинг тасдиғи сифатида дипломатга дипломатик паспорт берилади. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиғи ишга келган дипломатик ходимнинг дипломатик мартабасини тан олмаслиғи мумкин. Мазкур дипломатик ходимнинг дипломатик мартабаси ушбу дипломатик корпусдаги қабул қилинган дипломатик лавозимларга

гўри келмаслиги бунга сабаб бўлиши мумкин. Ташқи ишлар вазирлиги мунтазам равишда дипломатик корпус ҳақида маълумотларни чиқаради. Унда дипломатик ходимлар ва оила аъзоларининг исми шарифлари, манзили, хизмат ва хонадон телефонларининг рақамлари келтирилади.

Дипломатик корпус юридик шахс ҳуқуқларига эга, халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида тузилган тузилма ёки сиёсий бирлашма ёхуд ташкилот бўлмай, у бир-бирига боғлиқ бўлмаган дипломатик ваколатхоналар мажмуи бўлиб, уларни бирлаштирувчи омил уларнинг жойлашув ери ва фаолият туридир.

Халқаро амалиёт фақат маросим (протокол) тадбирлиридагина дипломатик корпуснинг жамоа сифатида катнашиши мумкинлигинигина таъкидлайди. Масалан, ўзи турган мамлакат давлат бршлигининг шу лавозимга сайланиши ёки мамлакат миллий байрами муносабати билан шундай тарзда қатнашув мумкин.

Дипломатик корпус дуайени - ишонч ёрликларини топириш муддати бўйича дипломатик корпусдаги ўз ҳамкасабалари орасида "кекса" ҳисобланган дипломатик ваколатхона бошлиги. Дипломатик корпус дуайени доимо 1- тоифали дипломатик вакил (элчи) бўлади. Дипломатик протокол ва этикет масалалари, ўзи турган мамлакат маъмурлари билан ўзаро муносабат бўйича маслаҳатлар беради. Шу мақсадларда унда зарур ахборотлар тўпланиши ва мамлакатнинг ҳукумат доиралари ва маҳаллий протокол билан нади алоқада бўлади. У маҳаллий протокол ва ўзининг дипломат-ҳамкасабалари ўртасида воситачи ҳисобланади. Масалан, дуайен Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик корпус иштирокида ўтказадиган тадбирлари ҳақидаги хабарни ўз ҳамкасабаларига етказди. Бундан ташқари дуайен дипломатик корпус номидан мамлакатда рўй берадиган байрам тантаналари ва мотам маросимларига муносабат билдиради. У турли маросимларда қатнашади, табриклар изҳор қилади, ҳамдардлик билдиради, дипломатик корпуснинг умумий тадбирларидаги иштирокини ташкил этади. Мазкур ҳолатларда дуайеннинг зиммасига масъулиятли вазифа юкланади. У турли нуқтаи назарда бўлиши мумкин бўлган ўз ҳамкасабаларининг фикрини баён қилиши лозим. Дуайен дипломатик корпусининг ўзида ҳам рўй берадиган воқеаларга ҳам муносабат билдириши зарур. У дипломатик корпус номидан у ёки бу дипломатик ваколатхона бошлигини кузатиш маросимини ташкил этади. Дуайеннинг эгаллаб турган мақоми унга бошқа дипломатик ваколатхонанинг олдий бошлигидан фарқли уларок фахрли ўрин эгаллаш имконини беради.

Дуайеннинг дипломатик корпус номидан қатнашуви унинг ҳукумат доиралари ва мамлакат жамоатчилиги орасидаги обрўсини оширади.

Дипломатик корпус дуайени протокол тартиби, дипломатик корпус имтиёзлари ҳимояси, дипломатик корпус аъзоларининг маҳаллий ҳокимиятга нисбатан улуғлиги, дипломатик корпуснинг айрим маросимларда иштироки масалалари бўйича қатнашиши мумкин.

Дипломатик-улуғлик дипломатик корпуснинг муҳим қилаларидан бўлиб, у дипломатик корпуснинг жамоа улуғлиги, дипломатик ваколатхона бошлиқлари ва ўзи турган мамлакат маъмурлари ўртасидаги улуғликка

нисбатан рия қилинади. Бундан ташқари ваколатхона ичидаги дипломатлар улуғлигига нисбатан ҳам шу принципга амал қилинади.

Расмий тадбирларга таклиф қилинган дипломатик корпусга давлат ва ҳукумат бошлиғига яқин бўлган биринчи фахрий ўрин таклиф қилинади.

Юқорида таъкидланганидек, дипломатик ваколатхона бошлиқлари ўртасидаги дипломатик улуғлик 1961 йил 18 апрелдаги дипломатик алоқалар ҳақидаги Вена конвенцияси томонидан белгиланган.

Дипломатик ваколатхона бошлиқлари тоифалари ичида улуғлик у ёки дипломатик вакилнинг маҳаллий тажрибаси ёки унинг мазкур мамлакатга келиш санаси ёхуд ишонч ёрлиқларини топшириш санасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

1815 йилги Вена конгрессининг 5 ва 6-моддаларида келтирилган ва 1961 йилги Вена конвенциясининг 14-модда 2-бандида тасдиқланган қоидада шундай ёзилган: "Ҳар бир давлатда ваколатхона бошлиқларини қабул қилиш маросимида рия қилинадиган тартиб ҳар бир тоифа дипломатларига нисбатан бир хил бўлиши керак."

Дипломатик ваколатхона бошлиғи ўлими ёки ўзгарини, сиёсий тузумнинг ўзгариши муносабати билан қайтадан ишонч ёрлиқлари топширганда унинг дипломатик корпусдаги улуғлиги сақланиб қолади.

Францияда хорижий дипломатлар иштирокида ўтказиладиган конушта ва тушликларда ҳозирги дипломатик амалиётда қабул қилинган рўйхат асосида улуғлик белгиланади:

Бош вазир ёки ташқи ишлар Хорижий элчи уйида:  
вазирининг уйида:

- |   |  |
|---|--|
| 1. Дипломатик корпус дуайени.                           | 1. Бош вазир.                                  |
| 2. Элчилар  | 2. Сенат раиси.                                |
| 3. Сенат (конгресс) раиси.                              | 3. Миллий мажлис раиси.                        |
| 4. Миллий мажлис раиси.                                 | 4. Танқи ишлар вазири.                         |
| 5. Дипломатик ваколатхоналар бош-<br>лиқлари, вазирлар. | 5. Дипломатик корпус дуайени.                  |
| 6. Республиканинг собиқ президент-<br>лари              | 6. Республиканинг собиқ президент-<br>лари     |
| 7. Ҳукумат вазирлари.                                   | 7. Ҳукумат вазирлари.                          |
| 8. Бош котиб.   | 8. Бош котиб.                                  |
| 9. ТИВ сиёсий директори.                                | 9. ТИВ сиёсий директори.                       |
| 10. Парламент депутатлари.                              | 10. Дипломатик ваколатхоналар бош-<br>лиқлари. |
| 11. Дипломатик ваколатхона бош-<br>лиқлари.             | 11. Парламент депутатлари.                     |

## ДИПЛОМАТИК СУҲБАТ

Дипломатик суҳбат дипломатик фаолият амалиётидаги энг кийин ва мураккаб, энг муҳим ва маъсулиятли, энг қизиқарли ва фойдали тадбир ҳисобланади.

Дипломатик суҳбат олиб бориш сирларини билмаган, шу билан бирга ўзи турган мамлакатда алоқалар олиб бормаيدиган ходимнинг ўзини тўлақонли дипломатик ходим деб ҳисоблашга ҳуқуқи йўқ. Кўп ҳолларда тайёрланадиган ҳужжат-шахсий суҳбатлар, учрашувлар, баҳслар натижасидан иборат бўлиши мумкин. Мазкур ҳужжат дипломатик хизматнинг фаол томонларини қайд этади ва умумлаштиради.

Дипломатик суҳбатлар олдидан аниқ вазифалар дипломат давлатининг ташқи сиёсий программаси, миллий манфаатлари ва ўзи турган давлат билан ўзаро муносабатлари хусусиятларидан келиб чиқади.

Дипломатик суҳбат қуйидаги мақсад ва йўналишларга эга:

- ўзи турган мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, савдо, маданий ва илмий муносабатларни ривожлантириш;
- ўз давлати ташқи сиёсатини баён қилиш;
- ўзи турган мамлакат билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилиш;
- барча қизиқтирган масалалар бўйича ўзи турган мамлакатлар позицияларини аниқлаш;
- ўзи турган мамлакат, унинг ташқи ва ички сиёсати, мамлакатда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий ва бошқа жараёнларини чуқур ўрганиш, давлат ва жамоат арбоблари ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- ўзи турган мамлакат билан ўз давлати ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга қаратилган тадбирлар ва таклифлар ҳақида марказни доимо хабардор қилиб туриш.

Дипломатик алоқалар ҳақидаги 1961 йилги Вена конвенциясининг 3-моддасига мувофиқ дипломатик ваколатхонанинг бу хусусдаги вазифаси қуйидагилар:

- а) ўзи турган давлатда аккредитация қилувчи давлат вакили бўлиш;
- б) ўзи турган давлатда аккредитация қилувчи давлат ва унинг фуқаролари манфаатларини халқаро ҳуқуқ доирасида ҳимоя қилиш;
- в) ўзи турган давлат билан музокаралар олиб бориш;
- г) барча қонуний воситалар билан ўзи турган давлатдаги шароит ва воқеаларни аниқлаш ва улар ҳақида ўз ҳукуматини хабардор қилиш;
- д) икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни рағбатлантириш.

Дипломатик суҳбат давомида дипломат мутахассис сифатида кенг дунёқаранг, ақл-идрок, ташқи сиёсат бўйича малакаси, унинг сиёсий ва касбий билими, тайёргарлиги ва кенг мушоҳадаси ўз аксини топади.



Дипломатик суҳбат дипломатнинг шу соҳалаги фаолиятининг юксак натижаси ҳисобланади. Бу суҳбат ҳеч бир маълумот ва йиғилган маълумотлардан фойдаланилмаган ҳолда диалог тарзида ташкил қилинади. Суҳбатнинг асосий мақсади ҳақиқатни аниқлаш ва ҳақиқатни аниқлашнинг асосий қисми бўлиши лозим: асосий халқаро шартномалар, ўзи турган мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий асоси, халқаро муносабатлар, халқаро ва мамлакат ички ҳуқуқ тарихи; жаҳон тарихининг асосий моментлари, ўз мамлакатининг тарихи, жаҳон санъати тарихи, ўзи турган мамлакат тарихи, жаҳон санъати тарихи, ўз мамлақати ва ўзи турган мамлакат маданияти ва санъатининг ҳозирги аҳволи.

Мазкур соҳалардаги билимларсиз сиёсий арбоблар, дипломатлар, маданият арбоблари ва олимлар билан муносабатлар ўрнатиш имкони йўқ.

Дипломатни Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа идорага чақирилганда ва кенг тарқалган амалиётга кўра таклифдан қузатилган мақсад хабар қилинмаганда бўлажак суҳбат ҳақида сўраш ўринсиз ҳисобланади. Ана шундай ҳолатларда жуда жиддий тайёргарлик лозим бўлади.

Амалиёт шунини кўрсатадики, суҳбатнинг муваффақиятли бўлишини таъминловчи омиллардан бири-ваколатхона иш олиб бораётган мамлакат билан муҳокама қилинаётган масалалар ва бошқа конкрет ишларни ҳисобга олиш, муҳокама қай даражада эканлигига эътибор беришдан иборат. Шу билан бирга икки томонлама ва халқаро муносабатларнинг қатор муаммоларини атрофлича ўрганиш зарур. Бир қатор масалалар бўйича ахборотга эга бўлган, дипломат бўлажак ташифга яхши тайёрланиши лозим. Суҳбатда уйга назокатлилиқ ва босиқлик билан ўз мақсаатларини ҳимоя қилиш лозим.

Одамларга муайян ва эътиборли муносабат, босиқлик, одамшавандалиқ ва суҳбат олиб бориш маҳорати дипломат учун энг зарур хислатлардир.

Исталган суҳбатда дипломат ўзи турган мамлакат ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини танқид қилмаслиги лозим. Шу билан бирга мамлакат урф-одатлари, аънаналарини ҳурмат қилиши ва алоҳида ҳақида шахслар ноҳўя фикр билдирмаслиги лозим. Бундай танқид ёки муносабат ўзи турган мамлакат ички сиёсатига аралашув сифатида баҳоланиши мумкин. Дипломатик амалиётдан маълумки, юқорида таъкидланган тарзда танқидий фикр билдирган дипломатлар одатда "номақбул шахс" ("персона нон грата") деб эълон қилинади. Дипломат фаолият кўрсатаётган мамлакат ҳукумати дипломатик муносабатлар ўрнатган учинчи мамлакатлар ҳукуматларини танқид қилиш ҳам тавсия қилинмайди.

Айрим ҳолларда дипломат билан коалицион ҳукумат таркибига кирмаган муҳолиф партиялар вакиллари учрашиб, улар ҳукуматни танқид қилишига мойил бўладилар. Баъзан улар дипломатнинг ҳукумат сиёсати ҳақидаги фикрларини сўрайдилар. Бундай саволга жавоб беришдан қочган маъқул. Журналистлар билан суҳбатларда алоҳида эҳтиёт бўлиш лозим. Чунки журналистлар гарчи дипломатлар уларга ҳеч қандай маълумот бермаган бўлса ҳам, у билан ўтказилган суҳбат далилидан фойдаланишлари мумкин. Айнан ана шундай журналистлар ўзлари ўйлаб

топган хабарларни "дипломатик ваколатхонага яқин доиралар"га ишчилик қилиб эълон қиладилар.

Баъзида суҳбатдош дипломатга норасмий тарзда суҳбатлашишни таклиф қилади. Бундай усул дипломатнинг ҳушёрлигини сусайтириш учун қўлланади. Бундай ҳолатларда алоҳида ҳушёр бўлиш зарур.

Дипломатик суҳбатда ўзаро манфаатдорлик руҳи ҳукм суради. Ҳар бир суҳбатдош шериғидан ўзига номаълум бўлган маълумот ёки хабарни қўлланади. Шунинг учун суҳбат икки томонлама бўлиш лозим. Ўз томонидан давлат сирига дахлдор бўлмаган барча маълумотни баён қилиш лозим.

Давлат вакилининг хорижий давлат вакили билан уюштирилган дипломатик суҳбати - ташқи сиёсий тадбир. Суҳбат асосида марказга телеграф ахбороти жўнатилади. Марказда ва дипломатик ваколатхонада зарур тезкор чоралар кўрилади.

Вактни "ҳис қилиш"га ўрганиш жуда муҳимдир. Суҳбат давомида соатга қараб ҳурматсизлик сифатида баҳоланиш мумкин. Бу ҳаракат одатда суҳбатни тугатишга ишора деб қабул қилинади. Айрим ҳолларда дипломатик суҳбат иштирокчилар қарама-қарши сиёсий қарашларга эга шароитда боқиланиши мумкин. Бироқ, маҳорат билан ташкил қилинган дипломатик суҳбат қандай натижалар билан тугаса ҳам, у муносабатлар ёмонлашувига сабаб бўла олмайди. Суҳбатга тайёрланиш ва суҳбатдош маълумотлар йиғиш жараёнида учинчи шахслардан олинган баҳоларга муносабат билдиришда алоҳида эҳтиёт бўлиш лозим.

Суҳбат ёзуви унинг мазмунини аниқ акс эттириши лозим. Зарур ҳолларда дипломатик амалиётда қуйидаги усул қўлланади: суҳбатдошнинг исми, шарифи, унвони, суҳбат ўтказилган сана, давомийлиги, кимнинг ташаббуси билан суҳбат ўтказилгани, таржимон қатнашуви ҳақида маълумотлар акс эттирилади.

Дипломатик ёзишма ҳам дипломатия сингари узоқ ва бой тарихга эга. Давлатлар дипломатик фаолиятнинг бир шакли бўлган мазкур ёзишма муайян давлат ижтимоий-иқтисодий тузилиши, тили ва маданиятига ҳис бўлган хусусиятларга эга. Дипломатик ёзишма ҳужжатлари расмий бўлиб, ҳужжат турини танлаш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳужжат тури муайян конкрет маросимга мувофиқ бўлиши лозим. Бунда мазкур ҳужжат мазмунидан келиб чиқиш, дипломатик ёзишма техникасини эгаллаш, ўзи турган мамлакат анъаналарни ҳисобга олиш лозим. Дипломатик ёзишмага жавоб бериш лозим. Ёзишмага жавоб бермаслик муайян муносабатни ифода қилади. Бу шаклдаги жавобдан фойдаланиш - алоҳида истисно ҳолатлардагина амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир ҳужжат мурожаатдан бошланади. Мазкур ҳужжат жўнатилаётган конкрет шахснинг исми шарифи, муассасанинг аниқ исми ҳужжат мазмуни сингари муҳимдир. Ҳужжат матнида у ёки бу истиснолар бўлиши мумкин. Дипломатик ҳужжат кам-кўстсиз, нафис ташқи кўринишга эга бўлиши лозим. Шунинг учун бундай ҳужжатлар олий сифатли қоғозга ёзилади. Ҳужжати ёзиш жараёнида айрим тузатишлар бўлиши мумкин эмас. Ҳужжатга қўйиладиган муҳр ўз ўрнида - матн остида бўлиши ва матн

бутун қоғозга бир текис жойлашиши лозим. Дипломатик ҳужжатдаги ҳар бир сўз баён қилинаётган тушунчага мос келиши лозим. Агар ҳужжатдаги бирор сўз ва иборанинг икки хил тушунилиши мумкин бўлса, яхшиси ундан воз кечиш ва бошқа воситадан фойдаланиш тўғри бўлади.

## ДИПЛОМАТИК ҚАБУЛ ТУРЛАРИ

Дипломатик қабул - ташқи сиёсат доиралари, дипломатик ваколатхоналар ва дипломатлар ташқи сиёсий фаолиятининг умумий қабул қилинган ва кенг тарқалган шаклидир. Қабул муҳим воқеаларни нишонлаш (миллий байрам, юбилей маросимлари, шартномалар имзоланганлигини нишонлаш, шу билан бирга мамлакатга олий мартабали меҳмон ёки делегация ташрифи) ва шу билан бирга Ташқи ишлар вазирлиги ёки элчихонанинг доимий фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин.

Дипломатик ваколатхоналар томонидан уюштириладиган қабул мазкур мамлакат билан элчихона ўртасида муносабатлар ўрнатиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай қабулларда хорижий дипломатлар ўз давлатлари сиёсатини тушунтирадилар, ўзи турган мамлакат ҳақида ахборот тўплашади ва муҳим халқаро муаммолар бўйича фикр алмашадилар. Шунинг учун ҳар бир қабул уни уюштирувчилар ва меҳмонлар учун муҳим сиёсий аҳамият касб этади. Мамлакат раҳбар органлари томонидан олий мартабали меҳмонлар ёки делегациялар шарафига уюштириладиган қабуллар яна ҳам қадимги даврларга бориб тақалади. Мамлакатлар меҳмонларни қабул қилишнинг тарихий анъаналарини яхши қўшничилик рамзи сифатида сақлаб келадилар.

Қабул вақтида дипломат унинг давлатини қизиқтираётган ахборотларни олиш, бошқа манбалардан олинган ахборотларнинг қай даражада тўғрилигини қиёслаш имкониятига эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси сиёсий ахборот ҳужжатларини тайёрлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Ўз давлатининг тегишли сиёсатини ишлаб чиқиш учун зарур бўлган хорижда рўй бераётган воқеаларни таърифлаш дипломатик фаолиятнинг муҳим соҳаси бўлиб, у ҳозирги кунда ҳам юқори баҳоланади. Мазкур соҳани ўрганишда хорижий давлатда рўй бераётган воқеаларга илмий муассаса, журналистик ва дипломатик идораларда қўйилаётган талаблар ўртасидаги фарққа эътибор қаратилиши лозим. Материал тўплаш шакл ва усуллари, таҳлил объективлигига салбий таъсир қилувчи субъектив ҳолатларга катта аҳамият берилади. Шу билан бирга дипломатлар тайёрлаган ҳисоботлардан давлат ташқи сиёсати йўналишини белгилашда фойдаланиш ҳам муҳимдир. Дипломатик идоралар томонидан ташқи сиёсатни амалга ошириш жараёнида давлат амалдорлари, дипломатлар, жамоат арбоблари, сиёсий партиялар раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари билан мулоқот қилиш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ДАВЛАТ ТАШРИФЛАРИ

Дипломатик фаолиятнинг усул ва шакллари орасида давлат арбобларининг учрашувлари алоҳида аҳамият касб этади. Гитлер давлат раҳбарлари учрашувлари халқаро муносабатлар тарихидан жой олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро давлат ташрифлари ҳозирги пайтда кенг тус олган. Ҳозирги пайтда бу тadbирларга алоҳида эътибор берилляпти.

Протокол амалиёти ва давлат арбобларини қабул қилиш маросимлари барча мамлакатларда бир хил қоидаларга асосланади. Булар қуйидагилар: 1) расмий меҳмонни кутиб олиш (аэропорт, вокзал); 2) пойтахтда расмий учрашув; 3) ташриф буюрилган мамлакат раҳбарияти билан ишчи учрашувлар ва суҳбат (музокаралар); 4) протокол тadbирлари (нонўшта, тушлик, театр ташрифи); 5) пойтахт билан танишиши; 6) мамлакат бўйлаб сафар; 7) якуний кузатиш.

Ҳар бир давлат суверенлигини ҳурмат қилган ҳолда унинг давлат байроғи, малҳияси, фахрий қоровулга эҳтиром билан муносабатда бўлмоқ лозим. Расмий делегацияларнинг мавқеи унга раҳбар бўлган шахснинг тутган ўрни (давлат раҳбари, ҳукумат раҳбари, ташқи ишлар вазири ёки бошқа олий мартабали шахс)га мувофиқ равишда эҳтиром кўрсатилади.

Расмий ташриф. Мазкур ташриф тури олий даражадаги ташрифлар сирасига кириб, алоҳида сиёсий аҳамияти ва тантанаворлиги билан ажралиб туради. Бу турдаги ташриф олий даражадаги меҳмонларни кутиш (кузатиш) маросимлари, барча эҳтиромларини қўллаган ҳолда амалга оширилади. Расмий ташриф давомида сиёсий масалалар - музокаралар диққат марказида туради. Айрим ҳолларда жамоатчилик билан учрашувлар ҳам назарда тутилади. Расмий ташриф одатда якуний ҳужжатлар имзоланиши билан якунланади.

Ишчи ташрифлар сирасига аниқ мақсадларга йўналтирилган ташрифлар киради. Бунда давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи ёки исталган давлат арбоби халқаро кенгаш ва конференцияларда қатнашиши, шартнома, битимларни имзолаш, юбилей саналарини нишонлаш бўйича маслаҳатлашиш ёки фикр алмашиш мақсадида у ёки бу мамлакатга ташриф буюради. "Ишчи ташриф" номи шартли бўлиб, ҳар бир ташриф, хусусан, расмий ташриф ҳам ишчи характерга эга бўлади. Давлат бошлиғи ёки ҳукумат бошлигининг ишчи ташрифи давомида расмий ташрифга хос бўлган маросимлар нисбатан кам ўрин тутати. Ишчи ташриф одатда қисқа ва вақт жиҳатидан чекланган бўлади.

Йўл устидаги (Транзит) ташрифлар сирасига олий даражадаги меҳмоннинг ўз йўли давомида муайян шаҳарда тўхтаб ўтиш киради. Бундай ташрифлар давомида маросим элементлари минимум даражасига етказилган бўлиб, давлат томонидан мазкур меҳмонга ҳурмат кўрсатилади. Айрим ҳолларда истисно тарақасида, меҳмонларнинг илтимосига кўра ва тегишли келинцувга эришилганда мамлакат раҳбарлари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилиши мумкин. Олий даражадаги учрашувлар мураккаб

халқаро муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳолат мазкур ташрифга жиддий ёндашиш ва тайёрлашни талаб қилади.

## ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАРДА ДИПЛОМАТИК ПРОТОКОЛ

Давлатлар ўртасидаги муносабатлар натижасида келиб чиқувчи муаммоларни ҳал қилувчи воситалардан бири кўп томонлама дипломатиядир. Унинг самарадорлиги давлатлараро муносабатларнинг ҳолатига боғлиқдир.

Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинга даврда кўп томонлама дипломатия гитлеризмга қарши курашувчилар коалициясининг конференцияси шаклида намоён бўлди. Бу конференциялар Москвада (1943), Техрон (1943), Қрим (1945), Потсдам (1945), шу билан бирга Думбартом-Окс шаҳарларида ўтказилди. 1945 йилдаги Сан-Франциско конференциясида БМТ Устави қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда кўп томонлама дипломатия асосан икки шаклда-аниқ мақсадли, махсус қақрилувчи халқаро конференциялар ва халқаро ташкилотлар сессиялари шаклида амалга оширилмоқда.

Халқаро конференциялар айрим ҳолларда кенгаш деб ҳам аталади (Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши). Баъзи ҳолларда эса конференциялар деб юритилади.

Кўп томонлама дипломатиянинг яна бир шакли халқаро ташкилотларнинг йиллик сессияларидир. Булар - БМТ Бош Ассамблеясининг йиллик сессияси, шу билан бирга унинг кўп сонли ташкилотларининг - Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БСТ ва бошқаларнинг шу каби тақбирлари ва бошқалар..

Халқаро кенгаш анжуман ва ташкилотларнинг турли-туманлигига қарамай, уларнинг муваффақиятли иш олиб бориши учун муайян тартибга риоя қилиш лозим. Шу билан бирга аниқ меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш лозимки, улар мазкур анжуманларнинг фаолиятини тартибга солиши, анжуман иштирокчилари - суверен давлатлар билан алоқаларни белгилаб бериши лозим.

Конференция ўтказиш жойи танланаётганда кўп жиҳатларга эътибор бериш лозим. Сиёсий жиҳатлар асосий ўрин тутаяди. Шу билан бирга хавфсизлик, мамлакат ҳолати ва обрўси билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Одатда дахлсиз, холис (нейтрал) мамлакат қулай ҳисобланади. Шунинг учун кўп конференциялар Швейцария, Австрия ва Скандинавия мамлакатларида ўтказилади.

Дипломатик протоколнинг кўп сонли вазифаларини бажариш учун барча мамлакатларда махсус хизматлар ташкил этилади. Протокол хизматлари ҳар хил тузилишга эга бўлиши мумкин. Баъзи мамлакатларда

бундай хизматлар давлат бошлиғи ва ташқи ишлар вазирлиги хузурида фаолият кўрсатади. Бошқа мамлакатларда эса ягона дипломатик хизмат фаолият олиб боради. Протокол хизмати давлатлар ташқи сиёсий идораси фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Бошқа мамлакатлар, хорижий ваколатхоналар билан расмий муносабатлар шу орқали амалга оширилади.

1961 йилги Вена конвенцияси доирасида фаолият кўрсатар экан, дипломатик ваколатхоналар ўзи жойлашган мамлакат идоралари билан доимий алоқада бўладилар. Улар ўзи турган мамлакат ҳукумати, парламенти, мамлакат жамоатчилиги ва шу билан бирга шу мамлакатдаги бошқа вакиллар, элчилар, олимлар, маданият арбоблари ва бошқалар билан учрашув, суҳбатлар уюштирадилар.

Кўрсатилган протокол тадбирларини бажариш учун элчихонада бир-иккита ходим ажратилади. Улар протокол масалаларига маъсул ҳисобланадилар. Бу иш протокол фаолияти сингари сиёсий характерга эга. У аниқлик, муайян тизимга риоя қилиш, маълум бир хилликни талаб қилади. Чунки ташкил этилаётган тадбирлар муайян мақсадга йўналтирилганлиги билан бирга мазкур ваколатхона давлатининг протокол меъёрларига мос келиши ва ўзи турган мамлакат протокол меъёрларига зид бўлмаслиги лозим. Шунинг учун тегишли ходимнинг ўз давлати протокол меъёрларини яхши билиши ва ўзи турган мамлакат протокол амалиётини яхши ўзлаштириши талаб қилинади. Элчи ва дипломатик ходимларнинг ўзи турган мамлакат расмий доиралари билан танишуви дипломатик ходимларнинг аккредитация қилинган вақтидан бошланади. Бироқ ўзи белгиланган мамлакатга етиб келгунга қадар элчи ўз элчихонасидан ўзининг аэропортда кутиб олиниши тартиби ҳақида ахборотни олади.

Ташриф билан боғлиқ барча масалалар, ташқи ишлар вазирлигига келиш ва бошқа тадбирлар дипломатик хизмат орқали амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, ишонч ёрликлари топширилгандан сўнг элчи ўз вазифасини бажаришга киришган деб ҳисобланади ва шу вақтдан бошлаб унинг мазкур мамлакатдаги фаолият муддати бошланади.

Ишонч ёрликлари топширилгандан сўнг элчихона мазкур мамлакатда аккредитация қилинган, дипломатик муносабатлар ўрнатилган мамлакатлар дипломатик ваколатхоналари бошлиқларига элчининг шахсий нотасини жўнатади. Шахсий нота (мактуб)лар матни ҳар бир мамлакат ваколатхонасида турлича бўлиб, у элчи мамлакатининг муайян мамлакат билан муносабатлари аҳволига мувофиқ тузилади. Кейин мазкур мамлакат протокол қоидаларига мувофиқ элчихонанинг протокол хизмати элчи ташриф буюрадиган расмий кишилар, сиёсий ва жамоат арбоблари рўйхатини тузиб чиқади. Шу билан бирга элчи ўз ҳамкасбалари - дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари хузурига ҳам расмий ташриф буюради. У биринчи бўлиб дипломатик корпус дуайени хузурига расмий ташриф буюради. Расмий ташрифларни ҳисобга олиш ва жавоб ташрифларини ташкил этиш элчихонанинг протокол хизмати томонидан амалга оширилади. Барча ташрифлар протокол қоидаларига мос келиши, олтидан ташриф характери, учрашув ва суҳбатлар шакли ишлаб чиқиши лозим.

Қабул маросимлари, таширф ва уграшувлар билан боғлиқ айрим жиҳатлар мавжудки, улар халқаро амалиётда умум тан олинган ва барча мамлакатларда уларга риоя қилинади. Бироқ протокол ва этикет қоидалари дипломатик амалиётда авваламбор сиёсий жиҳатдан қанчалик мақсадга мувофиқнинг миллий хусусиятлари ва анъаналари ҳисобга олинади. Барча мамлакатларда элчихона протокол хизматининг ташиқилотчилик фаолияти муҳимлиги сақланиб қолади. Масалан, Эронда, қатор араб мамлакатларида аёллар алоҳида ҳолатдадир. Баъзи Африка мамлакатларида расмий тушлик пайтда тушлик бошлангувчи қалар сажда қилинади. Ҳиндистонда эса вегетарианлик тарқалган бўлиб, агар меҳмонлар орасида ҳинд миллатига мансуб одам бўлса, ана шу жиҳатни ҳисобга олиш лозим. Демак, элчихона ходими ўз вазифасини тўғри бажариши учун ўзи ишлаётган мамлакат протокол амалиётидан ташқари унинг урф-одатлари, анъаналари ва миллий хусусиятларини ҳам яхши билиши лозим. Бу нозик жиҳатларни билмаслик сиёсий аҳволни мураккаблаштирувчи ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга ўзига хос дипломатик протокол қоидаларига, алоҳида миллий хусусият ва урф-одатларга эга бўлган мамлакатлар билан муносабатларда катта эътибор бериш лозим. Одатда миллий хусусиятлар давлат суверенитети рамзларидан бири ҳисобланиб, уларни бузиш ёки уларга совуққонлик билан муносабатда бўлиш мамлакат суверенитетини бузиш сифатида баҳоланади. Шунинг учун дипломат бунга доим ёдида сақлаши ва ўзи фаолият кўрсатаётган мамлакат миллий хусусиятларини диққат билан ўрганиши лозим.

Дипломатик ваколатхона протокол хизматининг масъулиятли вазифаларидан бири-мамлакатда, элчихона ва унинг ходимларига берилган имтиёз ва иммунитетнинг тўла амалга оширилишини кузатишдан иборат. Бу соҳада қонунбузарлик рўй берганда ёки дипломатнинг ҳуқуқлари камситилган ҳолатларда тезкор муносабат билдириш ва ўз ташқи ишлар вазирлигига тегишли таклифлар киритиши лозим. Дипломатлар ҳуқуқлари ва иммунитетларга камситилган ҳолатлар халқаро аҳвол кескинлашган вақтда кўйлаб рўй беради.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинган фикрлар давлат ташқи ишлар сиёсатини амалга оширувчи дипломатик ходимлар фаолияти билан боғлиқ.

Дипломатнинг касб маҳорати давлатлараро муносабатларда катта аҳамиятга эга. Дипломат касби энг кўҳна ишлардан саналади. Қадим даврлардан бизгача кўҳна замонларда уруш ва тинчлик муаммолари қандай ҳал қилинганлигидан далолат берувчи маълумотлар етиб келган. Ҳозирги пайтда дипломатик хизмат халқлар ўртасидаги ҳамкорлик, хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш ишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Консул - давлат томонидан хорижий мамлакатнинг муайян туманига юбориладиган расмий вакилдир. У мазкур ҳудудда яшовчи ёки вақтинча турган, ўз мамлакати ҳимоясига муҳтож фуқароларни ҳимоя қилади ва давлат томонидан топширилган бошқа вазифаларни бажаради. Консул ўз давлати фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш учун уларга ёрдам беради. У маъмурий ва кузатувчилик фаолиятини олиб боради. Консуллик идораси бошлигининг вазифалари дипломатик ваколатхона бошлиғи

вазифасидан фарқ қилади. Авваламбор консулхона бошлиқлари уларни хорижда ўз давлатининг вакили сифатида фаолият кўрсатувчи элчихонадан фарқли бўлган вазифани бажаради. Дипломатик ваколатхона бошлиқлари уларни хорижий давлатда аккредитация қилувчи давлат вакили бўлиб, уларнинг вазифаси ҳамма ёрда бир хилдир. Икки давлат ўртасидаги ташқи сийёсий муносабатлар масалалари фақат уларнинггина тасарруфига таъқиқ. Консул эса аксинча улар фаолият кўрсатувчи ҳудудда яшовчи ўз давлати фуқаролари ёки транзит йўли билан мазкур ҳудуддан ўтувчиларга нисбатан белгиланган вазифаларни бажаради. Гарчи ҳар бир давлат ўз консуллик корпуси вазифалари, мақоми ва ваколатларини ўзи белгиласа ҳам, консул ўзи турган давлат тан олган ваколатларининггина амалга ошира олади. Шунинг учун консул ваколатлари икки давлат консуллари ёки белгиланган тартиб ва келишувлар асосида чегараланган бўлади. Шу билан бирга консул ўз вазифасини бажариш жараёнида ташқи ишлар вазирлигига бўйсунсада, умумий вазифалар жиҳатдан консуллик дипломатик ваколатхонанинг бир қисми бўлиб, ўз вазифаларини бажариш даврида улар ҳамкўрликда иш олиб боришлари лозим.

Консуллар олдида қўйилган вазифаларнинг турли характерда бўлиши муносабати билан уларнинг аҳамияти ҳам ўсиб боради. Муस्ताқилликка эришган янги давлатларнинг пайдо бўлиши консул вазифаларини соддаштириш, тартибга солиш, халқаро битимлардан уларни белгилаш заруратини келтириб чиқади. Шу билан бирга уларнинг иш шароитлари, консулларга бериладиган имтиёз ва иммунитет ҳам тартибга солиниши, давр талаби бўлиб қолди.

БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 1963 йил 24 апрелдаги консуллик муносабатлари тугрисидаги Вена конвенциясининг асосий мақсади ана шулардан иборат.

Вена конвенцияси (9-модда) консуллик идораси бошлиқларини тўрт гуруҳга бўлади: 1) бош консул; 2) консул; 3) вице-консул; 4) консуллик агенти. Бош консуллик хизмати консулхонага нисбатан муҳимроқ аҳамиятга эга бўлган марказларда ташкил этилади. Вице-консуллик бош консулликнинг ва консулликнинг консуллик округида ташкил этилиб, унинг бошлиғи консулга бўйсунувчи штатдаги ходим ҳисобланади.

Консуллик идорасини очиш, унинг таснифи, жойлашиши ва консуллик округи жўнатувчи давлат томонидан мазкур идора очилувчи давлат розилигига кўра белгиланади.

1963 йилги Вена конвенциясининг 5-моддаси консуллик олдидаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда консуллик вазифаларининг умумий мазмунини қуйидагича белгилайди:

1) вакили бўлган давлатнинг жисмоний ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш; паспорт ва визалар бериш; нотариус вазифаларини бажариш ва шу билан бирга фуқаролик ҳолат актларини рўйхатга олувчи ва бошқа мансабдор шахслар вазифасини бажариш; фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш; ўзи турган мамлакат суд маҳкамаларида ўз давлати фуқароларининг вакили сифатида қатнашиш, суд ҳужжатларини тақдим этиш ва ҳ.к.;



2) қонун доирасида мамлакат иқтисоди ривожланиши шароитларини ўрганиш.

3) давлатлар ўртасидаги иқтисодий, савдо, илмий-маданий алоқаларнинг ривожланишига имкон яратиш;

4) жўнатувчи давлат томонидан консул зиммасига юкланган барча вазифаларни ўзи тўрган давлат шароитлари даражасида бажариш.

Бу вазифалар консуллик округи ҳудудида консуллик идораси бошлиғига шу лавозимга тайинлаш пайтида берилган ҳуқуқлар асосида амалга оширилади.

Консуллик вазифаларининг консуллик ҳудудидан ташқари ёки учинчи давлат ҳудудида (6 ва 8-модда) бажарилиши учун консуллик идораси жойлашган давлатнинг розилиги зарур бўлади.

Консулни тайинлаш тартиби Вена конвенцияси (1963)нинг 10-15-моддаларида асос этган. Зеро, консуллар ўз фуқароларига нисбатан муайян ҳуқуқларга эга бўлганлиги, шу билан бирга ўзи турган давлат фуқаролари жўнатувчи давлат билан муайян алоқага эга бўлганлиги учун консулларни тайинлаш, қабул қилиш масаласида жўнатувчи ва қабул қилувчи давлат ўртасида алоҳида танишув бўлиши лозим. Бу муаммоларга Вена конвенциясида алоҳида эътибор берилган.

Консул ўз вазифаларини бажариш учун икки давлат ҳужжати зарур: закил сифатида жўнатувчи давлат консуллик гувоҳномаси билан таъминлайди. Бу ҳужжат патент деб ҳам аталади. Бу ҳужжатда консулнинг мақоми ва вазифа бажариш ҳудуди кўрсатилади. Консул фаолият кўрсатувчи давлат унга экзекватура тақдим этиб, маҳалий қонуночилик ва консуллик конвенциясида кўрсатилган вазифаларини эркин бажариш ҳуқуқини тасдиқлайди. Шу билан бирга белгиланган имтиёз ва иммунитетдан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Давлат консулни қабул қилишда бош тортиши мумкин. Шу билан бирга Конвенциянинг 12-моддасида бундай ҳолатларда давлат ўз нерозилиги сабабларини баён қилиши шарт эмаслиги таъкидланади.

Консулнинг ваколатлари икки мамлакатда амал қилинувчи қонунлар асосида муайян даражада чекланади.

У тайинланаётган вақтда унинг зиммасига бажариши лозим бўлган вазифалар консуллик идораси фаолият кўрсатаётган мамлакат қонунлари доирасида амалга оширилади. Вена конвенциясининг 18-моддаси консул вазифалари ҳақида тўхталиб, консул агар ўзи турган давлат қарши бўлмаса, бир неча давлат тошқирлиғига кўра ўз вазифаларини бажариши мумкинлигини таъкидлайди.

Консуллик идораси бошлиғи ўз вазифаларини бажаришга киришиши билан (вақтинча бўлса ҳам) мазкур давлат раҳбарияти зудлик билан консуллик округи муътабар идораларини бундан хабардор қилади ва консуллик идораси бошлиғининг ўз вазифаларини тўлақонли бажариш ва ўз имтиёзлари ва иммунитетларидан фойдаланиши учун шароит яратиш беришга ҳаракат қилади. Дипломатик ваколатхона ТИВ олдида консуллик билан боғлиқ масалаларни қўйиш ҳуқуқига эга. Айрим ҳолларда

консуллик идораси пойтахтда дипломатик ваколатхона бошқисига жойланади. Амалда агар элчихона консуллик округи учун махсус экскватура олмаган бўлса, у ҳолда консуллик ишлари билан уш турган мамлакат таъқи ишлар вазирлиги орқали шугулланади. Элчихона махсус вакил вазитасида консуллик округи маҳаллий маъмурлари билан боғланиши мумкин.

Сўнги йилларда кўп мамлакатларда дипломатик ва консуллик хизматларининг қўшилиб кетиш ҳоллари кузатиламоқда. Натижада консулларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари билан дипломатга эга бўлган имтиёз ва иммунитетлар генглашиб қолди. Бу жараён борган сари кучаймоқда. 1963 йилги Вена конвенциясида ўрнатилган тартиб консуллар имтиёзларини мустаҳкамлади ва кенгайтирди.

Вена конвенцияси консуллик идораси бошлиқларининг вакили бўлган давлат фуқаролари билан эркин муомалада бўлиш ва алоқа қилишларини кафолатлайди. Консуллик идораси ходимларининг мамлакат бўйлаб эркин ҳаракат қилиши кафолатланади, чунки бу ҳолат кириш таъкидланган зоналар ҳақидаги қоида ва қонунга зид эмас. Конвенция маҳаллий маъмуриятнинг консулни у вакил бўлган давлат фуқароси вафот этганда, унга ҳомий тайинланиш лозим бўлган ҳолларда ва болға воқеалар содир бўлганда хабардор қилиш мажбуриятини таъкидлайди.

Дахлсизлик консул ва унинг ўз вазифаларини тўлақоғли бажариши учун жуда муҳимдир. Конвенциянинг 40-моддаси консуллик идораси жойланган давлатнинг консуллик идораси ходимларига алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва уларнинг шахсий эркинликлари ва қадр-қимматларига раҳна солишга йўл қўймаслик мажбуриятини таъкидлайди. Консуллик бинолари дахлсизлиги 1963 йилги Вена конвенцияси бўйича қароргоҳлар ва хизмат биноларига ҳам татбиқ этилади.

Вена конвенцияси (1963) консуллик корпуси оқсоқолини белгиласини ҳам назарда тутайди. Консуллик идораси бошлиқлари оқсоқолини экскватура берилган санага мувофиқ белгиланади. Консуллик идораси бошлиғи вазифасини бажарувчи шахс ўз улуглигига кўра бош консул ёки консулдан кейин туради. Бунда уларнинг ўз вазифасини бажариши бошлаган сана ҳисобга олинади. Консуллик корпусининг бошлиғи дипломатик корпус бошлиғи сингаги дуайен ҳисобланади.

Мамлакат пойтахтда фаолият кўрсатувчи бош консул, консул дипломатик корпусга мансуб бўлмайди. Улар дипломатик корпус катнашадиган маросимларга таклиф қилинишга даъвогар бўлмайдилар. айрим давлатларда эса консуллик хизмати элчихонанинг таркибига киради, бундай ҳолларда консуллик хизмати дипломатик корпуснинг таркибий қисми ҳисобланади.

Расмий учрашувларда бош консул ёки консул улуглик жиҳатидан дипломатик ваколатхона бошлиғидан кейин жой олади. Консуллик идораси мансубдор ходимлари (фахрий консуллар) - янра раҳбари бўлмаган ҳолларда ўз маргабасига кўра консуллик идораси раҳбаридан кейин турадилар. Штатдаги консуллар бир хил маргабага эга бўлган фахрий ходимлардан улуглик жиҳатидан катта ҳисобланади. Ўз экскватураларига

мувофиқ уларни қабул қилган ҳукумат ижтимоий ҳимоясида бўлган хорижий консулларга юксак ҳурмат кўрсатиши лозим.

## МУЗОКАРАЛАР

Музокаралар - тинч ва ўзаро мақбул келишувлар асосида қарор қабул қилишдир. Музокаралар ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхона томонидан ўзаро ҳамфикрликни чуқурлаштириш ва тинч-тотув муносабатларни мустаҳкамловчи воситаларга эришиш мақсадида олиб борилади. Бу дипломатиянинг асосий мақсадидир. Барча мамлакатларда ташқи алоқаларни бошқариш, шу билан бирга музокаралар олиб бориш ва халқаро шартномалар тузиш ижрочи ҳокимият хизмат доирасига киради. Мазкур вазифалар халқаро алоқалар идораси воситасида амалга оширилади. Дипломатик ваколатхоналар бу мақсадларни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади. Музокаралар олиб боришни бошқариш ва уларни миллий сиёсат йўналишига қаратиш, шу билан бирга уларнинг муваффақияти учун масъулият ташқи ишлар вазирлигига юкланади. Айнан ташқи ишлар вазирлиги халқаро анжуманлардаги позицияларни ишлаб чиқиши ва бошқа жиҳатларга эътибор бериши лозим. Ташқи ишлар вазирлиги музокара олиб борувчи вакил учун кўрсатмаларни ишлаб чиқиши зарур. Барча ҳолатларда фақат ташқи ишлар вазири давлат бошлиги томонидан унга берилган ваколатлар асосида халқаро битимларни имзолайди. Сўнгра ташқи ишлар вазирлиги битимни ратификация қилиш учун парламентга тақдим этади. Ваколатхона бошлиқлари одатда ишонч ёрлиқлари асосида икки давлат ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча масалалар билан шугулланиш ваколатига эга бўладилар.

Хорижий маъмурлар дипломатларнинг ўз ҳукуматлари томонидан берилган кўрсатмалар асосида фаолият кўрсатаётганларига шубҳа қилмасликлари ва бунга тўла ишонч ҳосил қилишлари лозим. Агар муайян масалани тартибга солиш учун конференция чақириш лозим бўлса, дипломатик ваколатхона мазкур давлатлар ўзаро музокараларни ташкил қилади. Конференция давомида эса ўз ҳукумати томонидан вакил қилинган делегация билан бирга бевосита қатнашади. Кўп томонлама келишув муайян муҳим сиёсий конференциянинг натижаси бўлган ҳолларда, уларни имзолаш бўйича музокаралар махсус делегациялар томонидан олиб борилади ва дипломатик ваколатхоналар учун бевосита манфаат сезилмайди. Иккинчи томондан кўпгина кўп томонлама келишувлар турли пойтахтларда имзоланади ва элчихоналарнинг кўпинча бу тадбирларда иштирок этиши кузатилади.

Кўп томонлама музокаралар одатда турли давлатлар делегациялари иштирокида ўтказилади. Улар кун тартибини аввалдан белгилаб оладилар ва музокаралар шаклини келишадилар. Бундай тадбирлар кўпинча нейтрал мамлакатларда ўтказилади.

## МУЗОКАРАЛАР ДИПЛОАТИЯ ШАКЛИ СИФАТИДА

Бугунги кунда музокаралар жамият, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ҳозирги кунда аҳолининг жуда катта қисми халқаро муносабатларда музокараларнинг амалий зарурияти ва музокаралар олиб бориш санъатини эгаллаш муҳимлигини тушуниб этдилар.

Ғарбий давлатлар сиёсий, ижтимоий ҳаётидаги зиддиятларнинг музокаралар йўли билан ҳал қилиниши, унинг механизмларини ишлаб чиқиш асосан **II** Жаҳон урушидан сўнг амалга оширилди.

Музокаралардан асосан жиддий масалаларни ҳал қилиш жараёнида фойдаланилади. Вужудга келган муаммоларни қонунчилик ёки бошқа норматив ҳужжатлар асосида ҳал қилиш мумкин бўлса, унда музокараларга эҳтиёж сезилмайди. Музокаралар асосан икки томон учун ҳал қилиниши манфаатли бўлган муаммони муҳокама қилиш ва биргаликда қарор қабул қилиш учун зарур ҳисобланади.

Сиёсат бобида музокаралар ўз қарашлари, ғоялари, ишончларини тарғиб қилиш учун қўлланиши мумкин. Бу ҳолат "совуқ уруш" даври учун характерли эди. Айрим ҳолларда музокаралардан пайдо бўлган зиддиятларни бартараф этиш учун фойдаланиш мумкин.

Тарихий жиҳатдан музокараларнинг ривожланиши, унинг янги шакллари пайдо бўлиши уч йўналишда борди: 1) сиёсий дипломатик, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш (О.Эрнс. "Слово предоставляется Вам". М. 1988)

Музокаралар олиб бориш учун унинг моҳиятининг тушуниб етиш лозим. Музокаралар биринчи навбатда муаммони ҳал қилишга қаратилган қўшма ҳамкорлик фаолиятidir. Музокараларда одатда икки қатнашчи бўлиб, уларнинг манфаатлари қисман бир хил бўлиб, қисман эса бири-бирига мос келмайди. Ҳар бир конкрет ҳолатда мослик ёки номослик нисбати кўп ёки кам бўлиши мумкин, лекин улар ҳар бир музокарада учрайди. Музокараларнинг турли таснифлари мавжуд.

Музокараларни икки катта гуруҳга бўлиш мумкин: 1) бухрон ва зиддиятли ҳолатларни тартибга солиш билан боғлиқ музокаралар ва 2) ҳамкорлик доирасида олиб бориладиган музокаралар. Бухрон ва зиддиятли ҳолатларда музокараларнинг муқобили сифатида зўравонлик ҳаракатлари майдонга чиқиши мумкин. Бу эса музокара иштирокчилари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бундай ҳолларда томонлар учинчи шахс - воситачилар ёрдамига муҳтож бўладилар. Музокаралар қандай даражада ўтказалиши, унда қанча давлат қатнашиши, музокаралар бир марта ўтказилиши ёки доимий ўтказиб турилишига кўра фарқланади. Кўп томонлама музокаралар нисбатан мураккаб тузилишга эгадир. Бундай

музокараларда ўзаро мақбул бўлган қарор қабул қилиш анча қийин кечади. Музокаралар жараёнида уч асосий босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

- музокараларга тайёрланиш;
- уларни ўтказиш жараёни;
- музокаралар натижаларини таҳлил қилиш ва эришилган келишувларни бажариш.

Музокаралар томонлар музокара ўтказишга ўтиришларидан аввалроқ бошланади. Музокараларга тайёрланиш ўзаро боғлиқ бўлган икки йўналиш бўйича иш олиб боришни назарда тутати. Булар - ташкилий масалалар ва музокараларнинг асосий қисмини тайёрлаш, музокараларнинг ташкилий масалаларига делегацияларни шакллантириш, учрашув жойи ва ўрнини аниқлаш, ҳар бир мажлис кун тартиби ва бошқалар киради:

- а) музокара қатнашчиларини таҳлил қилиш;
- б) музокараларга умумий ёндашиш ва уларга нисбатан шахсий позицияларни шакллантириш;
- в) мумкин бўлган қарорлар вариантларини аниқлаш. (Искусство дипломатических переговоров. Журнал "Международная жизнь" М. 1989 г. №8)

Музокара қатнашчиларининг музокаралар бўйича муносабатлари характери музокаралар натижасига сезиларли таъсир қилади. Дипломатик амалиётда музокаралардан кетиб қолиш ("Эпикни қаттиқ ёпиш") томонлар ўртасидаги кескин муносабатларни янада мураккаблаштирган, холос.

Одатда сиёсий ёки дипломатик музокараларга тайёрланиш жараёнида шерикларнинг нутқ ва баёнотлари мукамал таҳлил қилинади.

Музокараларда қабул қилинган қарорлар икки ёндашув билан асосланиши мумкин. Зиддиятларни ҳал қилишда асосан икки ёндашув кўзга тапланади. Биринчи ёндашув мавжуд зиддиятнинг юмшатиши; иккинчиси эса - зиддиятни тугатишга қаратилади. Шунинг учун биринчи ҳолатда фақат зиддиятни тартибга солиш, иккинчисида эса - ҳал қилиш хусусида сўз бориши мумкин. Музокара қатнашчилари қабул қиладиган қарорларнинг икки турини кўрсатиш мумкин:

- келишув қарорлар;
- принципиал жиҳатдан янги қарор қабул қилиш. (В.Удалов. Баланс сил и баланс интересов. Журнал "Международная жизнь". 1990 г. №5)

Умумий тарзда музокаралар олиб боришнинг уч асосий босқичи ҳақида фикр юритиш мумкин:

- қатнашчиларнинг манфаатлари, нуқтаи назари, концессия ва позицияларини ўзаро аниқлаш;
- уларни муҳокама қилиш (ўз қарашларини қўллаб-қувватлаш учун аргументлар кўрсатиш, таклифлар ва уларни асослаш);
- позицияларни мослаштириш ва келишувларни ишлаб чиқиш.

Музокаралар давомида муаммоли масалаларни муҳокама қилишдан қурқиш керак эмас. Асосийси музокараларда қатнашаётган томонларнинг позицияси нимага қаратилганини кўра билиш. Агар музокаралар бошлангунга қалар фикр алмашиши имконияти бўлса, у ҳолда буни мавжуд муаммони ҳал қилишда қўллаш лозим. Томонлар музокараларни бошлангунга шошмаганлари маъқул, аксинча бутун эътиборларни ҳаракатларига салбий баҳо беришнинг олдини олишга қаратиш, ҳиссиётга берилмаслик, матбуот ва бошқа воситаларда шерик ҳақида салбий фикрлар айтишдан ўзни тийишга қаратиш лозим.

Бундай ҳолатларда музокараларни воситачилар ёрдамида амалга ошириш осон кўчди. Воситачи муаммонинг ҳал қилинишигагина эмас, балки зиддиятларнинг ечимини топиш, кўн ҳолларда “душман образи”дан қутулиш имконини беради (Рубин Дж. Колб Л. Психологический подход к международным переговорам. М. 1990).

Музокараларда зиддиятларни бутунлай ҳал қилиш доим ҳам мумкин эмас. Зиддиятларни тартибга солиш бундай ҳолларда зўравонликдан қочиш ва муаммони ҳал қилишдаги дастлабки босқич бўлиши мумкин. Томонлар муаммонинг ҳал қилинишига қандай ёндашиши музокараларда қандай принципларни қўллаш мумкинлигига кўра қўйидагиларни назарда тутиш лозим:

- томонлар манфаатларининг нисбати;

- томонларнинг музокараларга умуман ёндашуви ва муаммолари ҳал қилинишига муносабатлари.

Музокара қатнашчилари манфаатлари нисбати ҳақида сўз юритганда икки муҳим жиҳатга алоҳида эътибор бериш лозим: биринчидан, томонлар умумий ва шу билан бирга турли манфаатларни кузатадилар: иккинчидан, ҳар доим ҳам ҳамма манфаатлар учун бир ҳил аҳамиятга эга бўлмайди. Муайян масала қатнашчилардан бири учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин, айна пайтда бошқа бир масала унинг шериги учун ана шундай аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Умумий ва турли манфаатларнинг мавжудлиги томонларнинг бири-бирига ён босиб келишув йўллари топишини кўзда тутди. Мана шу музокараларда муаммони ҳал қилишнинг биринчи тиши саналади. Ўзи учун анча аҳамиятли бўлмаган, лекин шериги аҳамиятли масала бўйича ён босиб, музокара иштрокчиси ўзи учун катта аҳамиятга эга бўлган масала бўйичасалмоқли ютуққа эришди.

Томонлар келишувларини ишлаб чиқишларидан олдин ўз нуқтаи назарларини аниқлашлари ва уларни муҳокама қилишлари лозим. Муаммони музокаралар воситасида ҳал қилишга шошилмаслик керак. Музокаралар биринчи босқичида шерик билан “умумий тил” топиш жуда катта аҳамиятга эга. Музокараларни олиб бориш - икки томоннинг фасллигини талаб қилади. Музокараларда сусткашлик позицияларнинг ёмон ишлангани, унинг ночорлиги ёки музокара олиб боришни истамасликни билдиради. Бироқ шу билан бирга музокара қатнашчисини муҳокама қилишга мажбурлаш ҳам тўғри эмас. Музокаралар биринчи навбатда тенг ҳуқуқли қатнашчилар сўхбати бўлиб, уларнинг мақсади икки томонлама келишувларга эришишдан иборатдир.

Ёш мустақил давлат бўлган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзи мустақил қатнашмоқда. Унинг позициялари минтақавий ва глобал қарорлар қабул қилинаётганда ҳисобга олинмоқда. Ташқи сиёсий фаолият ҳозирги шароитда минтақавий дунё сиёсатида, халқаро муносабатлардаги муҳим омил ҳисобланади. Уларни ҳисобга олмай туриб халқаро ҳаёт ва шу билан бирга мамлакат ташқи сиёсатида муҳим воқеаларни тўғри баҳолаш ва идрок қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти унинг миллий мустақиллиги, сиёсий ва иқтисодий эркинлиги, суверенитетни мустаҳкамлаш ва кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мувафақиятли ҳал қилиш учун алоҳида аҳамият касб этади.

Халқаро алоқалар ва дипломатия соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг камтарона тажрибаси шуни кўрсатадики, мустақил сиёсат олиб бориш, жаҳон ҳамжамиятига киришининг ўзига ҳос йўллارни ишлаб чиқиш, давлатлараро муносабатларининг устивор йўналишларини аниқлаш, уларни ривожлантириш, тинч-тотув яшаш принципларини ўрнатиш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенг миқёсда ички ва ташқи сиёсат билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Бу имкониятлар 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Мустақиллик натижасида Ўзбекистон халқларининг ўз тақдирларини ўзи белгилаш ҳуқуқи амалга ошди. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришиши, унинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилот ва минтақавий уюшмаларга аъзо бўлиши ана шундай имкониятларни очиб берди.

Ўзбекистон ва бошқа ёш мустақил давлатлар учун тинчлик, муаммолари, барқарор чегаралар, минтақадаги тинчлик масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур омиллар тараққиёт ва тинч-тотув яшаш учун муҳимдир.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ва унинг халқаро обрў-этибори бу давлатнинг мустақил сиёсат олиб бориши, воситачиларсиз ўзаро манфаатдор ҳамкорлик ўрнатишининг гаровидир. Республика раҳбариятининг ташқи сиёсий фаолияти ва дипломатияси унинг миллий манфаатларига тўла жавоб беради ва суверенитетни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати билан бевосита ўзаро боғлиқдир. Мустақил ташқи сиёсат олиб бориш, кўп давлатлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, эълон қилинган принципларни оғишмай ҳаётга татбиқ этиш ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқ белгилаб олиш республикада ижобий ўзгаришлар қилиш ва демократик кучларнинг мустаҳкамланишига имкон бермоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати анча мураккаб, кўпқиррали, ривожланиб бораётган, аниқ мақсадларга йўналтирилган тизимдир. Республиканинг дипломатик фаолияти жаҳоннинг етакчи давлатлари қаторига кириб боришга имкон яратмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик музокаралари халқаро муносабатларнинг муҳим муаммолари, айниқса

Марказий Осиё минтақасидаги муаммоларни муҳокама қилишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан қўп томонлама ҳамкорлигининг ривожланиши, унинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари, халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги ваколатхоналарининг фаол қатнашувлари республиканинг халқаро обрўси ошишига хизмат қилади.

Мазкур дарслик ташқи сиёсат соҳаси учун ёш кадрлар тайёрлаш ишида муайян ёрдам беради ва тегишли идоралар ва ташкилотлар учун ташқи сиёсат ва дипломатия масалалари бўйича қўлланма бўлиб хизмат қилади, деб ўйлаймиз.



## А Д А Б И Ё Т Л А Р.

- Актуальные проблемы политики Японии. "Наука" М. 1991
- Барач Д. Дэн Сяопин. "МО" М. 1989
- Б. Гали Повестка дня для развития. 1995
- Башенко И. Дипломатическое право. М. 1972
- Бобылёв Г. Основы консульской службы. М. 1986
- Ведомости Верховного совета СССР №18
- Венская конвенция о дипломатических сношениях 1961. М. 1964
- Взаимодействие культур Востока и Запада. "Наука" М, 1991
- Вито Танзи Переход к рынку. МВФ Нью-Йорк 1995
- Галкин И. На пути в Белый Дом. М. 1991
- Гарачев А.С. Политический экстремизм. М. 1986
- Гергиль У. Вторая мировая война. М. 1991
- Громыко А. Последнее интервью. Огонёк. 1989 №30
- Датт В.П. Внешняя политика Индии М. "Прогресс", 1988
- Дж.Вуд и Жан Серре Дипломатический церемониал и протокол.  
М. 1976
- Дипломатический вестник. 1982-1989
- Дипломатия и кадры. Под.ред. В.Щетинина. М. 1963
- Дипломатический словарь. М. 1984-1986. т. 1-п
- Дискурсы. М. 1973
- Дмитриев Т.Ф. Многосторонняя дипломатия США. М. 1991
- Долгополова Н.А. Национальные приоритеты США. М. 1992
- Ермошин В.В Содружество Совета Безопасности и Генеральной  
Ассамблеи. Международное право на службе мира. М. 1979
- Жуковский А. Дипломаты нового времени. М. 1982
- Журкин В.В. США и международно-политические кризисы. М. 1975
- Загладин Н.В. История успехов и неудач советской дипломатии. М. 1990
- Зорин В.А. Основы дипломатической службы. М. 1977
- Иванов Р. Дуайт Эйзенхауэр "Наука" М. 1987
- Иванов Э. От Джорж Вашингтона до Джорж Буша. М. 1991

- Израэльян В.И. Дипломатия в годы второй мировой войны. "МО" М.1980
- Израэльян В. Дипломаты лицом к лицу. М. 1990
- Караусманоглу Я. Дипломат по неволе. М. 1978
- Каримов И. Ватан сажлагоҳ каби муқаддасдир Т. 1995
- Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 1995
- Каримов И. Ўзбекистоннинг келажаги буюк давлат. Т. 1992
- Каримов И. Ўзбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т. 1993
- Каримов И. Туркистан - наш общий дом. Т. 1996
- Касымов А. Васькин И. Основные направления внешней политики РУз. Т. 1994
- Ковалёв А.Г. Азбука дипломатии. М. 1965
- Ковалёв А.Г. Азбука дипломатии. М. 1985
- Ковалёв О.М. Лебедева М.М. Анализ ведения переговоров на примере СБСЕ. М. 1987
- Косбян Н.Ф. Консенсус в современных международных отношениях. М. 1983
- Кременюк В.А. США и конфликты в странах Азии (70-е годы) М. 1979
- Крылов О.Б. История создания ООН. М. 1960
- Куэльяр Х.П. ООН: сегодня и завтра. М. 1988
- Ладыженский А.М. Блищенко И.П. Мирные средства разрешения споров между государствами. М. 1962
- Лебедева М. Уметь вести переговоры. М. 1991
- Лебедева П.Б. Международные отношения в зоне Индийского океана "Наука" М. 1991
- Лукин В.П. Центры силы: концепция XX в. и реальность. М. 1983
- Лунов С.И. Индия и США. "Наука" М. 1991
- Ляхов Е.Г. Терроризм и межгосударственные отношения. "МО" М. 1991
- Марсу А. Жизнь Дизраэли. М. 1991
- Матвеев В.П. Британская дипломатическая служба. М. 1984
- Матвеев В.Н. Дипломатическая служба США. М. 1987
- Матвеев В. Тапов А. В мире вежливости. М. 1983
- Майинов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи муаммолари. "Шарқшунослик" 120-131б. Т. 1993
- Международное право. Дипломатическая Академия М. 1995

- Международный Ежесленик. М. 1990
- Международные конфликты. Под ред. В.В. Журкина Е.М. Примакова М. 1972
- Международное частное право. М. 1984
- Межэтнические конфликты в странах зарубежного Востока "Наука" М. 1991
- Молочков Ф.Ф. Дипломатический протокол и дипломатическая практика. М. 1079
- Михайлов Ю. Общественно-политическая мысль Японии "МО" М. 1991
- Мусульманские страны. (сборник статей) "Наука" М.1991
- Никольсон Г. Дипломатическое искусство. М. 1968
- Программа курса "Основы дипломатической и консульской службы". ТашГУ. 1994
- Политические партии. Справочник М. 1994
- Политические отношения на Востоке. "Наука" М. 1990
- Примаков Е.М. Анатомия ближневосточного конфликта. М. 1979
- Республика Узбекистан: рождение независимого государства. Т. 1992
- Рузвельд З. Его глазами М. 1947
- Сатоу Э. Руководство по дипломатической практике. М. 1961
- С. Гонал Д. Неру "Мысль" М. 1-2т. 1990
- Селянинов О. Дипломатические представительства. М. 1990
- Сенченко И.П. Персидский залив: взгляд сквозь столетия. "Наука" М. 1991
- Симония И.А. Страны Востока: пути развития. М. 1976
- Система, структура и процесс развития современных международных отношений. Под ред. В.Гурмана М. 1984
- Сиполс В.Я. Дипломатическая борьба на кануне второй мировой войны. "МО" М. 1989
- Современные внешнеполитические концепции США. М. 1979
- Сумский В. Национализм и авторитаризм. "Наука" М. 1989
- Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право. М. 1986
- Тамерлан (эпоха, жизнь, деяния) М. 1992
- Тегеран, Ялта, Потсдам. (сборник документов) "Международные отношения" М. 1980
- Трухановский В.Г. Уинстон Черчиль. "Мысль" М. 1977
- Тюрина И. Международный правспорядок. Казань. 1991
- Удалов В. Баланс сил и баланс интересов. Международная жизнь, 1990 №5

- Федоров Л. Дипломат и консул. М. 1985
- Федоров Л. ООН и проблемы войны и мира. М. 1988
- Хакимов Р. Узбекистан и ООН. Т. 1995
- Черкасов П. Лафайет. "МО" М.1980
- Чиркин В.Е. Государственная власть в развивающихся странах. "Наука" М 1990
- Эмерж Л. Моя дипломатическая жизнь. М. 1960
- Яковлев А. От Трумэна до Рейгана. М. 1987
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 1992
- Ўзбекистон Республикаси фармонлари ва қарорлари Т. 1994
- Ўзбекистон мустикал тараққиёт йўлида. Т. 1994

### ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАГИ АДАБИЁТЛАР.

- A. Dictionary of Politics. N.Y. 1993
- A. Dictionary of Diplomats. L. 1991
- A History of the Ottoman Empire to 1730. Oxford. 1976
- Berman M. Unofficial Diplomats. N.Y. 1992
- Brzezinski Z. Power and Principle. L. 1983
- Diplomatic Handbook, ed. by Feltham. N.Y. 1990
- D.Kennan American Diplomasy. N.Y. 1983
- E. Carr What is history? Combridge 1961
- Fisher, R.Uryw Getting to Ues. N.Y. 1981
- Fisher, Brown's Getting together. Boston 1988
- Foreign Affairs Summer. 1984 v62 №5
- F. Roosevelt and the Age of Action. N.Y. 1960
- J.Burton Global Conflikt. L. 1984
- Henderson N. The Private office. L. 1984
- Holdbroad C. Superpowers and Intenational conflict. L. 1979
- H. Tucer "Eski" ve "Yeni" Diplomasi. Ankara. 1991
- Kissinger H. The White Hous Years. Boston. 1979
- Mayer M. The Diplomats. N.Y. 1983
- M.H. Buckler A History of Western Society. Boston.
- Moorhous G. The Foreigh office today. L. 1977
- Nixon R. The memoirs of Richard Nixon. N.Y. 1978

Treviyan H. Public and Private. L. 1980  
These United States. Irwin Under. vol 1-2

Теришга берилди 9. 09. 96. Босишга рухсат этилди 7. 09. 96. Ўлчами 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 5,04. 300 нусха. Буюртма 68. Бахоси келишган нархда.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти.

Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси, 44, 1996.